



© "Yoshlik" № 10 (239) 2010 y.

O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi, «Kamolot»
yoshlar ijtimoiy harakati muassisligidagi
yoshlarning adabiy-ijtimoiy jurnali.

1982 yildan chiqa boshlagan.

Jamoatchilik kengashi raisi:

Abdulla ORIPOV

Jamoatchilik kengashi:

Feruz MUHAMMADJONOVA
Abulqosim MAMARASULOV
Ahmad OTABOYEV
Minhojiddin MIRZO
Shuhrat SIROJIDDINOV
Shunqor XUDOYBERDIYEV
Ahmad USMONOV

Bosh muharrir:

Sobir O'nar

Bosh muharrir o'rinbosari:

Luqmon BO'RIXON

Mas'ul kotib:

Akbarali MAMASOLIYEV

Tahrir hay'ati:

Bobur ALIMOV
Iqbol MIRZO
Abduqayum YO'LDOSHEV
Abdusaid KO'CHIMOV
Sirojiddin SAYYID
Rustam MUSURMON
O'rozboy ABDURAHMONOV

Sahifalovchi: Saodat RUSTAMOVA

Rassom: Dadaxon BAHODIROV

Ushbu son "Yoshlik" jurnali tahririyatining kompyuter markazida sahilandi.

Manzilimiz:

Toshkent. sh.

O'zbekiston shohko'chasi, 16-«a» uy.

E-mail: yoshlik-xatlar@rambler.ru

Tel/faks: +99837 227-0-227,

245-5-793, 245-0-552

MUNDARIJA

ADIB XONADONIDA

Asad DILMUROD. Tuyg'u va tafakkur birlashadigan o'zan. 2

NASR

Hamid ELXON. Ayol va ilon. Hikoya. 19

Abduqayum YO'LDOSH. To'y. Qissa. 24

NAZM

Ikrom OTAMUROD. Huviiyat. Doston. 13

Dilorom ISMOILOVA. Yurakni qush kabi uchirgim kelar. 34

AXTAMQULI. Qarog'inda qaror izlab qalamni
beqaror etdim. G'azallar. 38

ZAMONDOSH

Dilnavoz XOLIQOVA. Iste'dod. 43

MUTOLAA

Chori BADALOV. Milliy an'analar va badiiy tasvir. 36

BIRINCHI UCHRASHUV

Sanobar QULMIRZAYEVA. Orzu ko'rparasida uxlaydi ko'ngil. 23

O'raloy MARDIYEVA. Mening ertagim. 47

OLIS-YAQIN OVOZLAR

Sevib va sevilib yashang dunyoda. 40

JAJI TADQIQOT

Xurshida NISHONOVA. Shoir ko'ngli manzaralari. 46

YELPUG'ICH

Shuhrat JO'RAYEV. Maoshing qancha? 48

Bosishga 22. 10. 2010 yilda ruxsat berildi.

Qog'oz formati 60x84 1/8. Nashriyat hisob tobog'i 6,0. Indeks 822 ISSN 0207-9137. Jurnal 2007 yil 4 mayda Matbuot va Axborot agentligi tomonidan 0253 raqami bilan ro'yxatga olingan. Jurnaldan ko'chirib bosilganda «Yoshlik»dan olindi» deb izohlanishi shart. «Avto-Nashr» MChJ bosmaxonasida chop etildi. Buyurtma № yo-4

Manzil: Toshkent shahri, 8-mart ko'chasi, 57-uy.



Асад ДИЛМУРОД

ТУЙҒУ ВА ТАФАККУР БИРЛАШАДИГАН ЎЗАН



Севимли “Ёшлик” камина учун айниқса эъзозли, негаки, орзу-ҳавасга лим-лим бўлган ўт-олов даврим, айни пайтда, илк ижодий уринишларимни доим ёдимга солиб туради. Журнал дастлабки тарихий ҳикоям “Шердор”ни жамоатчилик эътиборига ҳавола этганда қанчалар руҳланган эдим, шундан кейин неча-неча юз йиллар наридан бугунга нигоҳ қадаган мозийга бутунлай боғланган бўлсам ажаб эмас.

Умр қушдек учиб ўтди-ю, хаёлпараст ёшлигим олисда қолди, шунинг билан бирга, у ҳаётим ва қалбимга жуда яқин: мудом завқу шавқ билан безовталиқ ва бедорликка ундайди.

Ёруғ дунёда бадиий адабиёт аталмиш битмас-туганмас ноёб хазина мавжуд эканидан воқиф этган, дилимда сўз санъатидек тенги йўқ мўъжизалар мўъжизаси меҳру муҳаббатини жойлаган навқирон фаслдан бир умр миннатдорман.

Балки куларсиз: хаёл отида дунё кезиш, япроқ шитирлашидан ҳам ҳайратланиш, лов этиб ёни-

шу ўчиш, тез севинишу қайғуриш каби одатларни йўрғақда юқтирган бўлсам керак. Кўпинча бирон бадиий асар оҳанрабоси таъсирига тушиб қолардим ва турли азобларга йўлиққан бадиий қаҳрамонлар ҳаётига аралашиб кетардим. Қайси вақт “Хўрланган ва ҳақоратланганлар” романини ўқиб йиғлаганим, неча кун ўзимга келолмай маънос юрганимни хотирласам, кўксим алланечук санчиб қўяди.

Ўша кезлар нима учун шундай ғалати кечирмишларга чулғанганим сабабини тузукли билмасдим, аммо энди анча-мунча биламан, баркамол бадиий сўз чинакам гўзаллик – эстетик қудрат бўлиб, биринчи навбатда, ақлу заковат эмас, қалб, руҳ ва сезгиларга таъсир кўрсатар экан...

Бадиий ижодни қисмат ҳисоблаб, ижод сурури ва нашидаси билан бахтини тўқис санайдиган ҳар бир кимса китоб олдида бурчли, камина бўйнида ҳам узиш қийин шундай қарз бор, агар ҳаётдан қайсидир даражада ўрнимни топиб, бирон қадам илгари босган бўлсам, бари шу содиқ дўсту ёр кўмагида амалга ошганини жону дилим билан эътироф этаман.

Камина китоб асири эдим, биронтасини албатта ёстиғим остида қўйиб ётардим, ҳатто қизиқарли воқеа-ҳодисаларини тушларимда кўрардим, бир қўлимда кетмон, бирида ўроқ тутиб, вақт топсам-топмасам, кутубхонага чопганларим эсимда ва ҳамон ўзимни романтик тафсилотларга бой эртақлару дostonлар оламида, “Капитан Грант болалари”, “Бошсиз чавандоз”, “Гулливёр саёҳатлари”, “Қоплон дара асирлари” каби жавоҳирлар уйғотган ажиб таассуротлар оғушида кўраман, демоқчиманки, китоб бугун ҳам суягувчи қадрдон ҳамдамимдир.

Афсуски, оқу қорани тузукли фарқламас баъзи сўзамоллар эндиликда бадиий китоб эскирди, хиз-



матини тугатди, телевидение, кино ва интернет тизими маънавий тараққиёт, хусусан, санъат соҳасида алоҳида жалб қилувчи янги босқични бошлаб берди қабилда ўйламай-нетмай фикр юритишлари русумга айланди, бир ёқламалиқдан иборат бундай совуқ муносабат фақат мутолаа билан улғайган чинакам китобхон авлод вакилларига нақадар оғир ботади.

Очиғи, жаҳолат ва худбинлик ҳиди анқийдиган юзаки қарашлар умри узоқ эмас, чиндан ҳам улар эзгу миллий қадриятлар ва анъаналар асосида тобора ривожланиб бораётган бадиий-эстетик тафаккур машъали ёруғига тоб беролмай чекинаётгани ва чил-парчин бўлаётгани кузатилади.

Башарият ўтмиши, бугуни ва эртасини бирлаштирувчи азалий-абдий диалектик мантиқ, умуман, инсон истиқболи, эзгулик ва адолат тантанасини бадиий адабиётсиз тасаввур қилиш мушкул, демак, у мангуликка дахлдор илоҳий неъматдир.

Бундан сезиладики, ижодкор самандар каби олову оташ ичра яшаш учун маҳкумдир, аниқроғи, мудом сўз, тафаккур ва қалам билан мустаҳкам иттифоқ тузиб, уни оғишмай ижро этишдек мураккаб жараённинг фаол иштирокчисига айланиши, ниҳоят, мутлақо берк тилсим эшигини очиши лозим, бинобарин, бундай шараф фақат муносиб салоҳият соҳиби бўлган кишиларгагина насиб этади.

Пўлатдек тобланган чинакам истеъдод билан барча синовларга дош берадиган бутун эътиқод эгизакдир. Ҳар қанақа шароитда улар бўш келмай бир-бирини қўллаб-қувватлашга қодир. Айни ҳолат бадиий сўз поэтикаси жозибадорлиги, позициявий барқарорлик, фикрий исёнкорлик, мантиқий изчиллик ва фалсафий кўламдорлик миқёсини белгилайди. Агар истеъдод ва эътиқод тану жонимиз ичра ёнма-ён нафас олиб туришига зиғирча шубҳа қилсак, қалам ҳамда сўзни қийнамаганимиз маъқулроқдир.

Вақти-замонида мафкура эътиқодни четга суриб юборгани оқибатида сўз бағридаги нажотбахш чўғ ёлқини деярли сўнди, маҳорат бобида етук кўпгина санъаткорлар, ўзидан адашган сўз билан бирга, боши берк кўчалар сари юз буришга мажбур бўлишди.

Эндиликда сўз санъати бўйнига ўралган, эмин-эркин нафас олиши учун беҳад халақит бераётган жаҳолат сиртмоғи парчalandи, у ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини қўлга киритди.

Мана шу ислоҳ самараси ўлароқ, бадиий-эстетик ва танқидий-эстетик тафаккур мезонлари тубдан ўзгарди, шу соҳаларда муҳим кўтарилишлар рўй бериб, эскича фикр юритишу қалам тебратиш ярашмай қолди ва, бемалол таъкидлаш мумкинки, бугунги миллий адабиёт ўзини излаш, ўзлиги сари интилиш орқали кутилмаган бадиий маҳорат бекатларини забт этиш мақсадида бел боғлаган адабиётдир.

Шаксиз, адабий шижоат, беҳад қувончли

бўлиши билан бирга, мислсиз даражада масъулиятли, ҳатто кенг қамровли ҳамдир. Тарихан қисқа муддатда тўпланган ибратли тажрибалар бадиий ижод кўнгил эҳтиёжи, маънавий покланиш, ўзликни англаш рукнларини жамлаган заргарона нозик хунар эканлигини қайта-қайта эслатаётир.

Дарҳақиқат, кенг маънодаги эстетик идеални рўёбга чиқариш борасида изланиш ихтиёрий равишда юракни чўғланган фикр тигига ўнглаган ҳолда муттасил дард чекишдан иборатдир. Худди шу ҳақиқатни назарда тутган Робиндранат Тагор бадиий адабиётнинг ягона тенденцияси туйғу деган фикрни илгари сурганди. Ростдан ҳам туйғу асар томирлари бўйлаб тўлқин каби оқувчи иссиқ қондир, шу омилсиз у жазирамада чанқаб қуриган дарахтга ўхшаб қовжирайди. Сеҳргар адиб Элиас Канетти кучайтирилган ҳис-ҳаяжонга ўралмаган поэтик сўз ҳаётийлик, жонлилик ва эстетик таъсир кучидан маҳрум бўлиши, юзаки тафсилотлар соясида номунишонсиз қолиб кетишини қайд этгани бежиз эмас.

Чиндан, тажриба кўрсатадики, бадиий тасвирда оғриқли ва оташин кечинмалар гавҳардек товланиб туриши, яъни маҳорат ўзанида изтироблар билан тафаккур туташуви рўй бериши мақсадга мувофиқдир, негаки, фақат шундай ҳолатларда сезгиларни жунбушга солувчи ҳужумкор психологик бўҳрон содир бўлади.



Асли, шу жиҳатдан синчиклаб қаралса, сўз санъати кўникмаси қалб ва ақлу идрок, заковат ва сабру бардошни қайта-қайта ийлаб пиштадиган ҳаловатсизлик чиғириғига менгзайди ва у мунтазам равишда ҳар хил адабий тажрибалар устида заҳмат чекишга даъват этади.

Катта-кичик изланишлар баҳона билдимки, қаршида чўзилиб ётган, мисли йўқ укубатларни яширган ўнқир-чўнқир йўл тасаввур қилганимдан кўра узоқроқ, аниқроғи, ниҳоясиз. Ана шу чегараси йўқ чегара қошида руҳий тушқунликка тушмай, турли шубҳага бормамай, куйиб-ўртанмай ҳаракатланиш мумкин эмас.

Тер тўкиш онлари фақат сўз ва қалам билан ҳасратлашиш, улар юрагига қўл солиш кифоя қилмайди, аввало, ёлғиз ўзинг билан ўзинг муттасил олишиб, дилингни шафқатсизларча тинмай тафтиш қилишингга тўғри келади. Ҳаётини воқеа-ҳодисалар, таассуротлар, изтиробу қувончларни шунчаки қайд этиб ўтиш муҳим эмас, муҳими – уларни юрак қони билан меъёрида тасвирлаш ва теран талқин қилиш орқали ўзлик моҳиятини англаш сари боришдир.

Агар тошда гул ундириш азобидан зиёдароқ қийноқлару тўлғоқлар эвазига, орзу-умидларинг, ғам-қайғу ва армонларингни бошлаган асаринг мазмуни, эстетик идеалинг ва қаҳрамонларинг дунёсига кўчириш вазифасини эпласанг, елкангдан улкан тоғ қулагандек енгиллашасан, тийиксиз оғриқлар ҳаловатга эврилади. Агар ниятингга етолмасанг, дилингни эзаётган тугун ечилмай қолаверади. Жонингга ботиб турадиган ўша тугун ижод ҳадеганда ушалмас армон, дилдаги майсалаши қийин умид, олисдаги ишғол этиш душвор доvon эканлигидан бот-бот огоҳ этади.

Талабалик йилларимда Озод ака: “Ёзувчилик чаманзор боғдан гул териш эмас, аксинча, қора меҳнат – дўзах азоби, индаллоси, ҳар гал устулга ўтиришдан илгари қалинроқ шим кийиб олиш керак”, дея ҳазиломуз насиҳат қиларди. Сўз санъатига чуқур ихлос қўйган устоз ўгити тағ-заминида пинҳон

ҳақиқатни теранроқ англашим учун анчагина муддат керак бўлди.

Ҳамон эсимда, Озод ака насрий асар, қайси жанрда битилмасин, ҳар жиҳатдан, хусусан, архитектоник жозиба талабига биноан, тилсимли бўлиши зарурлигини мунтазам уқтирарди. Мана шу хислатни ҳозирги янгиланиш эҳтиёжи кенг кўламда тақозо этаётгани барчамизни сергак торттиради.

Шаксиз, бу борада юқори самарага эришиш учун, бирламчи, теран поэтик ва фалсафий ифодалар, мажозий образлар, мифология, мистика ва романтизм, тасаввуф таълимоти имкониятларидан самарали фойдаланиш лозим, иккиламчи, сюжет аввалида йилт этган мақсад учқуни бир маромда аланга олишини таъминлаш зарур, токи пировард натижада ўқувчи дилига ҳарорат бағишласин.

Хўш, нуқул руҳият ва кўнгил тебранишлари ифода этилган сюжетсиз асарлар фаол тарзда ташаббусни эгаллаётгани ушбу тамойиллар қимматини туширадими? Йўқ, асло, аксинча, уларни янада кучайтириш ва ҳатто тагин ҳам жиддийроқ қўллашни тақозо этади, фақат кескин психологик талқин билан бойитилган асарларгина қолипларни синдиради ва келгусида иккинчи умрини яшайди.

Бугунги кунда ҳар қандай қолип қалам эркини чеклаб, бадиий-эстетик тафаккур тараққиётини маҳдудликка гирифтор этувчи кушанда эканлиги яққол исботланди. Тайёр қолип ҳатто ақлу идрокни кишанлаб, истеъдод оёғига болта уради, сираси, дил куши қаноти қайрилдими, демак, сўз ва фикр ҳеч қачон бемалол ҳаракат қилолмайди.

Эътиқод, қатъият ва ҳурлик туйғусидан узоқлашган сўз эгилувчан ва беқарор бўлади, арзон маслакларга эргашиб кетади. Инсоний изтироблар билан бирдам покланишга мойил сўз ёнида ўз қобиғига ўралашиб, фақат ўз кўмачига кул тортадиган тамагир ва хушомадгўй сўз ҳам мавжуд эканини инкор этолмаймиз.

Фаҳмимча, ижодкор моддий борлиқ манзаралари, ҳаёт ва жамият пасту баландини фақат ўзигагина хос бетакрор нуқтаи назар орқали мустақил кузатиши ва ўрганиши зарур. Ижодкор турфа сурону риёзатлар моҳиятини пухта англамай, зиддиятли кечинмалар уммонида бемалол сузмай, бўёқлар мусиқаси, сукунат ҳайқириғини хушёрона тингламай қудратли халоскор омил саналган гўзаллик билан юзлашиши амри маҳол, умуман, мангу тириклик ва кураш қонун-қоидаларини, зуҳуран эмас, ботинан текшириш кўникмаси юксак бадиий маҳорат учун мустаҳкам замин яратувчи асосий ишончли қуролдир.

Фақат қалб кўзи олам ва одамни тўла-тўқис ҳиссий билиш ва идрок этиш имконини беради. Фақат шу усул воситасида поэтик сўз қадрини юқори кўтариш ва ҳали ҳеч бир назар тегмаган руҳий олам қатламларига дадилроқ саёҳат қилиш мумкин...



АДИБ ҲАҚИДА

1947 йилда Самарқанд вилояти, Ургут туманидаги Қоратепа қишлоғида туғилган.

1971 йилда Тошкент Давлат университети журналистика факультетини битирган. Кўп йиллар журналистика ва ноширлик соҳасида фаолият кўрсатган.


Ҳозирги вақтда “Шарқ юлдузи” журнали наср бўлими мудирлиги бўлиб ишлайди.

“Осмоннинг бир парчаси”, “Афросиёб сукунати”, “Кўчки” каби ҳикоя ва қиссалар китоблари чоп этилган.

“Тош бургут”, “Сирли зина”, “Шердор”, “Мулк”, “Гирих”, “Интиҳо”, “Мезон буржи”, “Оқ аждар сайёраси”, “Оймомо кулчаси”, “Тоғлар, сукут сақламанг” каби қиссалар; “Маҳмуд Торобий”, “Паҳлавон Муҳаммад”, “Фано даштидаги қуш” сингари романлар муаллифи.

Асарлари рус, украин, қозоқ, тожик ва уйғур тилларига таржима қилинган. Москвадаги “Молодая гвардия” нашриёти қисса ва ҳикоялардан иборат “Каменный сокол” китобини (1987) нашрдан чиқарган. Туркияда босилган Туркий халқлар адабиёти қомусига “Маҳмуд Торобий” романидан боб киритилган. “Девона” адабий сценарийси асосида бадиий фильм суратга олинган.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.





Асад ДИЛМУРОД

ХАЁЛ ЧЎГЛАНИШИ

Ҳикоя

Камина бир дарвешфеъл рассом дўстимдан арзон-гаровга харид қилган кўримсизгина устахона шаҳар жанубида, кимлардир тиклашга киришган, бироқ нимагадир чала-ярим қолган қаровсиз уйлар яқинида жойлашган эди. Уша биродарим ҳам шу мавзеда тузукроқ бошпана қуриш ниятида узоқ вақт емай-ичмай минг азобда йиғинди, кейин тўсатдан айниб, хориж сафарига отланди.

Ўртада каминаи камтарин, жуда мақтовга лойиқ бўлмаса-да, ҳартугур ундай-мундай кўналга эгасига айландим. Бориға барака, ахир, сал илгари шу зормондага ҳам зору муштоқ эдим, энди тангри меҳрини дариғ тутмай шуни лойиқ топди.

Тун чодир тиккан кезлари ҳайратомуз шовуршувирга тўладиган чалдеворларга кўзим тушганда кўнглим аллатовур ҳовлиқар, бу атрофда ишқилиб қувғинга учраган пари-мари, инсу жинс инлаган эмасмикин, дея шубҳаю хавотирга ботар эдим, сўнг ёшлигимда гоҳ отам, гоҳ онам айтган маталларни эслаб ғашланардим.

Хашаки-содда хаёлларим устидан мириқиб кулакула дарҳол оқлашу кўклаш ташвишига шўнғидим. Камхаржлик қурсин, барча икир-чикир таъмирни, шу ғурбатни чиқарганнинг етти пуштини ёғлаб, бир амаллаб ўзим тугатдим. Ана-мана сал-пал сон кирган устахона анча кенгайгандек туюлиб, ҳатто илҳом ва завқ ваъда қилди. Теримга сиғмай лаш-лушимни ортмоқлаб кўчдим. Фақат худо насиб қилган илк омадимни хаёл сура-сура ёлғиз нишонладим. Керилишу ғийбатдан бошқасига ярамайдиган бурнига хода етмас ошналариимни унча хушламасдим, қолаверса, ёруғ дунёда хуфия улфатчилик қилишдан яхшироқ эрмак борми?

Эрталаб бир оз бошим лўқиллаб оғригани, чап кўкрагим бир парча чўғ ўрнашган каби куйишаётганини айтмаса, ҳаммаси рисоладагидек соз ва бинойи эди, бутунлай янги ҳаёт сари одим отиб, бошқа ўлчамга юз бураётгандек ғалати орзиқаман ва руҳим қанотида поёнсиз осмону фалакка талпинаман. Ахир, ғийбату маломатлардан холи осуда-ораста гўшада ақлу ҳушни

ўғирлайдиган жавоҳирлар туғилишига амин эканман, нечун бошим кўк тоқига етмаслиги керак.

Чексиз сурур билан тўлғин илҳомли онлар нақадар завқу шавқ бағишларди, кўлим мўйқалам тутган ҳамона таърифлаш қийин ҳайрат уммонида сузардим, фалак гумбазидан шарора каби ҳовуч-ҳовуч ложувард шуълалар тўкилар, баҳонада, устахона билан бирга, безовта дилим кулбаси ёришар эди.

Мудом шундай масъуд, унумли фурсатлар оғушида шерланиб тер тўкишим, бахту саодат нашидасидан яйраб, жозибали лавр гулчамбари безаган истиқболимни қаршилашимга тариқча шубҳа қилмасдим, гўё бу шуҳрат ҳар эрта уфқда жамол очадиган куёшдек нақдина эди, вужудим ва кўнглимга ажиб шижоат бағишларди, э-э, нимасини айтасиз, барча қатори камина ҳам хом сут эмган-да, ҳадемай бари чалкашиб кетишини қаёқдан билибман...

Бугун тонг-азондан шому хуфтонгача чумолидек тиним билмай ғимирлаганим боис, қорин ва овқатни ҳатто эсламай, сим кароватга бағримни берганимда баданим анчайин карахт, руҳим аллатовур ғуборли бўлиб, одатда томирларим бўйлаб кўпириб оқадиган қайноқ қон тўхтаб қолгандек эди. Барчасини чарчоққа йўйиб, худодан осуда-ширин уйқу сўрай-сўрай, яқинда сидирға оқланган шифтга термилдим. Негадир истагим акси рўй бериб, ичимда лаънати кирпи уялаб олгандек кеча бўйи мижжа қоқмадим.

Ўша махлуқ баданида тикрайган қарич-қарич сихларни тасаввур қилиб бўғилардим, баъзан эса чолдеворлар тарафдан, баъзан устахона тағ-устидан недир ваҳима билан қоришиқ ола-говур эшитиларди, шунда тиззаларим қалтирай-қалтирай тусини ажратиш маҳол бўёқ тўлғазилган ҳовузга бўйим баробар кулагандек бўлардим.

Тўшаги сурилиб кетган кароват четида калтакланган итдек дағ-дағ учиб ўтирар эканман, қирғоғи ўйдим-чуқур ҳалиги ҳовузни эсламаслик учун тиришдим. Лекин қаники иложи топилса, унутилиш ўрнига, аста-секин савил тасаввуримга нақшланиб қолди,

ажиб ҳолни аниқ-тиниқ ҳис этган онимда, недандир ҳайиққан каби илк маротаба мўйқаламга бегонасираб қарадим.

Тушуниш қийин: энди ҳар гал қадрдон ҳамдаммимга нигоҳим қадалган ҳамано туйқус кўнглим айнир, на-фасим қайтар, оёғим бармоқлари учидан бошланган тиканакли вижирлаш зумда миямни чулғар эди. Зар-би беҳад залворли ва қаттиқ оғриқни туяр эканман, фақат аъзои баданим эмас, ҳатто тўрт омонат қозикқа кўндирилган чайла каби устахона ҳам аста-секин тит-ранар, чирпирак бўлиб айланар ва тарс-тарс ёрилган шифт бурчларидан шовуллаб қурум аралаш тупроқ тўкилар эди.

Устахона билан ўртамда, аниқроғи, ҳоли-жоним ва руҳимда нималар кечаётгани қоронғи эди, камина зўр бериб ўзини ўзи алдайдиган, тўқиган ёлғонига чиппачин ишонадиган кимсага ўхшаб қолгандим.

Ахийри, бирон-бир жойда муқим туролмай, шаҳар бўйлаб телба каби тентирашу овунч излашни одат қилиб, тезда ҳавойи нарсаларга юкунишни хушлайдиган, елга совурилган қимматли вақтига зиғирча ҳам ачинмайдиган туппа-тузук бекорхўжа танбалга айландим.

Таннозлик ҳунарини қийиб қўядиган куйдирмажон қизлар атрофида пашшахўрда бўлиш, қурмагурлар кўнглини овлаш учун жарақ-журуқ пул сарфлашни ис-тамасдим. Натижада жиним суймайдиган ошналарим билан эртадан қаро кечгача улфатчилик қила бошла-дим. Кайф устида суллоҳлар бир неча марта тайёр ошга баковуллик қилаётганим, яъни фалончи рассом ўнғай ижод қилиш учун мослаб тиклаган бинойидек мулкни теп-текин қўлга киритганимни сурлик билан бе-тимга солишди-ю, бадтар феълим айниди, бас, совуқ ургандек бужмайган туркларига зардобга тўйгандек тўйдим, энди яхшиси жимжит дала-дашт сари улоқиб, ҳар ким қадами етмас бирон хилватда ёлғиз юпанганим маъқулроқ, зора шунда мўйқалам билан ҳамкорликни бошқатдан йўлга қўйсам ва кўнглимга тугиб қўйган ре-жаларимни поёнига етказсам!..

Қайси бир кеч, куёш пар-пар ботар палла, этюд-никини қўлтиклаганча даштдан кўшга қўшилган хўкиздеқ толиқиб қайтдим. Тўғриси, не-не умиду илинжда уста-хонани каллаи саҳарда тарк этгандим, аммо қўлим ишга тузукли бормай, гўзаллик излаган киши бўлиб, лўкиллаганча қирма-қир ошган ва латтадек шалвираб қолган эдим. Аранг судралиб остона ҳатлар эканман, қилт этмай мириқибгина ухлаш, ғаройиб тушлар кўриш ҳақида ширин-шакар ўйлар сурардим, анчайин шалоқ қароват кўзимга ҳузурижон бўлиб кўринарди.

Ечина-сола аста чўзилдим-у, мазали уйку тилаб, худога астойдил илтижо қилдим, лекин яна оху зо-рим зое кетиб, ҳадемай ичимда сихлари ҳурпайган ҳалиги кирпи бош кўтарди, бутун борлиғимни сўнгсиз оғриқ кучар-қучмас, устахона тўлқин кафтидаги пўкакка айланди, кучли силтаниш оқибатида силки-наётган қароватдан гупиллаб қуладим (наҳот туссиз бўёқ тўлғазилган ҳовузга шўнғидим?), оҳ-воҳ қилиб аранг қадду бастимни ростлаган эдимки, деворга пас-ту баланд илинган картиналар пайраҳадек ҳар ёққа сочилиб, қайси бири чирпирак бўла-бўла қаршимда тўхтади.

Ҳаял кечмай матода анчайин теран акс этган ифо-далар қаъридан ҳовур тахлит қандайдир шарпасимон кимса узилиб, гилам тўшалмаган саҳнга бафуржа оёқ

тиради. Ғалати меҳмон пишқириб ҳаво симирар, тақир бошини силар, бўй-баста шифтга етгудек узун, лабла-ри дўрдоқ, думалоқ кўзлари олазарак, боринги, айнан рангтасвирда савлат тўкиб кулаётган банда нусхаси эди.

Беихтиёр энтикиб, недир ҳайиқиш-ла, ие, мул-ла Сайис! – дея астагина шивирлаганимни билмай қолдим, ҳамон ён-верига олазарак боқаётган давангир меҳмон сари ошиғич боргим, сийрак ажинли серғўшт бети, жун босган қўлларини силагим, кийимларини ушлаб кўргим келди, аммо журъат савил қайда?

Сайис тимсоли бир баҳонада, раҳматли отам кўп йиллик отбоқар дўсти билан таништиргач, хаёлим-ни банд қилганди, сўнг вақт кечгани сайин шууримда чуқур ўрнашди, бўй-баста ва қиёфасини тасаввурим-да қайта-қайта тирилтиришга уринардим. Устахонада ўрнашган куним эртаси ўша тимсол ногоҳ яна ёдим-га тушди, яна ҳузур-ҳаловатимни бузиб, сира тинчлик бермай қўйди, натижада узоқ муддат чекилган завқу шавқ ва қийноқлар анча тузук самара берди.

Очиғи, игна билан қудуқ қазигандай, Сайис-ни, бўёққа томчи-томчи юрагим қони, ҳовуч-ҳовуч меҳримни қўшиб, айрича ихлос ва ҳавас билан чиз-дим, бошқача айтсам, ботини-зухурида суяги от устида қотган, судон нафсини жиловлаб яшаган, холис ният-ларга суянган синчи хислатларини жамлашга тириш-дим.

Сайис шаклу шамоилига нима учун шу хил сифат-ларни сингдиришни ихтиёр қилганим сабабини ҳали-ҳануз аниқ билмайман, шуниси ёдимда сақланганки, айрича кашфиётдек туюлган ишим кўксимда фаҳру ифтихор туйғуларини селдек тоширди. Фақат вақти-соати етиб, Сайис, тангри таоло қаромати билан, бунақа ғалаён бошлаши, чорчўп чегарасини пайҳону ғорат айлаб, ғалваю ғурбатга тўп-тўла тириклик ола-мига сақраб ўтишидан буткул ғофил эдим, ахир, бурун остидан нарироқни кўриш фазилати ҳар кимга ҳам бу-юрмайди...

Гуп-гуп ураётган юрагимни ачимсиқ бир тўлқин чулғаси, ҳамон савлат тўкиб турган Сайисни зимдан ажабсиниб кузатганим сайин тўлқин шиддати кучаярди, охири пўртанага айланганча куйишаётган томоғимдан отилиб чиққандек бўлди, ҳоли-руҳим забунлигини сез-ган Сайис, қовоқ очмай, бир-бир босганча атрофимда ўралашди.

– Сайиснинг бағри бўм-бўш! Чамаси, уни чизар пайтида хуш-хаёлинг бошқа ёқда бўлган-у, ранг тан-лаш ва ишлатишда чалғигансан!

Ичимда кимдир сўйланди, кутилмаган товуш за-мирида ниҳон зардани туйиб, ногаҳон яшин чалгандек бадтар эсанкирадим, безовталиги ортган Сайис соя-дек ими-жим йўқолиб, устахонада абадий туюладиган дашту дала сукунати чўқаркан, жисму жонимни аёвсиз тарзда муттасил қовура бошлаган шубҳалар тобора аланга олаверди. Сира ақлим етмаётир, Сайис тим-солини зарб этаётган дамларимда ҳал қилувчи қайси муҳим нуқтада адашдим экан?!

Ўша азобли жараённи хотиримда тиклашга урин-дим, лекин сира бунинг иложи йўқ эди, сўнг яна ичим-да қурғур кирпи думалаб, тамомила ўзимга сиғмай қолдим, бас, барини унутиш учун бошим оққан томонга бадар кетишим керак. Жилла курса бирон улфат билан тўйиб-тўйиб шароб ичсам, лаънати ғам-андуҳ занглари

ғубордек ювилар, оз-моз бўлса ҳам таскину тасалли топарман, сўнг яна албатта жафокаш мўйқалам ёнига қайтаман, эҳ-хе, келгусида бирга-бирга кўп заҳмат чекишимиз лозим, о, уни мана шу қўлларимга тутган онларимда ёруғ дунёда мендан бахтлироқ одам топилиши душвор...

Эрта бетакрор ижодим намуналари аҳли жаҳон юрагини тамом ишғол этишини ўйлаганча кийинаётган эдимки, яна аллакимлар пиқирлаб кула бошлади, ҳатто гурс-гурс қадам товушлари эшитилди. Наҳот Сайис дилим тубида чўкиб ётган армон тошини қайтадан кўзғатиш учун апир-шапир қайтган бўлса?

Ўтакам ёрилгудек алфозда бир чеккага ўтиб, шаррос ёмғирда ивиган мусича мисол кўнишиб, қўрқапаса теваракка алангладим. Яхши ҳам барака топгур Сайис кўринмади, сал енгил тортиб, эшик сари йўналдим, аста дастанни ушловдимки, саҳн ва шифт орасини ларзон-ларзон тиниқ шуълалар қоплади. Арзон гулқоғоз ёпиштирилган гумгурс девордан нам каби недир шовур сизаётган эди. Енгил мусиқий оҳангларга ўхшайдиган аллатовур сеҳрли майин саслар зўрайди, сўнг атиргулу райҳон бўйларига монанд муаттар ислар анқиб кетди, бир оздан кейин эса, ақлу хушимни шоширган кўйи сал нарида куланка мисол бирин-сирин Шоир, Файласуф ва Фаррош пайдо бўлди, товба, худди қурмагур Сайис сингари, улар ҳам гирдлари заррин чоркунжак ромлар сарҳадидан ошиб ўтишганди.

Фақат паҳлавон келбатли Сарбоз жойида қилт этмай мағрурона жилмайиб турар, мен учун ғоят қадрли тим қора туйғун кўзлари хотиржам жавдирар эди; забардаст белидаги жигарранг кўн камарига осилган дандон сопли, саҳтиёний қинли ханжари салобатига салобат кўшганди.

Энг аввал қизиқсиниб Шоир қадди-бастини зимдан кузатдим, ҳар ҳолда у рангасвирда қандай бўлса шундай – ўктам ва шижоаткор, мағрур ва хушчақчақ эди, йирик-йирик кўзларида қайноқ дил туйғулари шарора каби чайқаларди, соқоли чунон силлиқ қиртишланган, юмалоқ бети мой суртилгандек сокин ялтирар, кўнғиртоб қалин сочи япалоқ пешонаси бўйлаб ўнг чаккасига йўналган эди. Ясан-тусани ҳам чакки эмас: ёқаси крахмал билан қотирилган катак чизиқли кўкиш кўйлаги, почаси торроқ тўқ сиёҳи жинси шими, гард кўнса сезиладиган ним қора ялтироқ туфлиси бўй-бастига ярашиб тушганди, фақат кўлтиғига қистирилган муқоваси титилган қалин дафтар бу уйғунликка чок солаётгандек эди.

Ёши анчайин ўтинқираган эса-да, пўримлик бобида, Файласуф сўз устасидан сира қолишмас, ҳатто бир қадам олдинлаган эди. Барака топгур расмий тантананга борадигандек кўринишда: оҳори тўкилмаган ёзлик симобий костюм-шим, оч сариқ кўйлақ, шунга муносиб пушти чизиқли қизғиш бўйинбоғ бир салобатини икки қилган, яккам-дуккам ажин кўнган қораширғай-энли рафторига айрича шуқуҳ бағишлаган эди; қимматбаҳо матолардан нафис тикилган енгил-бош бир тарафу бежирим кузалган ва нақд кўксини безаган энлигина мош-гуруч соқол бир тараф эди, ортга силлиқ таралган қировли сийрак сочлар билан туташиб кетган соқол беназир салоҳият ва мустаҳкам ирода соҳиби экани ҳақида кенгроқ маълумот бераётганга ўхшарди.

Аста нигоҳимни ийманибгина табассум ҳадя этаётган сарв қоматли Фаррошга қадар эканман, дийдам

иссиқ сурур билан тўлди, эҳ, дедим ичимда, ажиб фаҳру ифтихор туйиб, бу офатижон қизни тасвирлаётган чоғимда мурувватли тангри роса қўллаган экан-да. Бир қарашдаёқ ҳатто уни буткул ёқтириб қолиб, сутга чайилган ой чехраси, кўксига тўкилган сурмага белангандек тим қора кўнғироқ сочлари асирига айландим, ўтли тикилиши айниқса юрагим боғини яралаб, бутун вужудимни остин-устин қилиб ташлади.

– Соҳиб, камина армон ва умидман, – минг йилдек узоқ чўзилган жимликни бузди ниҳоят Шоир. – Фаррош эса жаннат ариғидан сув ичган муҳаббат гули!

Омадим чопиб пешонамга битилган, аста-секин ақл бовар қилмас сиру асрорини очаётган устахона ҳавода муаллақ турган ёғочдек бир енгил тебранди, йўқ, чамаси, биров илкис туртиб юборгандек мен ўзим силкиниб тушдим, қолаверса, асли чексиз сурур билан қоришиқ Шоир овози элас-элас кўнглим тубида, ақлу идроким қатларида янграётган эди, сўнг қониқиш ва меҳр билан йўғрилган хайрихоҳ товуш сезимларим оша шууримда акс-садо берди, не деяримни билмай, шунчаки мийиғимда кулдим ва яна Фаррош қадду бастидан назар узолмай қолдим.

Негадир Файласуф ҳамон сукутда, камина Фаррошга маҳлиё бўлиб боқаётганимни ёқтирмаган каби, қалин лабларини қимтий-қимтий қовоғидан қор ёғдираётган эди.

Валломат Шоир эса катта минбарда илҳоми жўшиб шеър ўқиётгандек узиб-узиб сўйлар, қуюқ-узун киприклари пирпирар, қароқларида недир истагу иштиёқ ёнар эди. Ахийри, Файласуф бетига тик боқди-да, томдан тараша тушгандек қилиб, жафокаш дунё сендақа шакаргуфтор зот қадамига ҳечам зор эмас, деб ғудранди, товба, нега бунча тажанг?.

Кутилмаган таъна асли мен учун аталгандек, илкис кўнглим жунбишга келиб, баданим бўйлаб гўё қирқоёқ ўрмалади. Недир ўт ичра бемажол инграниб, аранг эс-хушимни ўнглаз эканман, аввал ғира-шира ёруғда сокин товланаётган девордаги картиналарни илғадим, ўзим эса қайси бир дастгоҳ ёнида кучала еган итдек тиришиб ётардим, шууримни эса аллатовур ғубор чулғанган, юрагим ғаш...

Ана-мана саховатли фалак султони балқиб, поёни йўқ еру осмон оралиғи кўз қамаштирар даражада ёришди, теран сукунатга чумган олис уфқ гардиши бўйлаб ҳарир шафақ илашган этагини судраганча булутлар карвони тўхтамай сузар, аллақайси томонда танбурми ё дуторнинг маҳзун ноласи билан омухта шовуллаш янграр эди.

Асабим қақшаётгани учунми, нимагадир аччиқ қилибми, навбатдаги тонгни қават-қават зулмат пардасини ёпинган, мудом қуёшни соғинадиган тунга қиёсладим. Ҳаросат босиб мундоғ қимирлагани, ҳатто хаёл сургани кўрқардим, гавдамни силжитиш нари турсин, бирон бармоғим букилиши кўргилик эди, мабодо букилса, дарҳол яна бари қайтадан рўй берадигандек туюларди.

Қоқилган қоқиқдек қилт этмай, минг бир азобу қийноқ оғушида чийралиб, кундузни номаълум маконига кузатдим, ботиниб-ботинмай ланг очиқ дераза оша ташқарига мўралар эканман, газакларимга малҳам бўлувчи недир юпанч, недир хотиржамлик қўмсай-қўмсай худога ёлборар эдим.

Арзи ҳолим зое кетиб, сонсиз митти юлдузлар бодраган қоқ ярим кечада мастона оҳанглар билан

йўғрилган, дунё пасту баландидан огоҳ этувчи пичирлашлар таралди. Сўнг рўпарани пўртана тахлит олатасир издиҳом кесиб ўтди, танишу нотаниш кимсалар қаторида, недир масала бўйича Сайис, Шоир ва Файласуф талашиб-тортишиб одимларди, ҳатто улар мен сари паришон қўл силкиб қўйишарди, қизик, Фаррош билан Сарбоз қаёқда қолди экан?

Хилватда ҳордиқ олиб, тузукроқ тиникиб ухла-сам, икир-чикирлардан юз ўгирсам, бари поёнига етар деб ўйлардим, аммо уйқу илҳом париси янглиғ аллақачон мендан аразлаганди, ҳатто бир чимдим пинак қилиш иложи қолмагач, таниш аптекачи орқали атиги зиғирчаси тошдек қотириб қўядиган ўткир дори топиб ичдим. Заррача наф қилмади, аксинча, савилни нажот истаб ютганим сари ҳолим бадтар хароблашди. Хаёл каби узун тунларда ҳаргиз бедору бенавоман, кўпинча кесақдек уволқаниб, ҳатто ҳалиги издиҳомга аралашиб бўзлайман, гоҳида пешонам шўрлиги учун ўкина-ўкина тушунуксиз сасларга кўмилган, кавакларидан недир ваҳима мўралайдиган чалдеворлар атрофида изғийман.

Ўша тушунуксиз издиҳом сирли йўсинда коми-га тортар экан, бирдан орзу-умидларим сароб каби қаёққадир чекинади, сўнг юрагим санча-санча Сайисни суҳбатга тортаман, ишон, дейман кесиб, сени чизар чоғимда ранглар мутаносиблигини инобатга тутганман. Бу фикримни исботлашга тиришганим сайин у энсаси қотиб ишшаяди, гурзидек муштини ҳавода дўлғаганча мени дунёдаги энг ношуд рассомга менгзайди, фақир йўл қўйган мудҳиш хато, юрагида аста-секин томирлай-томирлай недир газандага дўнаётган эмиш, эй, художон, падар кусур нималар деб алжиётир, илоё совуқ нафасини ел учирсин...

Қанча-қанча субҳидамни ром чегарасини бузган оғайниларим билан даҳанаки жанг қила-қила ҳушбеҳуш қаршиладим, қизгин кечадиган баҳсу мунозаралар чоғида нақд савдойига айланардим, фақат Фаррош чеҳрасига нигоҳим тушса, туйқус кўнглим ёришар, у чиндан ҳам жаннат ариғидан сув ичган муҳаббат гули эканини эътироф этардим.

Охир-оқибат қайси куни қандай юк ортилгани номаълум аравани Сайис билан Файласуф бир ён, қолганлар бошқа томон тортаётгани, ўртада эса ўзим оворайи сарсон эканимни тўласинча фаҳмлаб етдим-у, тўғриси, сочларимни битталаб юла бошладим.

Фаҳмимча, кутилмаганда оёқ остидан лўп этиб чиққан ғалвадан тезроқ ва осон қутилиш учун, бирламчи навбатда, бешала картина билан дангал видолашмоқ керак, сабр косамни тўлдираётган дардни енгиллатиш борасида тайинли бошқа чора топиллиши душвор эди.

Худодан омад тилай-тилай, юрагим қони билан иншо этилган ўша асарларни илк саводимни пешлаган ва тетапоя қилган кадрдон мактабимда очилган ҳаваскорлик музейига, иззат-икром билан лутфан топшириб, бир балойи азимдан тоабат қутилгандай анча енгил тортдим, ҳатто биров калтак билан куваётгандек, орқа-олдимга қарамай зув жўнавордим, энди ишқилиб охири бахайр бўлсин.

Ахийри, узоқ мулоҳаза юритгач, вақтни бой бермай, сувтекин устахона баҳридан ҳам ўтишга қарор бердим, уни биронта ўзимга ўхшаган шўрпешона овсарга пуллаб, қўшиб-чатиб саранжом-сарихтали мавзедан тузукроғини харид қилиш лозим. Яна бир

марта ошкора таваккал йўлини тутишим керак, кейин худо бир тарафга бошқаради.

Аттанги, жонимни жабборга бериб, ўпкални қўлтиқлаб, ҳар қанча елиб-югурсам-да, мижоз жонивор топила қолмади, устига устак, недир куч муттасил оҳанрабо каби чалдеворлар қуршовидаги кўримсизгина устахона томон судрар, бир дам ҳоли-жонимга қўймас, сирли йўсинда қулоғимга алланималарни қуяра эди.

Охир-оқибат шаштим синди, беминнат кўналга қадрига етмаётганим учун уволи азимга ботишим, эрта охиратда дўзах азобини тортажагимга ўзимни амал-тақал билан ишонтириб, хом-хатала режани хаёлимдан паққос ўчирдим. Натижада худо ёрлақаб, бари аста-секин изга тушди, ҳатто илҳом булоғим қайнаб, аввалгидек зўр иштиёқ билан ранглар оламига шўнғидим, ранглар чорловига кўра, ичимни кесиб ўтган сирли дарё бўйлаб оқаётган эдим, ўша нахри муаззам охири мангу яшилликка бурканган саодат во-дийиси сари элтишига амин эдим.

Тўлқинлари мовий, шиддати тез ўзан бўйлаб ҳормай-толмай бемалол қулоч отиб сузавердим ва бу мисли йўқ ҳужумкорлик қарғиш теккандай ғарибона мунғайган чалдеворлар ичра Сайис билан Файласуфни учратиб қолгунимга қадар давом этди.

Андак ҳордиқ ёзиб, миям ғуборини тинитиш мақсадида устахонани тарк этганимда қуёш мағрибни тўсган сурма тусли пурвиқор чўққи кифтига омонат қўнган эди, қуёш бота-бота яримта баркашга айланаркан, тепамда чўзиқ тумшуклари ва қанотлари нопормон гала-гала қушлар вижирлашиб безовтаҳол чарх урди. Қушлар ўйинини кузата-кузата икки ёнида ёнғоқ пўчоқлари каби сочилган уйлар тизилган ўйдим-чуқур торгина кўча сари бурилганимни сезмабман, илкис қоқ белидан синган симёғочга тўқишиб қарасам, анча ичкарига ўтиб улғурибман. Энди қизиқиш зўр келиб, ошиғич илгари босдим, босдим-у, ҳангу манг бўзардим, ахир, тутдек тўкилган ҳайлаводдек кенг ҳовлида Сайис билан Файласуф недир масалада юзма-юз тортишаётган эди.

Тўпроғи ўйнаган ҳовли ўртасида ловуллаб гулхан ёнарди, атрофида эса етти-саккиз нафар норғул йигит шодон чордона қуриб ўтирар, ёшгина дўппили косагул енг шимариб май сузар, баъзан бир маромда янграётган жазавадор мусиқа овозини ёввойи қийқирик-кулги босиб кетар эди.

Кимлардир шох ташлаб ирғишлар экан, сал нарироқда жун арқон билан кулликлаб қўйилган бўлиқ ёлли дуркун саман той юракни эзгудай зорли қишнади, шуни кутиб турган каби, Файласуф тинмай бидирлаётган Сайисга аста бош ирғади. Бир зум тараддуд чеккан Сайис оловдан учи тим қизил чўғланган йўғонгина узун симни илдам суғурди, о, кейин сим, илон каби вишиллаб, саман той манглайида ўйноқлади ва мунгли жавдираётган қароқлар симоб каби эриб-оқиб тушди.

Қандайдир эртақ воқеаларига ўралашиб қолгандек, юрагим орқасига тортиб, жоним бўғзимга тиқила-тиқила, жадал изимга бурилдим, неча кун ақлу ҳушимни ўнгломай, устахонада қамалиб ётдим, хаёлимдан чўғланган сим тутган Сайис бир дам жилмас, қулоқларим остида узлуксиз саман той ноласи янграр, сўнг нола дилимда акс-садо берар эди.

Тўғриси, юрагимга қил сиғмай, бутун вужудимда ғазабу армон ажриқ каби ўзаро чирмашиб кетди, ҳайҳот, бу кетишда падарига кусур устахона қоронғи

гўримга айланиб, жами эзгу ниятларимни паққос ютиб юбориши муқаррар-ку, нима учун ўшанда бўшлик қилдим, сотиб қутилмадим, ҳалиям кеч эмас, бирон жўяли чора қўллашим лозим.

Калламни қотиравериб бўларим бўлди, агар иложи топилса, ҳалиги дарвешфеъл дўстим изидан хорижга жўнардим, лекин буниси тушимга ҳам кирмаса керак. Ҳадеб ғужанак ётавериш эса – ўлим билан тенг, аллақачон жонимдан тўйдим, таваккал, мундоғ кўчага ўрмалаб чиқай, бирон ҳамдард топилиб қолар, ҳа, айтганча, яна май билан овунаман, бошқа кўлимдан нима ҳам келарди.

Шунақа ҳардамхаёл билан туртина-суртина одимлар эканман, қайси бир хувиллаган ҳовлидан ҳалигидақа ғалати қушлар вижирлаганча осмону фалакка кўтарилди, бир тўдаси куюн каби тепамда айланар экан, недир хавотир ва шубҳага кўмилдим. Чиндан тез орада катта кўчани тошқинни эслатадиган йириккина издиҳом тўлдирди, олдинда инқиллаб йўргалаётган кўзларига мил тортилган ҳалиги саман тойга бемалол Сайис билан Файласуф мингашган эди.

Нағал қоқилган кўпол пойабзаллар остида чуваланган каби янчилик кетишимга бир баҳя қолди, аранг четланиб, кўтарасига суқиндим, сўнг аққимтир тамаки, спирт ва шўрбалик ҳиди кўшилиб анқийган торгина гавжум қахвахонага ҳадиксираб мўраладим, қисинақимтина шароб симирар эканман, ҳаётда мавжуд барча ришталар мана шу гўша таг-заминига келиб бирлашгандек туюларди.

Ёнимдаги авжи баланд кичик даврада, фақат шодиёна эмас, недир надомат нафаси ҳам ҳукмрон эди. Башаралари ошқадидек қизарган кимсалар муҳокама қилаётган мужда ногаҳон сезимларим торини бир эзгин, бир оғрикли титратиб ўтди. Кимдир ҳали турмуш қурмаган, кўча-кўй ва маҳалла супуриб умр кечирадиган, худодан бошқа суянчиғи йўқ соддагина хушрўй қиз номусига тажовуз қилибди.

Жоним сим-сим қиймаланди, жигарим тешилди, чексиз афсус-надомат ичра тобора қизиётган суҳбатни яна тинглар эканман, рўпарамда сочлари кўрпалаган, ранг-рўйи синиққан ўрта ёшли киши индамай кўнди ва устол четида турган лим-лим қадаҳни бир зарбда оқлади.

Сал ўтмай тубсиз чоғир кўзлар соҳиби бўлмиш Шоирни таниб, дарҳол жаҳлимни ҳайдадим, меҳрим ийиб, яна шароб ва газак буюрдим. Энди Шоир паришон ўй сурганча Фаррошни эслади, бирдан ўпкаси тўлдиди, ҳар бир ҳарфни тишлари орасидан ўтказгандай алам-ангиз сўйланди: шўри қисган бечора пари учун ичсак! Ҳамон куйинаётган Шоир, менга тайинли эътибор бермай, ҳаял орасида бир шишани думалатди, анча пишиб қолгач, кўкси увалгудек хўрсинди-да, Сайис гўрига ғишт қалай кетди. Энди ногаҳон гап тагига етиб ўлардай анқайдим, хаёлимда темирдек қаттиқ қўлларда бўри чангалига тушган оҳудек типирчилаб додлаётган, лекин оҳу зорини биров эшитмаётган нозик-ниҳол Фаррош гавдаланди-ю, ёноқларимдан шашқатор ёш думалади.

Шоир қачон хайрлашгани ёдимда йўқ, сал-пал ҳушимни ўнглаб қарасам, бутун бошли майхонада, қандайдир эски кўшиқни ғўнғирлаб, ўзим билан ўзим рўй-рост улфатчилик қилаяпман, кўксимни тушунуксиз бир ғусса қамраганки, ёпирай, қоядек оғиру қалампир

каби аччиқ! Беихтиёр шўрлик Фаррошни эслаб, ўпкамни босолмай, бўронда қолган ҳимоясиз новда мисол титрана-титрана, бўзлаб юбордим, алам-ангиз тарзда тирноқларим билан бетимни юмдаладим, лекин қаники дардим енгиллашса, аксинча, бадтар газаклар эди.

Вақт аллақачон ярим кечадан ошгани учун қайси бир хизматкор кўрсларча жеркиб, ҳатто жағимга мушт тираб, ташқарига ҳайдади, шу баҳона яна чекимга дарбадарлик балоси тушди, ҳей, дариф, қайси тошга уриб ёрай пешонамни?!

Энди кўпинча вақтимни гавжум хиёбонларда, ҳассаси эмас, жағига суяниб қолган бекорчи чоллар билан валақлашиб ўтказаман, ҳатто темир уловлар юрмайдиган кўча-кўйда шумтака болаларга кўшилишиб копток тепардим, гоҳо бирон натижа чиқиб қолар деган илинжда, оғрина-оғрина мўйқаламга юкунеш пайида бўлардим.

Мўйқалам амримни оғишмай, маромида адо этиши учун барқарор осудалик зарур, устахонада эса ҳамон нотинчлик ҳукмрон, омонат эшикни очганим заҳоти лаънати деворлар пружина узра кўндирилган кўғирчоқлар мисол диқирлаб сакрай кетади, пол ости ёки томда аллакимлар саваш қураётгандек шовқинсурон ва тўс-тўполон кўпади. Қачондир аста-секин таҳдид билан йўғрилган жимлик чўккач, мўйқаламдан узр сўрай-сўрай кароватга чўзиламан.

Навбатдаги оқшомда гўё ер қарс ёрилиб, устахона туби йўқ зим-зиё ўпқонга қулади, ўша заҳоти кўнглимда кеча бошлаган ақл бовар айламас даҳшатли безовталик ўтли исёнга эврилди-да, жисмим йўқолиб қолганини ҳис этдим, жисмимни изиллаб қидира-қидира, тонг оқарган паллада кўп қаватли иморатлар ва шохлари кузалган чинорлар ўраган кенг майдонга дуч келдим.

Бетон лахтакчалар фарчланган, ёғ томса ялагудек озода ва жимжит майдон шаҳар ўртасидаги алоҳида турмуш тарзи, ташвишу қувончи ва ғалваю ғурбатига фарқ оролчага ўхшарди. Тепада муаллақ қотган сонсиз юмалоқ-чўзинчоқ ўйинчоқсимон қурилмалар оралаб қалдиригочу қарғалар қувлашиб учар, ҳаво қатларини гоҳо тарам-тарам пушти-сарик чизиқлар лип-лип кесиб ўтар эди.

Ажабо, қайгадир чўзилиб кетган яшил деворлар биқинида бировлар думалаганча бемалол хуррак отар, намхуш майсазорда ширакайф уч-турт ёш-яланг чуғурлашиб шахмат ўйнар, танқиллаб қуриган бетон ариқ ёқасида кўндирилган эълонлар тахтаси устунига елка тираган Шоир дунёдан узилган алфозда хаёл сурар эди.

Беихтиёр жону жаҳоним қақшаб, юрагим увишди, ахир, қадрдон биродарим Шоир етти ёт бегонага ўхшарди: эти бориб нақд устихонига ёпишган, маъюс кўзлари ўрасига чўккан, ранг-рўйи кузги хазон мисоли заъфарон, лаблари гармсел ялагандек гезарган, қисқаси, шафқатсиз ажал кўли ёқасида, неча кунлик умри қолгани номаълум...

Шоир мақсаду муддаоси қоронғи эди, шу боис ғашланиб, тезроқ уни бу ғаройиб гўшдан алдаб-сулдаю олиб кетишни чамаладим. Афсусу надоматни йиғиштириб, қатъий тарзда ёнига отилиғиб борган эдимки, кимдир анчайин нописанд оҳангда дўриллаб салом берди, беихтиёр ўгирилиб, чор-ночор бармоқ тишладим: ахир, сал нарида, гирдларига бир нечта ул-

кан бетон гултувак ўрнатилган супада, зарғалдоқ тусли камзул-шим кийган Файласуф хотиржам музқаймоқ ошаётган эди.

– Фаррош қисмати бефарқ чоғи сизга, – кўнглимдан кечаётган фикрларни уқиб улгурган Шоир кесатди. – Наҳот падар қусур Сайисни қўлласангиз?

Энди барини тушуниб, дафъатан миямга гупиллаб қон тепди, хижолат чекдим-да, мўлтираганча аста Шоир ёнига кўндим. Ўша заҳоти хаёлимда сочлари бир умр тароқ тегмаган каби қўқиган, келишган беғубор ситораси тирналган Фаррош гавдаланди, номуси топталган жонон меҳру муҳаббати бовуримни ачитиб ўртаётган чоғда, этакда белини қисган бежирим камарга ханжар осган Сарбоз кўринди, нигоҳи тошни тешар даражада ўткир алп келбатли ўғлон катта-катта қадам ташлар, бутун борлиғида шижоат ва ўктамлик жам эди.

– Сайис шохини қайиришмас экан, ўрнимдан жилмайман, – хиёл қизишиб давом этди Шоир, қуруқшаб ёрилган лабларини қимтиб. – Ундан кўра, бетонда майса каби қовжирасам яхши!..

– Бекор қиласан, ошна, – музқаймоқни ямлаб тутган Файласуф супадан энди. – Соҳиб, мени сўзим ўтмади, сиз айтинг, бу қилмишидан хасча фойда йўқ, Сайис билан ўчакишиш аждар оғзига бош тиқиш билан баробар, бугун у осмондан истаган юлдузини узиб олиши мумкин.

– Барака топгур, – тақир ерни муштлади Шоир, – асли барисига сен ўзинг сабабчисан.

– Ие, ҳой, нимага, жигар? – дафъатан бўғилди Файласуф, кўзлари олма-кесак териб. – Ҳе-ей, баччағар, миянгни мушукка едирибсан-ку!

– Чархни ўз ҳолига қўймадинг, шоху гадо кўйинини ҳадеб пуч ёнгоққа тўлдирдинг, натижада оқу қора аралашиб кетди. Сен одамзод учун Сайисдан кўра хавфлироқсан, негаки, Сайис тўнини сени бўйинга қараб бичади.

– Соҳиб, бу жавроқидан мени қутқаринг, – Файласуф рўмолчаси билан чаккаларини қоплаган реза-реза терни артди. – Ақли етмайдиган муаммоларга тумшук тикмасин. Савил қолгур ҳаёт у ўйлагандан кўра минг бора мураккаброқ, шеър билан қаёққа ҳам бориш мумкин.

– Худо ақлу фаросатни ҳам, билиму тажрибани ҳам йиғиб-териб сенга бергани балки ростдир, – охири босиқлик билан суҳбатга аралашди Сарбоз. – Аммо наҳот ҳамиша булар кучини фақат худбинлик йўлида сарф қилсанг?

– Э-э, бор, тошингни тер-ей, сеники камийди, жулдирвоқи!

Юрагим игна санчилгандай бир сирқиради, ақлу идрок воситасида эзгуликни мавҳ этиш учун қадимда қазилган ёки ҳамон қазилаётган қанчадан-қанча чоҳ Файласуф иқтидори ва феълу атворига тегишли бўлиб чиқаётгани кўнглим кўрғонини бутунлай вайрону зерзабар қилиб ташлаганди. Файласуф гумроҳлик ва жаҳолат ноғорасига ўйнаш бобида шунчалар устаси фаранг ва шунчалар бесуюяк экан, айбимни иккиланмай дангал эътироф этишим лозим. Фақат ярамагур ботинию зуҳурини чизар пайтида не чоғли фаросатсизлик қилиб, рангларни не чоғли ноўрину ноуйғун ишлатган бўлсам?!

Тобора ичи сидирилаётган Сарбоз нари-бери безовтаҳол юрар, чурқ этмай гоҳ Шоир, гоҳ Файласуф сари қийғир қараш қилар, тўрсайган кўйи ниманидир

мўлжаллар эди; ҳатто сукутида ҳам тенгсиз салобат, ажаб бир хушёрлик зухур эди.

Шоир ва Сарбоз билан тил топишолмаган Файласуф қўл силтаб жўнағач, сал бўлса ҳам енгил тортдим. Ҳалидан бери Сарбоздан кўнглимни чексиз изтиробга гирифтор этган, дардим устига янада оғирроқ дард юклаган Фаррош аҳволини суриштириш истагида эдим, аммо Файласуф кўзга тушган чўпдек халақит бераётгани учун ботинмай турардим, энди бемалол суҳбат қуриш имкони туғилганди. Ниятимни сезган каби Сарбоз ўзи юрагини очиб қолди, ҳайҳот, Фаррош бадар кетганми ёки жонига қасд қилган, анигини билмас экан, ҳей, аттанг, шўрлик париваш ўн гулидан бир гули очилмай сўлди, деди қахру ғазоби янада қайнаб, эрта уволи Сайис гирибонидан тутса керак...

Сарбоз кўзлари оқи қизариб, муштларини туғиб сўйлар, овозидаги маҳзунлик кучайгани сайин томоғимга тиғ ботаётгандек бемажол ҳиқиллар эдим, маъсум қиз мендан ўтган ношудлик қурбони бўлди, яъни ранглар мувозанати бузилгани оқибатида, Сайис дилида недир газанда урчитгани сабабли заҳару заққум ютди дегим келар, аммо нафасим чиқмас, қарах тилим айланмас эди. Мискин ва ночор эканманки, жону жаҳоним бир бўлагини, кўз қорачиғидай асраш лозимлигини унутиб, Сайис чангалига топшириб қўйдим.

Ҳайҳот, энди қуёш қиздирган манови тақир майдонда эгасиз кўппак мисол чўллаб, чийралиб ва очу наҳор сулайиб ётишдан бирон тайинли самара борми?! Ахир, бундан нима ўзгаради, Фаррош ор-номуси жойига қайтарми, баттол Сайис пушаймон чекарми озроқ ёки кўлига кишан уриларми?!

Турли пала-партиш сўроғу жумбоқлар шундоқ ҳам гиж миямни тинмай пармалагани сайин анордек эзилардим, айна пайтда, Шоир тобора ориқлаб, ҳолдан тойиб бораётганини сезиб, дунёга сиғмай, оёғи куйган товўқдек типирчилар эдим, ахир, мен учун Шоир нақадар қадрли, ундан ажралиш мисли йўқ мусибату мотам, тоғдек улкан аламу армон, чексиз ҳасрат ва қайғу! Юрагим жодига тикилган япроқдек эзгиланиб, барини қайтадан бафуржа қулгоғига қўйдим, аммо қаники тушунишни истаса, аввал айтганидек, қаттиққатрон бетонда майсадек қовжирашга мингдан-минг рози эди.

Ранг-равиши чўяндек чуйкалган, шунга қарамай, кўзлари ёлқини сўнмаган Шоир ҳатто навбатдаги субҳидамда, қуёш уфқда баҳайбат тилла баркаш мисол лов этиб ёнган чоғда, шохона нонушта ўрнига дея, юмшоқ қулимсираб, бедор кечган оқшом бўйи хотирасида қайта-қайта пишитган жозибадор шеърини қироат билан ўқишга тутинди. Анчайин ҳорғин овози тан-жони қоврилиб, руҳи ипақдай эшилаётганини анча-мунча теран ифода қилаётган эди, қолаверса, мунчоқдек тизилган сара сўзлар олам ичра мавжуд азалу абад тугунлари, бинобарин, митти юраги чексизлик ҳайбатини бемалол сиғдиргани, чексизлик эса уни сиғдирилмай эсанқираб тургани сирасида баҳс юрита эди.

Занжир каби чатишган сатрлар мағзини чақиб, бир аҳволда оғир хўрсинар эканман, залворли сукунат пихиллашга мойил қулги тарафидан бузилди. Босар-тусарини билмай келган зиёлинамо икки киши, хаёл оғушида парижон ўтирган Шоирга зиғирча эътибор бермай, каминани кўча томон қўй каби судрай-судрай, юмалоқ-ёстиқ

қилганча тим қора енгил машинага тикди.

Ажалимдан бурун куним битгани, тез орада жаҳаннам сари рихлат айлашимга имон ўғирдим ва ҳадемай ўзимни чалдеворлар ўртасида алоҳида савлат тўкиб қўнқайган, гиламу кашта билан бинойидек безатилган кенгина кулбада кўрдим.

Ўртада ёзилган ним пушти дастурхонда бир тоғора қайнатилган лаҳм гўшт буғланиб турарди, иштаҳам очилиб, сўлакайим оқди, ахир, неча кундан бери туз тотганим йўқ-да. Шоир ахволи ўзимникидан бешбадтар эканини ўйлаб ўқинар эканман, тўрдаги баланд парку лўла-болишга ястанган, хумдай боши тақир қирилган, дўрдоқ лабларида киноя жилва қилаётган кимса нигоҳи жигаримни тешиб ўтаёзди, ажабки, қурмагурни ўнг ёнида чордона қурган Файласуфни кўргандан кейингина танидим.

– Хўш-ш, соҳиб, ташқарига бир қар-раворинг, – зўр ҳафсала билан кафтини кафтига ишқалади Сайис. – Ҳа, бир марҳамат айланг, орзу-умид тулпорлари кўкка учмоққа шай, агар хоҳласангиз, бир нечасини беминнат совға қиламан..

Ҳамон бўсағада ҳайкал сиёғида гезарганча тек қотган эдим, Сайис даъвати баҳона, бирдан қизиқсиниб, дреза оша бир дунё темир-терсак ва ёғочу фишт, хасу хашак ва ҳатто кардон-тунука қутилар аралаш-қуралаш ҳолда хирмон каби чошланган ҳовлига нигоҳ ташладим.

Салдан кейин, кўзларимга ишонмай, олди силлиқ-йўғон ходачалар билан тўсилган узундан-узун энли сайисхонада гижинглаб ўйнашаётган бир-бирдан сулув айғиру ғунонлар, этак томондаги пастқамгина шифтини қуруму тортанак босган айвонда вишиллаб дам ураётган босқон, бел баробар теп-текис сандонда айил тўғаси, тақаю қозиқ ясаётган қотма-чайир усталарга лолу ҳайрон тикилиб қолдим.

– Танланг, ийманмай танлайверинг, – Сайис лунжини шишириб гўшт чайнаётган Файласуф сари аста ер остидан қаради. – Хўш, талқон ютгандек нега индамайсиз?

– Дангалини айта қолинг, – орага суқилди Файласуф.

– Ҳа, ҳа... Алқисса, соҳиб, тезроқ даъвои достондан кечишингизга тўғри келади, Шоир ҳам қулоқ қоқмай кечсин, арзимаган гапга шунча ваҳима кўтариш шартми?

– Қизлик номуси арзимасми? – тутаяқиб кетиб пўнгилладим.

– Тушунарли, Шоирда айб йўқ, бу кишим баттол, ўлардай нияти бузуқ, – деди Файласуф тўрсайиб. – Иложи борича, тезроқ эсини киритиб қўйиш керак.

– Нима қилай, оёғидан сўқир саман той думига бойлатиб, дашту далага ҳайдатайми?!..

– Йўқ, майда, жуда майда!..

– Шундайми? Балки ўзингиз ёрдам берарсиз, ошна.

– Ҳалиги... қўлларини кесдириш керак, – дарахт буташ устида сўз бораётгандек хотиржам чулдиради Файласуф. – Ҳа, шундай қилинг, токи мудом янглиш йўлга юрадиган мўйқаламини қайтиб тутмасин!..

– Ой-ой, қойил! Топдингиз! Бир ишора қилсак кифоа, занғар усталар зумда битиради, тамом-вассалом!..

Чехраси недир ғурурдан ёришган Файласуфни зимдан кузатганча аста бош чайқадим, наҳот тоабад мўйқалам билан ўртамизда даҳшатли ҳижрон девори кўтарилса, наҳот бир умр жозиб ранглар олами фуқароси бўлиш насиб қилмай, шалвираганча мискину ноумид яшасам, етиму есирлик азобига маҳқум туйғуларим зимзиё бағрим кунжакларида саробдек ному нишонсиз йўқолса?!

Ҳамон мириқиб пиқир-пиқир кулаётган Сайис, кўпроқ маза қилай деган хаёлга борди чоғи, томоқ қирган ҳамоно ўқдек отилиб кирган бўйчан хизматчи йигит олдига ирғай дастали ўрма қамчи улоқтирди. Лаънати қора терга ботганча ўлмичи қилиб саваларкан, визиллаётган қамчи оғриғидан ҳам кўра, ҳалиги мулоҳазалар оғриғи вужудимни кўпроқ қийнади.

Зум ўтмай зулмат қоплаган тубсиз бўшлиқ беҳушу бенаво жасадимни қаърига тортиб кетди, чамаси, олисда узлуксиз кесишаётган зангор ва симобий нурлар арқонига илиниб базўр жон сақладим. Тош осилгандек оғир қовоқларимни амаллаб кўтарсам, тақир полда қонимга бўялганча дилдираб ётибман, кимдир дағал бармоқлари билан териси шилинган ва симиллаб ачишаётган бетимни авайлаб силамоқда.

Ногоҳ тепамда мардона чўккалаган, кўзлари чақнаётган Сарбозни кўрдим-у, бирдан ўпкам тўлиб, бўғзимга данақдай нарса тиқилди, чексиз афсуснадомат билан Сайис қандай жазо белгиланганини айтиш учун чоғландим. Қадрдон жигарим гапиргани кўймай, хайрихоҳлик билан таскин бериб, қўлтиғимдан ушлаб кўтарди, қаддимни ростлаб, недир истак даъвати билан тўр сари қарадим-у, безгак тутгандай қалтираб кетдим.

Баланд лўла-болишда ястанган Сайис ўзига ўхшамасди, қадди-басти офтоб урган сабзи каби сўлиб улгурган, тикрайган сарғимтир қошлари ўртаси тугунли эди, бақбақаси аралаш бўғзига Сарбоз ханжари сопи-гача ботган эмасми, жун босган бесўнақай қўлларини икки ёнига шалвиратиб ташлаган, номаълум нуқтага қадалган йирик-йирик чоғир кўзларида недир таҳлика сувратланган эди.

Сал нарироқда ранг-рўйи оҳак каби оқарган Файласуф, хиёл эгилган тарзда бақа каби жавдирар, ҳозиргина муз остидан чиққандек дағ-дағ қалтирар эди...



Икром ОТАМУРОД

ХУВИЙЯТ

Достон

*«Ҳо»си хувийятни қилиб жилвагаҳ,
«Лом»и била қойили «ал-мулку» лаҳ.
Алишер Навоий.*

*Айлана ичинда айланалар айланар:
гоҳ ўннга,
гоҳ сўлга,
гоҳ баландлаб,
гоҳ пастлаб,
гоҳ бир-бирини қўмсаб,
интилиб шайланар,
гоҳ бир-биридан четлар назарин қасдлаб.*

*Гоҳ бир-бирига ён бермай,
бузмайин тинак,
елка тутмай,
қайишмай бир-бирин ҳолига,
ҳар қайси ўзича етов тизгинин тутмак
илинжлари билан ҳаллослайди йўлига.*

*Айлана ичинда айланалар чирпираб,
шоёнлиг ҳирсига ружу кўйиб ҳой-ҳавас...
Дуч келган йўриққа шашти йирқираб,
бўйин эггай нафси аъмолига басма-бас.*

*Айланалар йигиради қирқ ямоқ ёлгон...
...Айлана ичинда бордир собит бир ният –
Ҳақ измидан юриб,
англашиб Ҳақни ҳар он
кангулга олиб борур гарибгина хувийят...*

* * *

*Одамзотни қаерлардан олиб ўтдинг,
ЙЎЛ?*

?

*Одамзотни қаерларда олиб қолдинг,
ЙЎЛ?*

?

*Одамзотни, қаерларга олиб келдинг,
ЙЎЛ?*



?
Одамзотни қаерларга олиб кетгунг,
ИЎЛ?

?
Мурувватинг надур,
Хусуматинг надур?

?
Оқибатинг надур,
Қабоҳатинг надур?

?
Ижобатинг надур,
Касоратинг надур?

?
Илғаб, илғамай тизгинингда юрур, одамзот...

...Бахш этибон
бор-будини сенга
одамзот
ёвуқ борса,
йироқ кетиб –
кўп чўзилдинг, ИЎЛ.

Мурод мўғжаларин қайрилишларда бот-бот
челпиб,
қурбларни қуришиб,
шарт узилдинг, ИЎЛ.

Одамзот манзилга тезроқ етказоқол деб,
ёлвориб югурса,
орқага сўзилдинг, ИЎЛ.

Сочган сайин
меҳр уругин
канглу афсус еб,
қадамида
қахр ҳосилига
кўз илдинг, ИЎЛ.

Жонин шиққа вуслат этди одамзот, э воҳ,
сен эса,
ҳижрон шажаридан
тузилдинг, ИЎЛ.

Боқса канглун ёрон айлаб атрофга, ногоҳ,
ёнида
ганимлар тарзида
тизилдинг, ИЎЛ.

Армон саҳросида пай-пай паторат тортиб
орзу қўрганлари
сингари
бузилдинг, ИЎЛ.

Ҳар қадамда,
ҳар дақиқада
гамингни ортиб,
кангул маскунига
гам бўлиб
чизилдинг, ИЎЛ...
Й...Ў...Л.
Й...Ў...Л?
Й...Ў...Л!
Й...Ў...Л.

... Ростнинг кўксида доимо инсоф
синдириб яшайди нафснинг хоҳишин.
Тилига жиндай-да илинтирмас лоф,
йўлатмас руҳига ёлгонлик хешин.
Хайрихоҳлик вужудида барг ёзиб,
умидлари гуллар мисоли чарос.
Томирин туфроққа ёйганча жозиб,
хувийят дарахтин ўстиради рост...

* * *

... Қаердадир гуж-гужланиб чил эшса қат-қат
гирдикапалаклар шамга парвона мисол.
Улар зоҳирида фойда нишлагай фақат,
улар ботинида зарра ихлос йўқ, алҳол.
Хаёлни олади гирдикапалаклар ўздан,
ўтрукларга эргашиб, ҳаросланар ҳамият.
Эътиқод занг бойлар.
Субут чиқади издан
Кангуллардан қочар – ўгайлаб самимият...

* * *

... Фарқи йўқ мардикор учун ҳеч ненинг:
куни ўтса,
қорни тўйса кифоя.
Гўё, юқори кўтарар иморат синин,
гўё, иморатдан умтилар соя.
Бўйин товламагай,
буйрилган ишни
бажсараверади ҳал-ҳал ҳалакляб.
Гурурига санчар масхара -нишини,
қадрини туфроққа белар бўлакляб...

* * *

... Жой борки,
унда ишончсизлик мўл бўлса,
урчиса потиллаб очкўз жаложин,
ниятларни дилмас,
нафслар ўнгарса,
кенгайтурса биқик кинлар қулочин...
... Айнан,
ўша жойда,
билингким,
зотан,
фаолият бошлар зингилаб зув-зув,

ишончсизликка ақрабо, темиртан
қулочини кенг ёяди кўрқув...

* * *

... Таассурот – тахмин.
Тасаввур – англаш.
Хулоса – ҳукм.
Мулоҳаза – мобайн.
Тахмин –
мобайдан, ҳукмдан мужассам англаш.
Англаш –
тахминдан, мабайдан мужассам ҳукм.
Ҳукм –
англашдан, тахминдан мужассам мобайн.
Мобайн –
ҳукмдан, англашдан мужассам тахмин...

* * *

...Ҳақман деган балки ноҳақ бўлгайдир,
ноҳақ кўкси балки ҳаққа тўлгайдир...
... Борлиқда биргина барҳақ мобайн...

...Ноаён этгай балки ўзини аён,
аённинг зимнида пайдо ноаён...
... Борлиқда биргина барҳақ мобайн...

... Яхши эҳмолидан тойгайдир дам-дам,
ёмон феълига гоҳ эзгулик ҳамдам...
...Борлиқда биргина барҳақ мобайн...

...Мавжуд номавжудлик жиҳатидир гоҳ,
номавжуд мавжуддай кўринар ногоҳ...
... Борлиқда биргина барҳақ мобайн...

* * *

Айлана –
қурама тарз...
... қуроқ майдон...

... Тонгдан,
кундан,
тундан иборат сониялар
айлана сахнига чизиб чизгиларини
узук-юлуқ масофаларда лўкиллаб лўк-лўк
гилдирагин гилдиратар ВАҚТ восилида.
Тонг –
тун қаъридан униб чиққан жозиб шуъла.
Кун –
тонг қурбидан қурбат олган шоиқин фурсат.
Тун –
кун ташишин танасига жойлаган сукут.
ВАҚТ – ўчиргич.
Ўчириб борар айлананинг
тонг,
кун,
тун чизган чизгиларин пайдар-пай...

Айлана –
қурама тарз...
... қуроқ майдон...

...Бўй кўрсатган ашқол-дашқол ҳашаматларнинг
замирида алдов ўскун бўлгай, шубҳасиз...
Начора, чубчурганинг учи қочади шундан,
уни сўнг тутуши ва топиши маҳолдан-маҳол,
чунки тов ташлаб боради,
эшилиб борар,
мумини йўқотган кўйнадўздай чубчурга.
Неки, ружу қўйса ўзин кўрсатишига, бас,
демак, унда пиндиғлағай недандир гумон.
Аён дурур,
ким қай йўлла келса манзилга,
худди шундай йўлла чиқиб кетади, билакс...

Айлана –
қурама тарз...
... қуроқ майдон...

...Чанглар,
ғуборлар тўзғиб,
кўкка кўтарилиб,
жилва қилар тўсланиб,
минг хил муқом ила:
шамоллар,
гирдоблар,
тўзонлар тасарруфида.
Илдизи ерга чуқур кетган дарахтларки,
бирдайн қимирламас,
титрамас,
тарк этмас
томир отган туфрогини ҳеч вақт, ҳеч маҳал
ва туфрогин тутиб тургай янаямда берк
ҳар қандай кўрасакка тик боқиб, зотан...

...Йўлақларга тўкилган тунги япроқларни
ишишайиб,
босқилаб ўтар дайди саёқлар...
... Зирқироқ киради дарахтлар танасига қаттиқ...
... Кўкси доғ ҳилол фалакда кезади гамгин...

Айлана –
қурама тарз...
... қуроқ майдон...

... Баланд тоғлар босиқ,
сақлар мудом осойиш,
огишмай,
ройланмай,
қилмай зигирча парво
маврудли,
маврудсиз ёғгувчи ёгинларга...

Айлана –
қурама тарз...
... қуроқ майдон...

...Авал,
бир-бир ипларини товлантирар чарх,

одамзотнинг кўзларини ўйнатиб, чунон,
ақлу хушин олиб,
хайрон қолдириб, сўнгра,
бўёқларга бўяб тикар матоҳларини...

Айлана –
қурама тарз...
...қуроқ майдон...

... Тош деворли қўрғонлардан гурлаб сочилган
нафслар,
кибрлар буралиб-буралиб, алҳол,
ғўрдайиб,
кеккайиб ясар турфа чамбарак...

Айлана –
қурама тарз...
...қуроқ майдон...

... Чорбоғларда хазонларни титиб-титкилаб,
данақларнинг мазасига хумор қарғалар
кавну макон бутоқларин синдириб секин,
тирноқларин ботириб қоқ даштлар кўксига,
еб тўймаган,
ялаб тўярмиди,
дегандай,
изгиб,
донлар қидиради ангорларда қағиллаб...

Айлана –
қурама тарз...
...қуроқ майдон...

... Чуқур дайро жимир-жимир зимнида оқар,
қиргоқларга сапчимагай ҳуда-беҳуда.
Нақл борким,
чуқур сувни ахтарар балиқ,
бир томчи сув сушлаштирмиши гоҳда дайрони,
дайрони гоҳда тоштирармиши бир томчи сув...

Айлана –
қурама тарз...
...қуроқ майдон...

... Босар-тусарини билмай шовқин-суронлар
кўчаларда қувалашиб,
пойгалар ўйнаб,
гизиллайди ҳалқумига тиқилиб нафаси,
олд-ортига,
ён-верига
сер солмай бундоқ.
Гиргиттону
мастон-мастон бўлиб уймаланар
қадам-бақадам муюлишларда гезариб,
калаваси кўрчигинли торғин бекатлар...

Айлана –
қурама тарз...
...қуроқ майдон...

... Қиш бадалида мустаҳкам,
ерга тўшалиб

ётган қалин қорларнинг титиб авра-астарин
баҳор ёмғирлари сириб ташлар лаҳзада...

Айлана –
қурама тарз...
...қуроқ майдон...

...Замин тепасида қалқир, солланиб осмон,
осмон пойида дарз тортиб ётади замин...

Айлана –
қурама тарз...
...қуроқ майдон...

* * *

Билиш –
билмасликдан гангиб хайронда,
билмаслик –
билиш кўзига қум сочган гирдоб.
Фириблар кўклайди қуроқ майдонда,
қурама тарз сим-сим симирар зардоб...

...Одамзот бир-бирин қанчалик билиб,
бир-бирига ёндош келгани сайин,
канлуга нимадир кемтик – доғ солиб,
бир-биридан безиб, қочилиш тайин.

Ки, одамзот бир не топдим, деганда,
ҳеч не топмагани сезилгай аён.
Очун шундай бепоён, тор эканда,
замирида кўп макону йўқ макон...

... Узоқдан нимадир яқин кўринар,
кўринар яқиндан нимадир узоқ.
Одамзот,
ҳар иккисига талтиб суринар,
одамзот,
ҳар иккисига термулар муштоқ

Кўпчигай синиққан очун дарзлари
одамзот яратган кўргиликлардан.
Туманларга тўлиб осмон арзлари
қақшар замин тақир йўргиликлардан.

Яшил яфроғларда кўклайди армон,
қуриган шохлар умид шохасида.
Этакларга илашган гардлар бегумон
кўтарилар кийимлар ёқасида.

Вужудни чақади ўрмалаб мўрча,
қонларни сўради пашиша гўнгилаб.
Ҳасад ўргимчаги тўқиган тўрча
иплари кўкракка бойланар гилаб.

Юрак уриши одамзотга доим
англадиб тургайдир каму бекамин

ҳамда ҳаётнинг бир лаҳзага қойим
фурсатлари
сониялар эканин.

Болакай қўлидан тушган қўғирчоқ –
оёғи остида парчин ҳақиқат.
Хиёнат –
қўзлари дурузук мунчоқ –
жазманини бўғади ҳар дақиқа.

Виждон хўрсинади,
ийглайди ўқиб,
гаразга дуч келиб,
алданган маҳал.
Мағорга тўлади очуннинг кўкси,
очун мурувватга,
меҳрга маҳтал.

Очунда қурбатли нарсалар шулким:
қайсики,
нигоҳларга илинмаса,
ё эшитилмаса бўлгани содир,
борин овоза қилмаса,
билинмаса,
зимнинг зимнида яшаса бўлиб сир...

...Билиш –
йироқлашиш билган нарсангдан,
билмасликни тушуниш қабили – билиш.
Билиш –
нафратланиш билган нарсангдан,
билмасликка бошловчи сўқмоқ – билиш...

* * *

...Қизикқонлик – галат сира, галат ҳол,
қизикқонлик ила пайдо ҳар гудра,
лов этиб ёнган лахча чўғ мисол
дам ўтмайин ўчиб қолади мудраб.
Бунга қиёс қилиб,
қўйиб ёнма-ён,
нисбатланса вазминлик йўриги бўлак.
Теран бир ҳикматдир вазминлик аён,
шундан голиб эрур,
имкони лак-лак...

* * *

...Гўё,
айлана танобин тутгандек қўлда
гердаийиб,
савлат-ла юради нодон.

...Гўё,
ер ларзонга келгандек бўлар
пала-партиши босган қадамларидан.
...Гўё,
осмондаги юлдузларни узиб олгудек
узун деб ўйлайди калта қўлларин.

...Гўё,
тўрт тарафда нима бор, бари
таъзим бажо айлар ношуд фаҳмига.
...Гўё,
ҳаво битта имдоди билан
турқини ўзгартар ҳар лаҳза, ҳар дам.
...Гўё,
ҳамма унинг изидан рабон
тиқилиб, туртиниб тор йўлақларда.
...Гўё,
оёқлари теккан эски узанги
қуйигамас, тепага чўзилар занглаб.
...Гўё,
тарки очилиб кетгандек туюлар
назари тушган кез
қадим очуннинг.
...Гўё,
манзил тортган ҳар қобда
шоёнлиг тайининг зикрин чоғлагай.
...Гўё,
ел супириб ташлаган асно
бирор-бир тахлитда қолмағай изи.
Г...ў...ё...

* * *

Кўчадан берига келмайин мудом,
кўча мақомига заптани чоғлаб,
ёлгон манзарларга ўрганган одам,
ногоҳ,
дард танига дардини боғлаб –
қадрдони бўлиб идраган тўшак
қоқилган қозиқдай – қимир этмайин,
уйга кириб қолса,
михланиб бешак,
ичини пушаймон кемирар тайин...

* * *

...Одамзот,
нимани ёвуқ олса ўзига,
йироқлашаверади ўша нимадан, ажабо.
Ёвуқлашаверади ўша нимагадир,
ўзидан йироқ қолгани сари, ажабо...

* * *

...Битта гапни айтиб,
сал фурсат ўтмай,
минг боис,
минг важни пеш қилиб пўрим
гапидан тонган кас кўксидан кетмай
тутруқсизлик тўқир ўргимчак тўрин.
Шундан бошлангайдир, аслида, бот-бот,
шундан бошлангайдир, аслида, бари,
бандани не ишкалу
не мушкулот
қўйга солиб қўйган муаммолари...

* * *

...Бир куни...
хотира ситилиб кетар,
ранги ўчган кўйна чопон сингари.
Бир куни...
хотира титилиб кетар,
оёқ остда тўзган палос сингари.
Бир куни...
хотира ёниб – бўлар кул,
кўрнамак куйдирган китоб сингари.
Бир куни...
хотира тап-тақир чўл,
сувлари қуриган дайро сингари...

* * *

... Пиёда – кузатув имкони.
Айланани кузатади,
айланага қарайди нигоҳлари жовдираб.
Юриш баробарида,
фаҳмлайди,
ўйлайди,
қадамларининг надами янглиғ кўради
айлананинг айланалари:
номардликларни,
мунофиқликларни,
худбинликларни,
хиёнатларни,
товламаликларни,
бемаъниликларни,
айёрликларни,
...ларни...
...ларни...
...ларни...
...л...а...р...н...и...
...пиёда...

* * *

... Нарса қачонким, мантиқдан яралса агар,
борлигини топиб, унда ўсгайдир маъно
ҳамда топгай борлигини шаклу шамойил.

Айлана чирой очади шунда бирдайин,
бир-биридан гўзал кўринади тўрт томон.
Қурбила безаб турар мудом айланани
насибаси хувийятга уланган мантиқ...

* * *

...Рух – вужудга ёғду бериб, ёниб турган шам,
зулумотдан форуғ айлар вужудни бирдай,
табиийки,
қанча қуюқлашиб зулумот
вужудга кийдирса бесўнақай чакмонин
яна мўлроқ нурлантирар вужуд багрин руҳ...


* * *

Айлана ичинда айланалар айланар:
гоҳ ўннга,
гоҳ сўлга,
гоҳ баландлаб,
гоҳ пастлаб,
гоҳ бир-бирини қўмсаб,
интилиб шайланар,
гоҳ бир-биридан четлар назарин қасдлаб.

Гоҳ бир-бирига ён бермай,
бузмайин тинак,
елка тутмай,
қайишмай бир-бирин ҳолига,
ҳар қайси ўзича етов тизгинин тутмак
илинжлари билан ҳаллослайди йўлига.

Айлана ичинда айланалар чиртираб,
шоёнлиғ ҳирсига ружу қўйиб ҳой-ҳавас...
Дуч келган йўриққа шашти йирқираб,
бўйин эггай нафси аъмолига басма-бас.

Айланалар йигиради қирқ ямоқ ёлгон...
...Айлана ичинда бордир собит бир ният –
Ҳақ измидан юриб,
англашиб Ҳақни ҳар он
кангулга олиб борур ғарибгина хувийят...





Ҳамид ЭЛХОН



АЁЛ ВА ИЛОН

Ҳикоя

Рассомнинг тоққа келганига ҳафта бўлди. Аммо чизишни бошлашга ҳали киришгани йўқ. Ускунаси олдида бўёқлар терилганича, илк тасвир қоғози – эскиз эса оппоқлигича турибди.

Гап унинг кўп йиллардан бери яратишни ўйлаб кўйган, дурдона бўлмаса ҳамки, бош асари ғоясини чизишни дилида пиштиб, сўнгги чизгиларигача тасаввурига жойламаганида эмас, балки келиб қолган тоғ унгири, атроф манзара мўлжалидаги сурат учун ярашига кўзи етмаётганида эди. Ўртада тошлоқни ювиб чоғроқ сой оқарди. Икки тарафида учлари найзадек кўкка санчилган тик зовлар, тарам-тарам сойликлару қияликлар, адоқда эса қишлоқ, дов-дарахтли ҳаятлар, улар аро илонизи тош йўл чўзилган. Йўлдан отликлар, эшак минган хотинлар, қорамол ва қўй эчкиларни ҳайдаган болалар ўтишарди. Аҳён-аҳёнда трактор, машина, мотосикллар варангланганча уларни хуркитиб, йўлни куюқ чанга белаганча зинғиллашади. Лойсувоқ томли уйлар олдида болаларнинг қий-чуви, рўзгор ишлари билан банд аёлларнинг шанғиллаганлари эшитилади.

Айни манзарада техника асрига хос нишонлар сезилса-да, ибтидоий асоратлар ҳам сақлангандек. Балки насрий асар учун теша тегмаган тафсилотлар анчагина топилар, аммо мусаввирга нон йўқ, чамаси. Ҳа омади юришмаганга ўхшайди. Бунда замин таровату гўзалликни эмас, асрий ҳодисотлар акс-садосини кўйлаётгандек. Борлиқ гўё илк яралиш чоғида қандай бўлса шундайлигича потраб ётарди. Тупроқ ва тошлар қип-қизил, кулранг ёки бўрта-буталару калтакесаклар, ҳатто одамларнинг туси ҳам шунга монанд.

Унинг қўналғаси – терскай бетдаги чоғроқ ҳаят анча баҳаво, сўлим кўринарди-ю, аслида нобопроқ жой чиқди. Шохлари тарвақайлаган заранг тагига ускунасини жойлаштирди. Ётадиган темир каравоти эса холисроқда. Негаки турли ҳашароту жониворлар



ташрифидан безор. Шундоғам, ён-веридаги харсанглар, зирклар орасидан илонлар биланглаб чиқиб ўтакасани ёрарди. Бу жойни: «Сенга жуда мос, шоҳ асарингни айнан шу ерда яратасан», деб роса мақтаган, ўрнаштириб, нон-чойига қарайдиган одам топиб берган курсдошидан дарғазаб эди. Унга Швейцария тоғларидаги биллур кўллар, Венесуэланинг Анхел шаршараси, Япония сакуразорлари бўлмаса ҳамки, ўзимизнинг яшил арчали жайдари тоғларимиз бағридан жой топмасдан нақ мезазой эрасида вулкнларнинг осмону фалакка кўтарилишидан ҳосил бўлган шу тупканинг тагига йўллагани таъбини тирриқ қиларди.

Кўлига ҳали бўёқчўптутмаган болаликдамларидан қалбида ардоқлаган, оқ қорли тоғлар этагида яшнаган воҳа, шарқираган дарё, боғ-роғлар, ложувард осмон, чарақлаган куюш, ниҳоят улар бағрида висол қурган йигит ва қиз суратини чизиш учун нафис рангларни қаердан олади энди? У санъатни ташлаб ўзини корчалонликка урган қовоқбош дўстини буралаб сўккиси келарди-ю, қаватида йўқлиги учун ноилож ғижинарди холос. Тўғри, хаёлий тимсоллар, фалсафий рамзлар орқали ишлаши мумкин, аммо унинг асари мавзуси Пикассонинг кабутари ёки Сальвадор Далининг шаффоф баданли хонимлари эмас, шарқона манзара – Беҳзод, Хокусай, Ўрол Тансиқбоев анъаналари... Яна воқеликни ўзича – ҳали илганмаган чизгилар, янги шакл ва топилмалар орқали ифодалаш зарур.

Ўтган йили Дрездендаги кўргазмасида бир немис санъатшуноси унинг «Жамраш» номли суратига тикилиб туриб бошини чайқаганиди:

– Она-бола топишуви шоирона тасвирланган.

Оддий этюдда кўзиларнинг соғим арафасида кўгандан бўшалиб совлиқни эмиши акс этганиди. Рассом бироз тушунолмайд ундан нимани назарда тутаётганини сўраганида:

– Меҳрни, – деди немис ҳозиржавоблик билан. – Ўзбекларда асп ҳис-туйғулар яхши сақланганидан далолат бу. Қўйни қаранг, оч қолган боласини бағрига олиб куйруқчасини ҳидлаганча эмизмоқда. Кўзларидаги муҳаббат ва эзуликни етказиб тасвирлабсиз, офарин!

Демак мажознинг янги йўли, ҳаётийликни ёндош тимсоллар орқали ифодалаш! Касбдошлари унга: «Бу усул ғордаги деворга тош билан ўйиб расм чизиш давриларидан бери бор-ку!» дейишганида: «Ҳали кўрасизлар, янги суратим кутилмаган янгилик бўлади», деб жавоб қилган. Нималигини эса ҳали ўзи ҳам аниқ билмас эди.

Унга қарайдиган хонадон соҳиби ўттиз ёшлар чамасидаги давангирдай эркак ва андак ёшроқ хотини ҳали бола кўрмаганлари учунми келин-куёвга ўхшайдилар. У дастлаб ҳашорату газандалар кўплигидан ва зовларнинг ваҳмидан қочиб уларнинг меҳмонхонасида тунаб юрди. Жувон чой дамлаб, дастурхон ва егулик олиб ёнига киритиб турарди. У ҳам қуруқ кўймасди, мева-чева, гуруч-мой дегандай... Аёлни биров тўпорилиги, ўзини такаллуфсиз тутиши, керагидан ортиқроқ эътибор қилишини демаса қарийб муаммо йўқ ҳисоби.

Ниҳоят ишга киришди. Орқада саф тортган тик қояларни, улар юзидан жимирлаб тўкилаётган зилол сувларни, зирклар, мох ва лишайникларни, зангори япроқли зарангларни хомаки нусхага туширди. Расм

анча маҳобатли, табиий унсурларга бой, аммо унда ҳаёт асари кўринмасди. Шунда у эскизни йиртиб ташлаб, бошқатдан кулранг чағилларни менг тупроқли оловранг ёнбағирларда битган қип-қизил ковулларни, оппоқ оқчайир ва ковракларни, қирғийлару илонларни тасвирлаган эди, сурат бирдан жонланди. Энди кўёшнинг заррин нурларига беланган борлиқ ибтидоий ранглар оғушида ловулларди. Кўзга ярқ этиб ташланадиган бу манзарада чиндан-да нотаниш олам намоеён бўлди-қолди. Энди олд кўриниш – висол тасвирига илҳом билан киришса ҳам бўлаверади. Номини ҳам олдингидек «Ҳаёт кўшиғи» эмас, фалсафийроқ, яъни «Илк яралиш», деб кўяди.

Рассомнинг шашти баланд эди. Бироқ аҳамиятсиздек туюлган икир-чикирлар ишнинг унумини пасайтирди. Бири бевосита ижод жараёни билан боғлиқ. Эскизда динозаврларни бутунлай қириб юборган қаттол юра даври – вулкнлар, магма ва қайноқ лавалардан сўнг миллион йиллар ўтиб совиған, мўътадиллашган борлиқда тирикликнинг қайта яралиши мана-ман деб турарди. Бунақа кескин фонга гулдай нозик қизча билан маъсумгина ўспирин мос келармикан? Ҳатто Тохир-Зухралар ҳам анча жасоратли бўлишган.

Бошқа муаммо – бировга айтса кулгили, аммо жиддий бўлиб уй соҳибасининг ғалати табиати, тушуниксиз муомаласидан келиб чиқди. Жувон унинг ишлашига мутлақо халақит бермасди, чизаётган расмига қиё ҳам боқмасди, балки ўзига... Қисқаси ортиқча диққат-эътибори билан хаёлини бўлар эди. Атрофида айланишиб у билан сўзлашишни, энг ёмони – гап уқтиришни хуш кўрар, нон келтирса, чой дамлаб кирса кўзларини вожиллатиб доимо ниманидир урғулагандек унга қаттиқ тикиларди. Ҳаракатларида, овозида, нигоҳларида номаълум имдод, аниқроғи тажовузкорлик зоҳирдек. Қаерда, қай ҳолатда бўлмасин, ҳарислик билан боқар, унга дахлдор нимаики бўлса барига қизиқар эди. Йўқлигида жомадонини, нарсаларини ковлашни хуш кўрар, ишлатишни унча билмаса-да радио, фотокамера, дазмол, фен, совун, шампун, атирларини олар, айниқса консервалар, конфету печеньелар жону дили эди. Қизиқ томони, ўрнига нуқул қотган нон, ачиган қатиқ ва маза-матрасиз ёвгон овқатларини тутқазарди.

Кейинги пайтда уни-бун баҳона қилиб утунайидиган хонага тез-тез кирадиган бўлиб қолди. Ҳатто кечалари, ўринда ётганида ҳам бостириб келаверарди. Рассом унинг одатларини тўпориликка йўйди. Яхшиямки, келинчак нарсаларигагина ўч, кўнглида бошқа гап йўқ. Хизматга шайлиги, манзиратлари унга малол келаётганини қаёқдан билсин. Балки уй бекалиги, аёллик сезгиси уни меҳмонга ғамхўрлик қилишга ундаётгандир... Бироқ тез орада чучварани хом санганини тушунди. Жувон майда-чуйдага андармон бўлиш билан бирга атрофида худа-бехуда айланишини ҳам қанда қилмасди. Эрталаблари ўринда ётганида, ечиниб ариқда ювинаётса, ёхуд бадантарбия қилаётган пайтларида...

Табиийки, рассом у билан иложи борица камроқ мулоқот қилишга, кўп бақамти келмасликка тиришарди, аммо жувон ҳаммиша, ҳамма ерда рўпарасидан чиқиб, чағир кўзларини вожиллатганича нимадир дер эди:

«Манавини енг», «қатикни симиринг», «шўрвага нон тўғранг», «пиёлани олинг» ва ҳоказо. Гапларининг меҳрибончилики, танбеҳми эканини билиш қийин. Гоҳида илкис ҳаракатланиб тўсатдан унга яқинлашар, бирор нарса узатаётиб кўлига ёки ёнбошига тегиб кетарди. Одатлари, хоҳиш-истаклари аслида нимадан иборатлиги рассомга буткул қоронғу эди. Гўё шунчаки, нечук бандалигига қизиқсинганидан кўпроқ мулоқот қилиб синашта бўлгиси келаётганга ўхшарди.

Ҳа, албатта, қизиқсиниш, заифаларга хос хусусият. «Аёллар баъзан нимани ишталарини ўзлари ҳам билишмайди», деган ибора ҳам бежизга тўқилмаган. Яна айтишларича, нозик жинс соҳибаларида бошқа жонзотларга мижоздошлик кўпроқ кузатиларкан. Масалан қушларга, мушукларга, яна алланималарга... Рассомимиз эса ҳар сафар келиннинг табиатида, ташқи кўринишида ва ҳаракатларида нечундир илонга хос аломатларни кўрарди. Уни аёл гўзаллиги ҳақидаги таърифларнинг бирортасига менгзаш ўринсиз – чиройли ҳам, жозибали ҳам, хуш қилиқли ҳам эмасди. Лекин!.. Борлигидан вулқондай тошиб келаётган енгиб бўлмас шиддатли куч ёғиларди. Бўлиқ қадди-қомати, товатошдай ялпоқ юзи атрофдаги харсангларга монанд бўрта, кўкраги, билаклари лорсиллаган, кишига худди ўлжасига ташланишга ҳозирланган урғочи илондай ваҳшат билан боқарди. Бошқа аёлларга хос безаниш, бўяниш, ноз-карашма, латофат унга ёт эди. Рассоманча кўркам, ижод аҳлига хос тамкин ва мутаассир инсон. Бироқ келинчак унга асло ҳавасланиб, ишқ-муҳаббат билан қарамас, аксинча зардаю дашномларини бошига ёғдурғудек сертангларди. Рассом эса бунда не маъно ва мақсад борлигини билолмай юраги така-пука. Тўғри, унинг аёллардан безорлиги йўқ, гоҳида натурачи қизларга ишқибозлик қилиб турарди. Бироқ буниси... Бир куни ўрин йиғаётиб ундан кўмак суради. Рассом бажонудил кўрпани баланд тахмонга жойлашга ёрдамлашди. Шунда жувон кўтаришаман деб чалқайганча, кутилмаганда унинг оғушига ўзини ташлади...

Дунёда қурту кумурсқалардан тортиб йўлбарсларгача одамдан ҳайиқиши азалдан маълум. Бу тушунча ҳамиша ҳам тўғри бўлавермайди албатта. Жониворлар насл қолдириш ва қорин тўйдириш учун муттасил бир-бирларини қирадилар. Уларнинг асосий диққат-эътиборлари ўлжага қаратилиб, ҳимоя тўғрисида кам бош қотирадилар. Кучсизмисан, қочишга улгурмадингми, тўппа-тўғри ғолибнинг жиғилдонига бориб тушасан. Инсон эса ўз ақли билан омон қолишнинг жуда кўп усулларини билади. Энг таъсирчани – қарши ҳужум! Жониворлар шунинг учун одамдан чўчиса керак. Бироқ ҳозир қорин ғамида эҳтиёткорликни унутиб рассомнинг гирдида бемалол изгишарди.

Заранг таги баҳаво, шинам, гилам тўшалгандай қалин барра ўтлар, қоқигуллар гуркираб ўсиб ётарди. У бўяшдан эринган паллаларда кўкаламда роса ағнаб ҳордиқ чиқарар, тушликниям шу ерда қиларди. Кейинги пайтда «ҳамсоялар» ташрифи кўпайганини пайқади. Тез орада бунинг сабаби аён бўлди. Қарангки, бу ҳол у билан боғлиқ экан. Чумолилар, қуртлар, қўнғизлар, сичқонлар унинг дастурхонидан тўкилган мазали увоқларни, меваю ширинликлар бўлақларини иштиёқ

билан терибейишар, уяларига ташишар, калтакесаклар эса уни безорихон қилувчи чивин ва сўналарни “ҳап” этиб ютишар, илонлар заранг шохига илинган овқат, нон ва бошқа егуликларни қитирлатаётган сичқонларга ва чигирткаларни тумшуғига қистирган чумчуқларга ҳамла қилишарди. Гоҳида осмонда тек қотган қирғий шувиллаб пастга қуйиларди-да, ҳозиргина ютган кўрсичқонни ҳазм қилиш учун шохга ўралиб ётган кўлвор илонни кўтариб қочарди. Хуллас, уни ўраб турган маконда гўнғиллаш, чириллаш, вижирлаш, вишиллаш бир зум ҳам тинмас эди. Безор бўлган рассом уларни хипчин билан қувалар, ўлдирар, ўзини ва егуликларини улардан асраш учун жонини жабборга берарди, аммо газандалар кўпайса кўпайишардики, асло камаймасди. Жониворлар фақатгина жиғилдон ғамида эмас, бу ерда ўзлари учун ўнғай ва роҳатихон муҳитни – ўзига хос жаннатни яратиб олишган, эмин-эркин ирғишлашар, турли-туман овоз чиқариб завқланишар, ора-сира «севги»га мубтало бўлиб гашт қилишарди. У тўшагини бошқа жойга, шийдам ўрик тагига кўчирган эди, ажабки, шўх-шаддод кўшнилари у ерга ҳам “гуруннга” борадиган одат чиқаришди. Гоҳи калтакесак туфлисининг ичига кириб олса, илоной бутоққа илинган жинси шимининг пойчасидан бошини чиқариб қоп-қора айри тилини қимирлатарди.

Ўша сафарги “воқеа” дан кейин меҳмонхонага киришга юраги бетламай қолди. Уй эгаси қўйда юввош йигит, дала юмушлари билан банд бўлиб уйда кам кўринади. Баъзан картошка чопғали ҳаятга келганида уёқдан-буёқдан гурунглашишади. Меҳмонга яхшироқ қарашни хотинига тайинлайди. Рассом эса хижолат чекарди. Охири даррандалардан нечоғли хавфсирамасин, ҳаятда тунайдиган бўлди. Тунги симфония эса...

Бир куни тўлин оининг ёруғида ажриқ устида чирмашган “ошиқ-маъшуқ” илонларни кўриб ҳайратдан донг қотди. Бундан-да мароқлироқ, шавқлироқ манзарани умрида кўрмаган эди. Илонларнинг баданлари рангдор, баайни ғожари гиламнинг нақшларидай гўзал, кўзлари одатдан ташқари ялтирар, оғизларини очиб бир-бирларини ялаб юлқашар, гўё ғажигаётгандек қаттиқ вишиллашарди. Кейин ҳар иккиси ўлиб қолгандек ажриққа чўзилишди.

Рассом қимирламай ётаркан, нима қилишни ўйларди. Қўл узатса етарли жойдаги газандаларга дахл бермасликнинг иложи йўқ эди. Ниҳоят ўриндан аста туриб ёнидаги заранг таёқни олди-да, мўлжаллаб урди. Бири дарҳол қочиб шувуллаганча ғужум зиркнинг тагига кириб кетди, иккинчиси тўлғониб-тўлғониб қимирламай қолди. Боши мажақланиб кетган экан, таёққа илдириб қалоқ сиртидаги баланд харсанг устига ташлади. Ўша тунда алламаҳалгача мижжа қоқмади. Болалигида бобоси: “Илонни ўлдирсанг лошини ёқиб юбор, бўлмаса шериги келиб сени чақади,” деган эди. Хайриятки, ҳеч бири уни ортиқ безовта қилмади.

У кўрганларини унутиб боши билан ижодга шўнғиди. Янги тасвирни янада мукаммаллаштирди, шакллар ва рангларни бўрттирди, севгилисини оғушлаётган рангпар ўспиринни Фарҳоддек баҳодирга айлантирди. Юзидаги тарам-тарам мускуллари, чўяндек оғир билаклари ёри учун тоғу тошларни кул қилиб юборишга қодирдек. Асар жуда ёрқин, мутлақо янги,

экспрессионистлару авангардчиларнинг тушларига ҳам кирмаган йўналиш касб этган эди. Тасаввурдаги илк ҳаёт, яралиш учун курашаётган тимсоллар энди тамомила ўзгача, ҳатто аждаҳо, динозаврлар қиёфасида намоён бўларди

Тунларнинг бирида босинқираб уйғонди ва даҳшатдан қотиб қолди. Тушида уй соҳибаси: “Э буерда экансиз-да. Мен сизни қидириб юрибман. Мендан қочиб қутулиб бўбсиз!” дея кўрпани кўтариб шувуллаганча кўйнига кирганмиш. Жувон гоҳо пари, гоҳо илон қиёфасига кириб гул-гул яшнаганча уни суярмиш. Шу қадар меҳрли, латофатли, ширин сўзлар билан эркалар эмишки, оловли нафасидан умрида кўрмаган эҳтирос ва лаззатни ҳис этармиш. Бир пайт у бўйнини нимадир оҳиста бўғаётганини, танасида ғалати қайноқ тўлқинни рўй-рост ҳис этди. Кўзларини ярқ очиб устидаги кўрпани итқитди. Тоғдан мўралаган ўн беш кунлик ойнинг ёғдусида танасига ўралиб ётган илоннинг нақшинкор териси минг алвонда товланар, узун айри тили билан эса лабларини ялар эди. Дафъатан, у кўркув ҳиссини туймади, аксинча дарранда танасининг тўлғаниши, баданидаги ранглар ва нақшлар жилоси, бошини саранглатиши, кўзларининг ялтираши хаёлини олиб оҳанграбодек ўзига тортарди... Ниҳоят! Ёнаётган одамдек каравотдан сакраб туриб қишлоқ томон қоча бошлади. Таниш уйга етиб жон ҳолатда эшикни қокди. Уй эгаси чиқиб унинг ярим ялонғоч тарзига, энка-тенкаси чиққан бўздай рангига қараб ваҳм билан сўради:

– Ҳа, рассом ака, нима бўлди, бемаҳалда бундай юрибсиз?

Унинг тишлари такилларди:

– И... И ... Илон! Менга тармашди.

– Илон? Ҳеч нарса йўқ-ку. Қўрқибсиз-да, уста, сув ичинг. Ҳой, сув келтир! – дея ёнига келган хотинига буюрди.

Рассом сув ичгач, сал ўзига келиб бўйнини ва бошқа жойларини сийпалади: илон-пилон йўқ эди. Ҳамон қалтираркан, ғўлдираб узр айтди:

– Маъзур тутасизлар, безовталиқ учун... Ёмон туш кўрибман шекилли ... Жуда кўрқинчли.

– Бўлиб туради. Озгина ҳадик олгансиз-да, – деб хотиржам қилди йигит меҳмонни. – Ҳаят овлоқ,

ўрганмаган одамсиз. Хотин, тез меҳмонхонага жой сол. Уста, уйга кириб, манави чопонни кийинг.

Рассом у узатган чопонни кийгач, кетмоқчилигини айтди.

– Э, қўйинг, уста. Уйқунгиз яхши бўлмайди энди. Шу ерда қолинг.

Лекин меҳмон кўнмади, атрофга олазarak термилганча яна ҳаятга чиқиб кетди. Ажабо, жисмида ва руҳида сирли илҳом туғени ғалаён қиларди. Онги одатдан ташқари тиниқлашиб, мияси миллион йилларни қамрайдиган тезликда янги тимсоллар яратиш билан банд эди...

Эрталаб қуёш заранг япроқлари орасидан энди-гина зарҳал нурларини сочган чоғда у мольберт олдиға ўтирди. Этюддаги қиз тасвирини ҳеч иккиланмай ўчириб ташлади-да, ўрнига тушида кўрганларини тасвирлади: илон тимсолидаги аёл! Боши, юз ва кўзларида, бутун борлиғида аёллик олами, моҳияти барқ урган. Қадди-қомати бўлиқ, кўш кабутардай кўкка талпинган кўкраклари узра соч ўримлари белига чулғонган, илон нусха каштали бадани шиддаткор эҳтирос билан алпқомат йигитга чирмашган. Нигоҳлари бутун борлиқни ёндиргудек оташин!..

Рассом суратни чизиб бўлгач, унга боқиб ҳайратдан лол қолди. Ҳеч қачон ўзи ўйламаган, тасаввур қилмаган манзарани яратган эди. Эртақ китобларга ишланадиган расмлардан кескин фарқи – ундан мисли кўрилмаган ҳаётийлик барқ урарди. Айниқса ошиқларнинг ташқи ва ички оламида ақл бовар қилмас куч-қудрат, жозиба зоҳир, кишига ғоятда таниш, гўё қачонлардир айна маконда улар билан илк ҳаёт яралишида бирга жавлон ургандек, номаълум, қадрдон кечмишларини намоён этаётгандек ғалати таассурот қолдирар эди.

Рассом суратни асил нусхага кўчириб сўнгги бўёқларни юргизаётганида ғалати ҳодисанинг шоҳиди бўлди. Орқасида қўлида дастурхон ва чойнак тутган барваста келинчак худди сеҳрлангандек расмга тикилиб турарди. Нарироқда эса... Харсангтош устида белидан юқориси бир газ кўтарилган илон ҳам тошдек қотганча суратни томоша қиларди. Ҳар иккиси гуё миллион йиллар илгари унут бўлган асл оламлари ичра ҳозир бўлган каби сўнгсиз ҳайрат ва ҳаяжон оғушида эдилар...





Санобар ҚУЛМИРЗАЕВА



Орзу кўрпасида ухлайди кўнгил

* * *

Қип-қизил дардга тўлган юрак қадаҳ,
Кафтингизга битта-битта томчилай.
Сўзсиз тилаганим, тиланчи бир оҳ,
Мен сизни...

Мен сизни соғинча зор қилиб кетай.
Бахтсиз бахтларимга бурканган кўнгил,
Сизни сўраб, оғринаверсин, нетай...
Бунча олисланди, тилсимли бу йўл,
Бир ёруғ дийдорни дор билиб кетай.
Дил омонат титраб турган қадаҳдай,
Фироқларда чил-чил синмоғи тайин.
Синиққан сабримга севдириб кетай,
Кунлар йилларга эврилгани сайин.
Қизгалдоқ япрогидан кафан бичдим,
Ором тилаб учган руҳим рўёга...
Сизсиз ...
Сизсиз сигмадимми ёруғ дунёга?!
Айтинг, юраксиз мен яшардим қандай?
Юрагини сизга берган юраксиз ...

* * *

Саробни ичдим, соғинчни қучдим,
Оҳ, бу юракни гамга ўрайман.
Қалбимни айбсиз айблари учун,
Азизим сиздан мен узр сўрайман.

Кўргим келганди кўрганим сайин,
Кўксимни алвон дардга бўяйман.



Армонларга осилганим тайин,
Севганим учун мен узр сўрайман.

КУЗ ХАЁЛИ

Осмоннинг бағрига сигмайди жоним,
Юрагимни эзиб йиғлайди ёмғир.
Йўлингизга тўкилиб барг хазоним,
Куз хаёллари қийнамоқда оғир.

Ҳамон ўша сиз, билганим хаёлда,
Рухимни турфа хил гулга ўрайсиз.
Юзимни силаган майин шамолда,
Япрокдек шивирлайсиз, жим йиғлайсиз.

Кўйдирди соғинчлар, видо бўлолмас,
Бардошига ўралган бахтлар тилайсиз.
Куз асли маҳзунлик эртаги эмас,
Жисмимдан қалб тўкилганин билмайсиз.

Юрагимни эзиб йиғлаган ёмғир,
Кўнгилнинг тақдирга итоатими?
Куздек бетакрор хазин хаёллар,
Ярим дилнинг овунчи, ҳикоятими?

Орзу кўрпасида ухлайди кўнгил,
Бир кам дунё, ўтга отди гулларим.
Изингизни кўмган, маъюс хазонлар,
Кўмиб кетмасин илло умр йўлларим.






Абдуқаям ЙЎЛДОШЕВ

Қисса

ТУҒ



Расмларни Дадахон Баҳодиров чизган.

Файзулланинг болалиги Мирзачўлнинг қоқ киндиги-да жойлашган қишлоқда, таъбир жоиз бўлса пахта ичи-да ўтди. Кўклам яғана, ёз бўйи чопиқ, куздан эса деярли Янги йилгача давом этадиган терим. Авваллари қишда сал нафас ростлаб оларди, аммо ёши катта бўлгач акаси Сайдуллага қўшилиб яхоб суви қўйишга чиқа бошлади. Шунча иш ёш бошида бўлишига қарамасдан Файзулла ҳаётда техникага, мактабда эса аниқ фанларга қизиқиш ўсди. Балки шу сабабидир мактабни битирган йилиёқ политехника институтига ўз кучи билан кириб кетди. Ўқишни тугатгач, йўлланма билан шаҳардаги катта бир заводга ишга борди. Инженер бўлиб ишлади. Ёш мутахассис сифатида тўрт йилдан кейин унга бир хонали уй беришди. Уйланди. Аввал ўғилли бўлди. Икки йилдан кейин қизли. Аммо...

Фалокат оёқ остида деганлари рост экан. Энди чопқиллай бошлаган икки ярим яшар қизчаси “дом” қаршисидаги болалар майдончасида ўйнаб юриб, бетон ариқчадан сакраб ўтаман деганда оёғи ариқчага тушиб кетган. Мувозанатини йўқотган қизалоқ бир айланиб орқаси билан бетон ариқчанинг қиррасига урилган. Ана шунда қизалоқнинг ҳали нозик умуртқа поғонаси қаттиқ лат еган экан. Дўхтирлар аввалига буни пайқашмаган. Пайқашганида эса кеч бўлган экан.

Ҳабиба аввалига оқсоқлана бошлади. Дилноза қизалогининг оёғига қўй думбасидан сурди, массаж қилди. Ҳабиба бора-бора юрмай ҳам қўйди. Эр-хотиннинг обормаган дўхтирлари қолмади. Ҳатто эскича ҳам қилиб кўришди. Бефойда. Ҳабиба тўрт ёшга тўлган кунини ногиронлар аравачасида кутиб олди.

Дилнозанинг бўлари бўлди. Лўмбиллаган жувон бирдан озиб кетди, кўзлари киртайди. Файзулланинг аҳволи хотинидан баттар бўлса баттар эдики, яхши эмасди.

Дўхтирларнинг қайта-қайта берган тавсияларига қарамасдан, эр-хотин Ҳабибани ногирон болалар уйига беришмади. Ахир, кўзлари мўлтираб турган ширингина қизалоқдан қандай қилиб ажралишсин... Тили бийрон, ўзи оқила...

Дилноза мактабдаги ишини ташлади ҳисоб. Файзулла ҳам ишини тугатар-тугатмас уйга чопади. Қизалоқ ногиронлиги боис уйдан кўчага чиқолмасди. Фақат аравада. Файзулла қизчасига табиатни кўрсатмоқчи бўлди. Шу мақсадда икки йилча қаттиқ ишлаб, етмаганига қарз-ҳавола қилиб бўлса ҳам сал эскироқ, лекин ишончли “Дамас” сотиб олди. Шу машинада Ҳабибани тоғларга олиб чиқашди, Самарқанд-Бухорога олиб боришди, муқаддас жойларни биргаликда зиёрат қилишди.

“Ҳабиба бир куни тузалиб кетади!” Эр-хотин мўъжизага ишониб яшашди. Эр-хотин мўъжизани кутиб яшашди.

Шу алфозда ўн йилдан кўпроқ вақт ўтди.

Эр-хотиннинг бахтига Азимжон эсли-хушли бола бўлиб ўсди. Кўп вақтини уйда ўтказди. Мактабдан келди дегунча сингисининг ёнига ошиқади. Унга турли-туман китоблар ўқиб беради. Натижада ака-сингил ашаддий китобхон бўлиб қолишди. Азим эса, сингисига ўқиб бергани етмагандай, кечалари ҳам хонасига қамалиб олиб бир асарларни эринмасдан қайта-қайта мутолаа қиладиган бўлди. Сезгир Ҳабибанинг айтишига қараганда, Азим кейинги пайтлари шеър ҳам ёзаётганмиш. Дилноза шу ҳақда айтганида Файзулла ишонмади. Аввал кулиб қўя қолди, кейин жиддий тарзда ўз фикрини билдирди:

– Қарқуноқдан булбул чиқмайди, аяси. Келиб-келиб бир инженер билан бир математика ўқитувчисининг бола-

си шоир бўладими? Бу бир ҳавас бўлса керак-да. Балки биронтасини севиб қолгандир.

Дилноза норози тарзда қошларини чимирди:

– Нима, сизам шу ёшингизда бировни севиб қолиб, шеър ёзганмисиз?

Файзулла аниқ жавобдан ўзини олиб қочди:

– Э, мен шунчалик кўп қизларни севиб қолганманки, дoston ёзсам ҳам барибир етмасди. Шунинг учун ҳеч нарса ёзмай қўя қолганман.

Шу билан Азимнинг шоирлиги масаласи очиқ қолди.

Боласига андармон бўлибми, Файзулла қишлоққа кам борадиган, тўй-маъракаларга камроқ аралашадиган бўлди. Мабодо бирон қиёлмайдиган хеш-уруғиникига бориб қолса ҳам уйга қайтгунча шошарди. Юраги ҳаприқиб кетаверар, худди уйда бирон нима юз бергандек бўлаверарди. Қишлоқдошлар, қариндошлар ҳам унинг аҳволини тушинишган шекилли, бу борада унчалик кўп безовта қилишавермасди.

Лекин бу оила бошига тушадиган ғам-аламлар, айрилиқлар, қайғули кўргиликлар бир чеккада ўз фурсатини кутиб ётган экан.

Август охирлари.

Цехда иш қизғин кетаётган эди. Томи баланд бинода тинмай ишлаётган дастгоҳларнинг шовқин-сурони оламини тутган. Кўзойнак таққан ишчилар дастгоҳлар чархини айлантириб, металлни қирққанида узлуксиз учқунлар оқими кўкка ўрлайди.

Файзулла бино четидаги темир зина билан чиқиладиган, эшигига “Цех бошлиғи” деб ёзиб қўйилган кабинетида навбатдаги буюртма детал чизмасини уста Миркарим билан ўрганиб ўтирган эди. Хайриятки, эшик зич бекитилса бу ерга шовқин унчалик келмайди. Шу сабабли у ўзининг қўл телефони жиринглаганини бемалол эшитди. Файзулла чизмадан кўз узмаган қўйи шошилмасдан стол тортмасида турган қўл телефони олдди.

– Эшитаман.

Файзулла аппаратни қулоғига қаттиқроқ босди ва акаси Сайдулланинг бақирган овозини эшитди. Сўнг улар орасида шундай суҳбат бўлиб ўтди.

– Файзулла, ўзингмисан... ўзингмисан?

– Ҳа, менман. Сайдулла ака?

– Менман, ука, менман.

– Ассалому алайкум, ака. Тинчмисиз, уйдагилар...

– Яхши, яхши. Қисқаси, эртага Мардоннинг тўққизини олиб бораёпмиз. Кечи билан ўн бирга етиб келмасанг бўлмайди, ука. Ўн иккида жўнаймиз.

Бу хабарни эшитган Файзулла қувониб кетди.

– Муборак бўлсин, ака, муборак бўлсин. Айтгандай, Мардонжон ҳали ёш эмасми? Азимжондан беш ёш катта эди шекилли.

– Э, ёши қоптими! Йигирмага кираяпти, йигирмага! Нима, ҳамма сенга ўхшаб ўттизга кирганда уйланиши керакми?

– Ўттиз эмас, йигирма етти. Ҳа, майли, энг муҳими – икки ёш бахтли бўлсин...

– Етиб келасан-а. Атай сени деб шанбага тўғриладик. Хафа бўлмагин-у, бошқа кунни айтсак ишни баҳона қилишинг тайин-да, ука.

Бу гапни эшитган Файзулла беихтиёр кулимсираб қўйди:

– Эртагаям иш куни, ака.

– Шаҳарда шанба куниям иш бўларканма?

– Ойнинг охири, ака, ойнинг охири.

Жаҳли чиқиб кетди шекилли, Сайдулла ака сал ид-дао билан гапиришга ўтди:

– Охир-похирини билмайман. Қайтиб бўлсам етиб келасан, тамом-вассалом! Ахир сенингам ёшинг элликка яқинлашиб қолди, ука. Бундай бир элга қўшил-да. Билиб қўй: эртан тўйингда, маъракангда бегоналар эмас, шу ёмон жигарларинг кунингга ярайди.

– Хўп, ака, хўп. Албатта етиб бораман, – шошиб гапирди Файзулла.

– Шундай бўлсин, ука, – энди сал мамнун тарзда гапирди Сайдулла ака. – Келин билан болаларниям олиб кел.

– Улар энди катта тўйда боришар, ака, – аниқ бир гап айтишга ийманди Файзулла. – Айтгандай, сотка ўзингизникими, ака. Номерини сақлаб қўяй дегандим.

– Э, тўй қилаётган одамда сотка нима қилсин?! Бу артист болларники. Қайси кунлари бўшлигини билай деб келгандим... Майли, ука, бунинг чиқиллатиб пул уриб ётибди.

– Хўп, ака, хўп. Албатта етиб бораман. Биздан нима хизмат, ака?

– Келавер қани, хизмат бўлса қочиб кетмас...

Қўл телефонидан қисқа-қиска гудоклар эшитилди. Файзулла девордаги календарга қараб, ўйланиб қолди. Дарҳақиқат, ойнинг охири. Режани бажариш учун цех ишлаши керак. Аммо тўйга бормасаям бўлмайди – акасининг кўнгли оғрийди.

– Тўйми дейман, Файзулла ака? – деди уста Миркарим чизмадан бошини кўтариб.

– Ҳа, – деди аппаратни яна тортмага солган Файзулла. – Акам ўғлини уйлантираяпти. Эртага тўққиз жўнатишар экан.

Уста Миркарим қўл силтади:

– Сиз бемалол бориб, хизматларни қилиб келаверинг, хўжайин. Бошимдан ўтган, яхши биламан. Эртан бир кун ўзингизнинг тўй-маъракангизда бегоналар эмас, шу жигарларингиз кунингизга ярайди. Бегона ейди-ичади, кетади, хизматни жони ачийдиган яқинларингиз қилади. Ўзбекнинг тўй-маъракаси маълум.

Файзулла бошини қашлади:

– Қани, аввал манави детал масаласини ҳал қилиб олайлик-чи...

Икковлон яна чизма устига энгашишди.

Барибир бормаса бўлмас экан. Ахир бир қориндан ташлашиб тушган акаси. Одам деб чақириб тургандан кейин.

Файзулла тонгда йўлга тушди.

Ёз оёқлаётганига қарамасдан кун иссиқ эди. Бу ҳол айниқса қишлоқ яқинлашган сайин яққол сезила бошлади.

Терлаб-пишиб кетган, бўйнига оқ рўмол ташлаб олган Файзулла эски “Дамас”ида ўнқир-чўнқир йўлда роса қийналди. Машинанинг гоҳ у баллони, гоҳ бу баллони чуқурга тушиб кетади. Баъзан бирдан иккала олдинги баллон ҳам чуқурликка “қарс” этиб тушади, шунда жойидан учиб кетган Файзулла бошини кабина тепасига уриб олади. Бунақа маҳаллари Файзулла алам билан бошини қашлайди:

– Ўҳ-ҳ!.. Йўлмисан йўл бўлибди-да ўзиям!

Ниҳоят қадрдон қишлоқнинг пастак уйлари кўзга ташланди. “Дамас” бироз юргач, ўннга, тупроқ йўлга қайрилди. Шу заҳоти машина куюқ чанга кўмилди. Димоғига чанг кирган Файзулла йўтала-йўтала машинасини томи қизил шиферли, атрофи пахса девор билан ўралган уй олдига олиб келиб тўхтатди.

Девор ёнида капоти устига бўғчалар тахланган эски “Москвич”. Машина ёнида бетоқатлик билан шу томонга қараб турган эллик беш ёшлардаги, аммо ёшига нисбатан қаримсиқ кўринадиган Сайдулла ака билан унинг қирқ йиллик ўртоғи Худойберди ака. Эркаклардан сал нарида Сайдулла аканинг хотини, озғин Замира янга билан унинг синглиси Раҳима хола ҳам кўринди.

“Дамас” бир олам куюқ чанга кўмилиб тўхтади ва ундан ҳамон йўталаётган Файзулла тушиб келди. Сайдулла ака укасига пешвоз чиқди. Ака-ука кучоқлашиб кўришишди.

– Бормисан, ука? Йўлингга сарғайиб қарайвериб эзилиб кетдик-ку.

– Ассалому алайкум. Тўйлар муборак, ака.

– Раҳмат, ука, раҳмат.

Орага Худойберди ака аралашди:

– Ҳар кимни тўйга етказсин. Яхши етиб келдингми, ука!

Файзулла Худойберди ака билан ҳам кучоқлашиб кўришди, сўнг ортда турган аёлларга салом берди:

– Ассалому алайкум, яхшимисиз, чеча... Сиз яхшимисиз, опа!

Замира янга қувониб бош ирғади:

– Ўзингиз яхшими, келин, болалар...

“Дамас”га танқидий кўз ташлаган Худойберди бир нимани маъқуллагандай бош ирғаб қўйди.

– Тузук, тузук... Бўлмаса гап бундай, ука. Сўрашиб ўтиришга вақт йўқ. Ҳўкиз-пўкиз ортилган грузовойни эрталаб ўзим жўнатиб юборганман. Кеча хабар олгани борганимда Аширмат кўрнинг авзойи бузуқроқ эди. Эрталоқ бормасак бўлмайди. Кўр жанжал қилиб турган бўлса, болалар нима қилишини билмай гаранг бўлиб ўтиргандир. Тузукми?

– Қайси Аширмат ака? – ҳайрон бўлиб сўради Файзулла.

Худойберди ака аламини олишга фурсат келгандай бирдан тутаб кетди:

– Э, қуданинг бир доғули тоғаси бор. Худоям билиб туриб бир кўзини кўр қилиб қўйган-да. Текинени олаётганда кап-катта хўкиз кўзига тиррақи бузоқ бўлиб кўринадиганлардан. Борайлик, ўзинг кўрасан. Ҳангомани бориб келгандан кейин, кечқурун уйда бемалол ёнбошлаб олиб қилаверамиз, ука. Тузукми? Ҳозир шовилмасак бўлмайди.

– Шунақами? Майли, майли... – дарров рози бўлди Файзулла. Сўнг чўнтагидан икки даста минг сўмлик чиқарди: – Айтгандай, ака, атаган тўёнамиз. Оз бўлсам кўп ўрнида кўрасиз энди, ака.

Сайдулла ака мамнун бўлиб пулни олди ва юзини бармоқларига сийпади.

– Барака топ, ука. Илоё тўйларингда қайтсин.

Бошқалар ҳам фотиҳага қўшилишди.

Шундан сўнг Худойберди ака ишчанлик билан кафтларини бир-бирига ишқалади.

– Ука, қани, бу бўлка нонингнинг орқасини оч-чи. Бир нарсаларни ревизия қилиб олайлик-чи. – Худойберди ака чўнтагидан рўйхат ёзилган қоғоз чиқариб, белгилай бошлади: – Тузукми? Хўш, хўкиз, икки қоп ун, бир қоп гурч, мой, гўшт, ўттизта сув – буларнинг грузовойда кетди. Бизга қолади... Ҳой, келин, орт нарсаларингни.

Файзулла шошиб “Дамас”нинг орт эшигини очди, Замира янга билан Раҳима хола бўғчаларни кўтариб кела бошлашди. Худойберди ака рўйхатни текшириб турди.

– Тўққиз кийимлик тоза материал. Борми?

Замира янга бир бўғчани кўрсатди:

– Мана.
– Тузук. Ортавер, – деди Худойберди ака. – Тўққизта рўмол.

Раҳима хола бошқа бўғчани кўрсатди:

– Бу ерда.

– Тузук. Тўққизта лозимлик. – Ўзига савол назари билан қараган Худойберди акага Замира янга қўлидаги бўғчани кўрсатади. – Демак, бор. Ортавер. Тузук, тузук.

Худойберди ака ўйхатни кўзига яқин олиб бориб ўқиди:

– Тўққиз пар туфли.

– Туфлидан уч пар олдик, – деди Замира янга алпанечук шошиб. – Ҳозир размерга ишониб бўлмас... Қолганини ёшлар ўзлари тўйдан кейин олишар, жезда.

Худойберди ака бепарво тарзда елка қисди:

– Мен билмайман. Буни ими-жимиди қудағай билан ўзинг келишиб олсанг яхши бўларди... Ҳай, майли, борайлик-чи, тоза қўймаса олти парининг пулини берармиз. Тузукми?... Хўш, буларнинг барисининг устига битта тилла узукми, сирғами қўйиш керак экан. Тайёрми?

Буни эшитган Раҳима хола бирдан тутақиб кетди:

– Жезда, қудаларда инсоф борми ўзи? Элдан бурун бунча талайди бизни? Ўзи ЗАГС узугиниям биз олган бўлсак!

Худойберди ака яна елка қисди:

– Мен билмайман. Тоza тўполон қилишса бу хотинларнинг иши, ўзлари келишиб олади деб туриб оламан.

– Тўполон қиладиганини менга қўйиб бераверинг, жезда! – дея Раҳима хола худди ҳозирнинг ўзида уришадигандай вазоҳатда енгини шимарди.

Буни кўрган Худойберди ака дарров насиҳат оҳангига ўтди:

– Уйтиб тўйдан бурун элга шарманда бўлиб юрма, бекач. Тузукми? Гаплашсанг кейин... анави жунбошни уйга олиб келганиндан кейин, аста ўмровидан чимчилаб ўйиб олиб...

– Ҳали уйга олиб келиб олайлик у ер юткурни! – Асабий тарзда титраб-қақшаётган, бурун катаклари керилган Раҳима хола бўш келмади: – Орқасини ер искаттирмай ишлатаман!

Аёлларни текширишни тугатган Худойберди ака энди “Москвич” баллонларини кўздан кечираётган Сайдулла акага ўгирилди:

– Қалиндан икки юз минг қолганди, олдинги? Саломдан бурун шуни бермасанг Аширмат кўр олдига солиб ҳайдашдан ҳам тоймайди! Тузукми?

Сайдулла ака турган жойида ўйланиб қолди. Сўнг журъатсизлик билан сўради:

– Юзга кўнмасмикан?

– Кўнмайди у энағар кўр! – Худойберди ака кескин бош чайқади. – “Бир сўм кам обкелсанг тўйни бузаман!” деб мени қасамга таяган у!

– Қани, бораверайлик-чи...

– Йўқ, жўра, бунақаси кетмайди, – оёқ тираб туриб олди Худойберди ака. – Сенга индамасаям, бари “Сен совчи бўлгансан, нон синдиргансан” деб менга гувлаб ёпишиб қолиб, кўз очирмай қўяди. Аширмат кўрга-ку, худо бас келмаса, бандаси бас келолмайди. Эчкиэмардай ёпишиб олади энағар...

Сайдулла аканики ҳам тутиб қолди:

– Тоza жонингни олибди-ку, бу Аширмат деганлари. Нима деса “хўп” деявермасдан мундай бир бизнинг ёнимизни олиб талаш-тортиш, тушунтир-да, жўра.

– Э, тушунтиравериб чарчадим, томоқларим хириллаб қолди. “Расм-русумимиз” шу деб без бўлиб тураверишади, – куюниб гапирди Худойберди ака.

– Нима, биз пулни супуриб олаётган эканмизми? – тўнғиллади Сайдулла ака.

Худойберди ака елка қисиб қўйди-да, кўкрак чўнтагидан занжирли соатини чиқариб қарагач:

– Мен айтдим... қўйдим, – деди. – Қолганини ўзинг биласан... Қани, кетдикми?

– Кетдик, – деди юқори лаби пир-пир уча бошлаган Сайдулла ака.

– Аёллар “Дамас”га минади, – буйруқ берди Худойберди ака. – Биз Сайдулла билан ўзимизнинг “тап-тап”да. Тузукми?

– Тузук, – деди Файзулла кулимсираб.

Аёллар “Дамас”га ўтиришди. Сайдулла ака билан Худойберди ака “Москвич”га. Рулда Худойберди аканинг ўзи экан. Олдинда “Москвич” чанг кўтариб йўлга тушди. Унга “Дамас” эргашди.

Орқада қовоғидан қор ёғиб ўтирган аёлларга қараб қўяркан, Файзулла иложи бориचा кўтаринки кайфиятда гапиришга уринди:

– Айтгандай, чеча, етти-саккиз яшарлигимда тоққа, Хўшбоқ тоғамниқига тўққиз олиб боргандик. Ўшанда “Қудалар келди” деб роса устимизга ун сочишганди, бириккита аёллар оғзимизга ун тиқишганди. Ишқилиб, бу-гун унга беланиб қолмаймизми?

Биров билан уришгани бораётгандай тумтайиб олган Замира янга йўлдан кўз узмаган кўйи уф тортди. Кейин:

– Э, у урфлар ўзгариб кетган, – деди. – Энди бирикки кило “Рачки” кампитидан олиб чиқиб, ё бошимиздан сочишади, ё бир ҳовучдан тарқатиб чиқишади.

– Буни қаранг-а... – Файзулла ҳайрон бўлиб бош чайқаб қўйди.

Қудаларнинг уйи қўшни тумандаги хўжалиқда экан. Бир соатча юришди.

“Москвич” билан “Дамас” пахса деворли оддийгина уй ёнида олдинма-кейин тўхтади. Файзулла сал нарироқда турган усти очиқ “Газ-51” юк машинасини кўрди. Машина устида хўкиз пишқириб турарди.

Машиналаридан тушишган Сайдулла ака, Худойберди ака, Замира янга, Раҳима хола, Файзулла тақа-тақ берк дарвоза ёнида тўпланишди.

– Биров кел деб кутиб олмаяпти-я, – деди Файзулла ҳайрон бўлиб.

– Эчкига жон қайғуси, ука, – мийиғида илжайди Худойберди ака. – Лозим одамларга уч-тўрт сўм тарқатмагунча дарвоза ҳатлаб ўтолмаймиз. Урфимиз шу. Тузукми?

Шу пайт уларнинг ёнига юк машинаси тарафдан белига оқ белбоғ боғлаган, дўппи кийган йигирма ёшлардаги Элдор чолиб келди. Элдор жавдираб Сайдулла акага қаради:

– Қип-қизил жинни экан-ку катта қудангиз! Буқани энди тушираман деб тепалик излаётсам кела солиб “Йўқот бу тиррақи бузоқни! Мени элга шарманда қиладиган бунақанги куда-андалар керак эмас!” деб бўкириб берди.

Худойберди ака ўртоғига таънали боқди:

– Айтгандим-ку, жўра. Бу ҳали бошланиши. Хўш, яна нима деди?

– Э, кўп гапни айтиб ташлади! – куйиниб тушунтиришга тушди Элдор. – Чўнтагидан чопқи чиқариб, унқопни тешиб кўрди. “Эккинчи сорт экан! Бизга висший сорт керак!” деб бўкирди. Гуручни кўриб “Бу оқшоқни бошимга ураманми!” деди. Мойни кам деди. “Сувнинг энг арзонидан олибсизлар! Буни дастурхонга қўйишга уяламан!” деди. Ишқилиб, роса сасиди!

– Кўр ушлаганини қўймайди, деганлари шу-да, – бош ирғади Худойберди ака. – Ҳай, охири мева-чевани олди-ми?

– Тўнғиллай-тўнғиллай, юз минг сўм қўшиб бериш шарт билан олди. Лекин ҳўкизни қайтариб олиб кетин-гллар, ё бўлмаса ёнига битта бўрдоқи кўчқор қўшинлар, деган шарт қўйди. Кейин... “Эл олдида уялиб қолмаслик учун ўзимнинг катта кўчқоримни сўяман”, деди. “Айтганларимни қилмасаларинг орқага қайтиб кетаверингллар, сизларга берадиган кўчада қолган қизимиз йўқ” деди.

– Уйга борсин ҳали бу келин, уйга борсин ҳали! – муштарини бир-бирига урди Раҳима хола. – Шундай ўйнатайки...

– Шунисигаям шуқр, – деди Худойберди ака кутилмаган хуш кайфиятда. – Демак гапга кўнишга майли бор. Қани, жўра, юз минг бер-чи. Бир ичкарига кириб тиррақи бузоқни буқага айлантириб чиқай. Агар кўнса бу кўр.

Сайдулла ака норози тарзда бир даста минг сўмлик берди. Худойберди ака дарвозага туташ кичкина эшикни гийқиллатиб очди ва зипиллаб ичкарига кириб кетди.

Файзулла хавотирланиб сўради:

– Ишқилиб, кўнармикан бу Аширмат деганлари?

– Кўнади, – деди Сайдулла ака ишонч билан. – Кўнмай қаёққаям борарди? Энди, ука, унинг ҳам ўзига яраша мақсади бор-да: буқани сўйдирмай, эконом қилиб қолиш. Ҳам буқа эконом бўлса, ҳам юз минг ёнларига қолса. Бу кимга ёқмайди?

– Э-ҳа, гап бу ёқда денг. Мен бўлса боядан бери тушунмай турибман.

– Э, ука, сен тушунмайдиган нарсалар ҳали кўп бу ерда. Шаҳарлик бўлиб, урф-одатларимиздан узоқлашиб кетгансан-да. Ҳечқиси йўқ, уч-тўрт марта шунақанги тўққизларга, тўйларга борсанг анча пишиб қоласан.

Шу маҳал ичкаридан Худойберди аканинг баланд овози эшитилди: “Ҳа, қани, рози бўлинг энди, тоғаси! Рози бўлинг! Нима камчилик бўлса, биздан ўтибди, ўтиниб сўрайман, шу сафар кечириб туринг энди! Тузуқми?..” Бунга жавобан Аширмат тоғанинг жаҳлдор овози янгради: “Мақсадларинг бизни эл-юрт олдида шарманда қилишми, а? Ё бизда қасдларинг борми?” Яна Худойберди аканинг Аширмат тоғани аврашга уриниши эшитилди: “Мана, яна ўн кўшдим, жами юз бўлди, Аширмат тоға! Рози бўлинг энди. Қудаларингизам кутиб қолишди. Ахир, қудачлик – минг йилчилик, дейдилар...” Аширмат тоғанинг жеркиб бериши: “Э, сизлар билан қуда бўлганимизга ҳам минг пушаймон едик. На тутуриқларинг бор...” Худойберди аканинг ялинчоқ овози: “Рози бўлинг энди. Ҳали яна берамиз, катта қуда”. Аширмат тоға ишонқирамай сўрапти: “Қачон? Аниқми?” Худойберди аканинг овози: “Оббо, сиз ҳам энди икки оёқни бир этикка тикманг-да. Берамиз дедикми, берамиз!” Аширмат тоғанинг пўписага тўла овози: “Агар тўйгача қолган юзни бермасаларинг ёмон хапа қиламан лекин”. Худойберди ака қуюқ ваъда берди: “Берамиз, қуда. Ўртада мен турибман-ку! Ишонаверинг!” Аширмат тоға яна пўписа қилди: “Аниқ ишондим-а!..”

Ниҳоят эшик кенг очилди ва ял-ял яшнаб турган Худойберди ака кучоғидаги Аширмат тоға меҳмонларга қараб илжайди:

– Хуш кўрдик, меҳмонлар.

– Ассалому алайкум, қуда, – мулозамат билан салом берди Сайдулла ака. – Хушвақт бўлинг.

– Ассалому алайкум, – деди Файзулла.

Аширмат тоға ака-ука билан кучоқлашиб кўришди. Кейин ичкарига қараб бақирди:

– Ҳой, хизматдагилар, қарангллар кўноқларга.

Шу заҳоти ҳовлидан кўмғон, сочиқ кўтарган йигитлар илдам юриб чиқиб келишди ва қўллари кўксиларига қўйиб салом беришгач, эркак меҳмонлар кўлига сув қуя бошлашди.

Аширмат тоға яна ичкарига қараб овоз берди:

– Аёлларга қарангллар!

Шу каломни кутиб тургандай, ҳовлидан уч-тўртта аёл чиқиб келди. Олдинда келаётган аёлнинг қўлидаги патнисда турли-туман конфет-шоколадлар. Аёл патнисдаги ширинликларни меҳмонлар устидан сочқи қилиб сочди. Шу атрофда юрган болакайлар югуриб келиб шоша-пиша ширинликларни териб олишга киришишди.

– Хуш келибсизлар, қудалар, – деди аёл қўлини кўксига қўйиб.

– Ассалому алайкум, қудажонлар, – деди Раҳима хола эшилиб. – Арзимаган совға-саломларимиз бор эди...

Мезбон аёлнинг ишораси билан икки-учта жувон “Дамас” ёнига келишди ва Замира янга узатиб турган бўғчаларни кўтариб, ичкарига олиб кириб кета бошлашди.

Бу орада қўлларини ювган учала эркак ва Элдор Аширмат тоға бошчилигидаги каттагина қозон қайнаётган, самовар шақиллаб қайнаб турган, чорпояда жой қилинган ҳовлидан ўтиб, ичкари хонага киришди.

Хонада келиннинг 50-55 ёшлардаги отаси Амир ака, маҳалла оқсоқоли – чопон кийган, оппоқ соқоли ўзига ярашиб турган 65-70 ёшлардаги Ҳожи бобо ўтиришарди. Мезбонлар ўринларидан турдилар ва меҳмонлар билан кучоқлашиб кўришганларидан сўнг бир-бирларини тўрға ўтказишга ҳаракат қила-қила, қуюқ илтифотлар ила ахийри жойлашдилар.

Ҳожи бобо қўлларини фотиҳага очди:

– Илоё омин, икки ёш бахтли бўлишсин. Сизларнинг топган-тутганларингиз яхши тўйларга буюрсин. Омин.

Ҳамма фотиҳа қилди. “Хуш кўрдик... Хушвақт бўлинг”-лардан сўнг ўзаро ҳол-аҳвол сўрашиб ҳам чиқилди.

Аширмат тоға нон синдрди. Пиёлаларга чой қуйиб узатди. Мезбонлар тарафидан меҳмонларга қарата “Олингллар-олингллар” тарзида мулозаматлар бўлди.

– Андакина кечикиб қолдиригингизми, қуда? Энди хавотир ола бошлаган эдик, – деди Амир ака.

Сайдулла ака укасига ишора қилди:

– Тошкенти азимдан укам етиб келишини кутиб қолдик-да, қуда.

Амир ака Файзуллага эҳтиром билан мурожаат қилди:

– Яхши етиб келдингизми, шаҳарлар тинчми, қуда?

– Раҳмат, тинч, – қўлини кўксига қўйди Файзулла.

Бир пиёла чойдан кейин хизматдаги йигитлар ярим косадан шўрва олиб киришди.

– Қани, таомга марҳамат, – деди Ҳожи бобо. – Йўлдан толиқиб, оққаб келгандирсизлар.

Худойберди ака гапни илиб кетди:

– Чарчаш қаёқда, Ҳожи бобо. Сизларни тезроқ кўрайлик деб қанот боғлаб учиб келдик...

Ҳожи бобо мамнун тарзда бош ирғаб қўйди.

– Қани, қудалар, дастурхонга қарангллар, – дея Аширмат тоға ҳам мулозамат кўрсатди.

Бу пайтда эса...

Деворига турли сўзаналар, палаклар осилган каттагина хонада қудағайларни кутиб олган аёл, келиннинг холаси Вазира бошчилигидаги ўн бешга яқин аёл ўтиришибди. Ўртада дастурхон ёзилган.

Нимагадир норози қиёфадаги ва ўз норозилигини кўз-кўзлашга ҳаракат қилаётган Вазира хола ҳол-аҳвол сўрашишлар ва бир пиёла чойдан сўнг куёв тарафдан келган бўғчаларни бирма-бир очиб, ичидагиларни аёлларга кўрсата бошлади.

Вазира хола бармоқлари учидан бир кийимлик матони ушлаб намойиш қиларкан, беписандроқ оҳангга маълум қилди:

– “Сўнги қиролича” деганлари шу бўлади, айланайлар.

Аёллар вағир-вуғир қилиб юборишди:

– Вуй, бунча зўр!.. Товланишини!..

Бундай муносабатдан хурсанд бўлиб кетган Раҳима хола мақтанишдан ўзини тийиб туролмади:

– Атай ўзим бориб бозордан олиб келдим-да, қудағайлар!

Вазира хола бу матони ёнига қўйиб, кейинги матонларни намойиш қилишга ўтди.

– Помбарқут... Вой! – кейинги бир кийимлик материал худди қўлини куйдиргандай Вазира хола материални кўрпача устига ташлаб юборди. – Гирбишинми? Вой савил-ей... Қудағай, одамни номусларда ўлдирманг! Дарров қайтиб олинг буни. Ўрнига тузукроқ нарса қўйинг.

– Вой, қудағай, қўйинг, унақа деманг, яхшилаб қаранг, бу асл мато, – ўзиникини маъқуллашга ҳаракат қилиб қолди Раҳима хола. – Метри қанча туришини биласизми ўзи? Қаранг, яхшилаб қаранг.

Ғазабдан ранги ўчиб кетган Вазира хола қудағайга чақчайиб қаради:

– Ҳали биз яхши материални ёмонидан ажрата олмайдиган сўқир бўлиб қолдикми?

Қовун туширганини англаган Раҳима хола типирчилаб қолди:

– Вой, мен унақа демоқчи эмасдим...

– Айтадиганингизни айтиб бўлдингиз, – кейинги зарбани берди Вазира хола. – Лекин билиб қўйинг, мен бу масалада синглимни хафа қилдириб қўймайман. Сиз бу ердан қари қизни ё етим-есирни эмас, суқсурдай қизни келиб қилиб олиб кетаяпсиз. Шуни биласизми ўзи?

– Вой, қудағай... – дея юмшоқ гап билан айбини ювишга урина бошлади Раҳима хола.

Аммо Вазира хола уни гапиргани қўймай, жеркиб берди:

– Қудағай деманг мени! Гулдай келинчакнинг қадри шу бўлдимми? Олинг бу “қимат” матоҳингизни! – Шундай дея аёл бир кийимлик матони Раҳима холанинг олдига отиб юборди. – Бир кунингизга яраб қолар. Ўрнига дарров нармалний бир нарса қўймасангиз, бўғчангизни қўлингизга қайтариб тутқазиб юбораман!

Раҳима холанинг ҳам ранги сал ўчинқиради, қўллари титрай бошлади.

– Лекин қудағай... – Шу пайт унинг ёнида ёнида ўтирган Замира янга синглисининг сонидан чимчилади ва лабини тишлаб, бош чайқади. Бу ишорани тушунган Раҳима хола дарров ўзгариб, илжайганча юмшоқ оҳангга ўтди: – Бўлди, қудағай, бўлди. Тўққизни ўтқазиб олайлик, кечиминан эртага абитгача бир кийим тоза материал биздан!

Вазира хола меҳмонларга ишонқирамай қаради.

– Эртага келиб текшириб кетаман-а... Хўш... – Навбатдаги бўғча очилди. – Туфлилар... Ие, бор-йўғи уч парами? Бу нима деган гап? Нима, сизлар бизни мазах қилаяпсизларми?

– Қудағайжон, тўққиз жуфт олмоқчийдик, – шоша-пиша изоҳ беришга уринди Раҳима хола. – Лекин келини-

мизга қандай фасон ёқишини билмаганимиздан қолганини тўйдан кейин ўзига олдирмоқчи бўлдик. Куёвингиз айтган экан, бу гап келингайм маъқул бўлибди.

Бу гапдан қониқиш ҳосил қилмаган, энг асосийси – ишонмаган Вазира хола синглиси Холида холага саволомуз қаради. Холида хола шоша-пиша бош ирғади.

– Майли, – деб қўйди Вазира хола. – Бу номерларинг ўтди ҳисоб. Лекин кейин ўзим буням текшириб кўраман. Агар алдасаларинг... Ие, ие... пальто қани? Кашмири пальто қани, қудағай?

Бу хитобни эшитган Замира янга синглиси Раҳимага мўлтираб қаради, гўёки “Ўзинг қутқар!” демоқчи бўлди.

Раҳима хола яна отни қамчилади:

– Ҳозир ёз бўлса, қудағай...

Чуқур нафас олган Вазира хола гапни пичингдан бошлади:

– Нима, бу йил куз-қиш келмасмиши?

– Келади, албатта келади, – бидирлаб кетди Раҳима хола. – Лекин унга довур модалар ўзгариб кетса фалон сўмлик пальто шифонерда туриб қолмасин деб... Худо хоҳласа, тўй ўтсин, келинимиз ишласин, ана ундан кейин, қишга яқин келин-куёв қўлтқилашиб бозорга бориб, ўзларига мосини танлаб олса ярашади...

Вазира хола ногоҳ қадини ростлади, бўлғуси қудаларига адоқсиз нафрат ва ғазаб билан қаради. Аввал ўнг қўлини белига тиради, кечин чапини. Шундан кейингина гулдуреган овозда бобиллаб берди:

– Ҳо, гулдай қизимизни сизларга ишлаш учун бера-япмизми? Бекорларнинг бештасини еписизлар! Сизларга текин хизматкор керак бўлса, бошқа ерга боринглар! Нозима ишламайди, ўтиради кенг уйнинг келини бўлиб! Керак бўлса эри боқади!

– Ҳалиям, қудағай, ҳалиям, – иккинчи марта қовун туширганини англаган Раҳима хола роса ўсал бўлди.

Вазира хола синглиси, келиннинг онаси Холидага саволомуз қаради. Холида хола яна бош ирғаб қўйди.

Энди ҳужумни кучайтирмақчи бўлган Вазира хола бирдан ўзини тўхтатди ва куёв тарафдан келган нарса-ларни ғазаб билан кўздан кечиришда давом этди. Бирдан аёл чинқариб юборди:

– Вой, тилла қани?

Гап нимадалигини англаган Раҳима хола титраб-қақшаб тушунтиришга уринди:

– Айтдик-ку, келинимизни эсон-омон уйга обориб олганимиздан кейин...

Энди Вазира холани тўхтатиб қоладиган куч йўқ эди.

– Бас! Бунақа чўпчакларингизни айтишга бошқа овсарларни топинг! Биз патир ушатиладандаёқ айтиб қўйганмиз: буюмларнинг устига ё тилла зирак, ё тилла сепочка қўйиб келасизлар деб. Қани? Кўрмайпман. Ё яна кўзим хиралашиб қолдимми?

Даврадаги аёллардан бири Раҳима холага мурожаат қилди:

– Рост-да, айланай. Тилла кўринмаяпти-ку. Ана, ўтган ҳафта Ўроқ тегирмончининг қизига тўққиз келди. Бордик. Куёв томон тўққизта коробка устига нархи бир ярим миллион сўмлик сепочка қўйиб келибди. Ана уни хурмат деса бўлади, ана уни иззат қилиш деса бўлади.

Сал ўзига келиб улгурган Раҳима хола бўлғуси қудағайларни гап билан ўхшатиб чақиб олиш фурсати етди деб ўйлади шекилли, ҳозиргина гапирган аёл томон энгашиб, уйда тайёрлаб келган хабарини тўкиб солди:

– Бизнинг қишлоқдаям биттаси келиннинг тўққизига икки миллион сўмлик бриллиант кўзли сирға қўшиб берганди. Кейин нима бўлди денг? Бир йилга етмай ажрашиб

кетишди. Холажон, муҳими икки ёш бахтли бўлсин. Тилла топилади...

Аммо Вазира хола бунақа маҳаллари ўз талабида қоядай қаттиқ туриб оладиган аёллардан эди. Ҳозир ҳам ҳеч қандай эътирозга ўрин қолдирмайдиган оҳангда буйруқ берди:

– Марҳамат қилиб ўша топиладиган тиллани ҳозироқ манави бўғчангиз устига қўймасангиз, қудағайжон, сиз билан хайрлашимизга тўғри келади. Мен ҳазиллашмаяпман... Э, одамнинг ҳар нарса бўлгани яхши. Кудаларим индамас бечоралар экан деб босиб, топтаб, янчиб ўтиб кетаверасизларми? Шуми одамгарчилик? Гап шу: ҳозироқ тиллани қўймасангиз ашқол-дашқолингизни кўтариб қайтиб кетаверинглар. Менинг кўчада қолган жияним йўқ! Инсоф ҳам керак-да ахир! Туфлини майли дедик, пальтогаям кўндик. Лекин тилла масаласида бизни аҳмоқ қила олмайсизлар!

Раҳима хола энди ростакамига ялинишга ўтди:

– Қудағай, айтдик-ку...

– Бўлди, бас, мен айтадиганимни айтдим! Бошқа гапнинг кераги йўқ!

Вазира холанинг тўнини тескари кийиб олганини кўрган Раҳима хола жовдираб опасига қаради. Замира янга бир зум эсанкираб қолди, сўнг шоша-пиша қулоғидан балдоқли сирғасини ечиб олиб, бўғча устига қўйди.

– Тоза олтин бу, қудағайжон, – деди Замира янга товуши титраб.

Вазира хола сирғаларни қўлига олиб, диққат билан кўздан кечирди. Сўнг гўё пробасини кўраётгандай чироқ томон юқори кўтариб, ички қисмларини ҳам текшириб чиқди.

Сал чиройи очилган Вазира холанинг юзида табасум шарпаси кўринди.

– Бу бошқа гап... Энди, қудағайжон, стенка масаласини гаплашиб олсак.

Ҳайратдан Раҳима холанинг оғзи очилиб қолди:

– Стенка?

Даврада ўтирган бояги аёл қўшимча қилди:

– Ҳа, ўргилай, ҳозир ҳамма жойда стенкани куёв тараф олиб бераёпти...

Бу пайтда эса...

Эркаклар хонасида гурунқ қизиган. Гоҳ об-ҳаво, гоҳ бу йилги ғалла, гоҳ нарх-наво. Ишқилиб, гап топилади. Ниҳоят косалар олингандан сўнггина, ҳўриллатиб чой ичиш асносида жойлашиброқ ёнбошлаб олган Аширмат тоға мақсадга ўтди.

– Энди гап бундай. Биласизлар, қишлоғимиз катта. Икки минг хўжалик яшайди. Ҳар бир хўжалиқдан бир одам келиб-кетсаям шу ернинг ўзидан икки мингта кўноқ нақд дегани. Олис-яқиндан келадиган кўноқлар ҳам шунга яраша. Майли, сизларни кўп қийнамаймиз. Қиз вечерига бир каттароқ, тўрт-беш яшар буқа, иккита кўй берсаларинг бўлади. Шунга яраша ўн яшик тоза ароқ, бешта коньяк, ўнта шампан, бешта вино, сув сизлардан. Артист билан видео ўз-ўзидан куёв тарафнинг бўйнида. Буни айтиб ҳам ўтирмайлик. Хўш, нон-пишириққа деб яна уч-тўрт қоп висший сорт ун ташлаб кетсаларинг... Ана шунда сизлар айтган икки ҳафталик муддатда тўй қилсак бўлади. Ундаям ҳали хотинлардан сўраб кўриш керак, уларнинг тикиш-бичишлари битай деб қолганми ё ҳали чалами?

Сайдулла ака ўтирган жойида безовталаниб бир тўлғаниб қўйди ва Худойберди акага қаради. Худойберди ака узоқ муддатли урушга шайланган жангчидай чўк тушиб ўтириб олди.

– Аёллар тикиш-чатишини битирмаган бўлса, икки ҳафта ичида битиришади, қуда. Лекин, қуда, битта қиз вечерига шунча дов-дастак кўплик қилмасмикан?

– Камлик қилса қилади, лекин кўплик қилмайди. Ҳалиям сизларни аяб, кўп нарса айтиб ўтирмадик.

Бу гапларни эшитиб ўтирган Ҳожи бобо безовталаниб йўталиб қўйди. Аширмат тоға унга саволомуз қаради:

– Бир нарса демоқчимисиз, Ҳожи бобо?

– Демоқчиман. Ўтган ҳафта мачитда қишлоқнинг беш-олти оқсоқоли йиғилишгандик, – дея гап бошлади бир йўталиб олган Ҳожи бобо. – Шу... тўйларда тартиб ўрнатайлик. Ахир кейинги пайтлари тўй қилаётган ҳамқишлоқларимиз жуда қийналиб қолиб қарзга ботишяпти, бунинг устига уриш-жанжаллар сабабли тўй эгаларининг юзи шувит бўлиб қолаяпти... Ишни “Қизлар мажлиси”ни тартиб солишдан бошлайлик, деган қарорга келгандик. Ўзи бу ерга шу гапни айтиш учун келгандим, Амирбой. – Ҳожи бобо нима учундир ўзини тўй раиси санаб юрган Аширмат тоғага эмас, келиннинг отасига қараб гапирарди. – Қўл учиди амал-тақал кун кўраётган хонадон учун сарф-харажати каттагина бир тўйдан ҳам ошиб кетгучи “қиз мажлиси”ни ўтказиш осон эмас...

Гап қаёққа қараб кетаётганини сезган Аширмат тоға бирдан орага қўшилди:

– Беш-олтита чол шунақа висир-висир гап қилиб юрганини эшитгандик, Ҳожи бобо. Лекин, келиб-келиб ишбузуқиликни биздан бошлайсиз деб кутмагандим. Биласиз, ҳар ота-онанинг ўз орзу-ҳаваси бўлади. Қолаверса, қизнинг ҳам.

– Ҳеч ким орзу-ҳавасга қарши эмас, Амиржон. – Ҳожи бобо ҳамон қатъий ўжарлик билан келиннинг отасига мурожаат қиларди. – Албатта, бир парча этни едириб-ичириб, кийинтириб, ўқитиб, то одам қилгунча ота-онанинг бўлари бўлади. Ана энди шу қизнинг “Мен бошқалардан камманми?” дея данғилама тўй ҳам қилиб беришларини талаб қилиб туриб олиши инсофданмикан? Энди ўн саккизга кирган қиз ўзи мустақил пул ишлаб, бир каттакон тўйга етарли пул ишлаб топдими? Қаёқда! Дейлик, қизингизнинг ишонгани – ота-онаси. Бечора ота-она кимларга эгилиб қарз сўраб боради, кимларнинг қошида сарғайиб туради – бу уни қизиқтирмайди... Амиржон, қиз мажлиси деганинг билан стол тўрига келин-куёвни ўтқазасан. Шундайми? Шундай. Эл қатори. Ваҳоланки, эртаси кун кечқурун худди қизинг энди куёв тарафдаги тўйда ҳам худди шу либосида дастурхон бошида ўтиради. Нима, қизинг икки маротаба турмушга чиқадими?... Бунинг устига... Мусулмонмиз. Ахир тўй бўлиб ўтгунга қадар куёв бўлмиш қайнота-қайнона кўздан сал панароқда юриши, бўлғуси қайнотаси ёки қайнонаси бор жойга қадам босмаслиги жоиз. Сизнинг комсомолча қиз мажлисингиздаги тўкин дастурхонингиз бошида эса ҳали никоҳдан ҳам, расмий қайддан ҳам ўтмаган куёв бемалол бўлғуси қайнота-қайнонаси билан ўтиради. Ўтириш ҳам гапми, ейди-ичади, ўйнайди-кулади! Ароқ сипқоради! Инсофданми шу, иймонданми?

– Ҳожи бобо, нима, сиз бу ерга пишиб турган ошни тўкиб ташлагани, тўйни бузгани келганмисиз? – қаҳр билан бақириб юборди Аширмат тоға. – Нега ўзингиздан ўзингиз бир нарсалар деб валдираб ётибсиз? Ё укамнинг бошқалардан кам жойи борми?

Ҳожи бобо бу сафар ҳам нимагадир Аширматга эмас, келиннинг отаси Амирга мурожаат қилди. Гўё Ҳожи бобо учун хонада Аширмат деган дам йўқдек эди:

– Шунча харажат... Ортиқча чиқим... Пулни осмонга сочиш билан баробар-ку бу... Бизнинг сизга ўхшаганларга

раҳмимиз келганидан, сизларга ачинганимиздан бунақанги тўйларга бормасликка қарор қилдик, Амирбой... Қудангиз ўзингизга ўхшаган тракторчи эканлар... Майли, агар жуда ошиб-тошиб кетаётган экансиз, ёш келин-куёвни саёхатга жўнатинг, ўқитинг, уларга уй олиб беринг, тадбиркорлик қилишлари учун шароит яратиб беринг... Ахир қизингиз Туркистон ёнки Иссиққўл уёқда турсин, Бухоро ёки Хивани кўрмагани чин-ку! Дунё кўришсин фарзандларимиз! Ўқишсин фарзандларимиз! Ота-онасининг бўйнидаги отнинг калласидай қарзни ўйлаб, эзилиб юришмасин фарзандларимиз...

– Э, намунча “қарз-қарз”лаб қолдингиз, Ҳожи бобо?! – Ёмон аччиғи чиққан Аширмат тоғанинг юзи қип-қизариб кетди. – Менинг укам ўладиган жойда эмас! Тўғрими, ука?

Амир ака бир Ҳожи бобога, бир акасига иккилаб қараркан, нованиқроқ тарзда гўлдирди:

– Тўғрику-я... Қизимизнинг ҳам ўз орзу-ҳаваси бор... Дугоналарининг қиз мажлисларига борган, кўрган... Мендан хафа бўлиб қолмасмикан...

– Тўй бизники, Ҳожи бобо, сизники эмас! – Соғ кўзи чақчайиб кетган Аширмат тоға яна қаттиқ-қаттиқ гапиришга ўтди. – Агар тўйимиз эл қатори ўтмас экан, қишлоққа ўт қўяман! Нима, бошқалардан кам жойимиз борми? Чўлоқмизми, инвалидмизми? Ё айбимиз менинг битта кўзимнинг йўқлигимми? Худога шукр, кал бўлсак ҳам кўнглимиз нозик. Камбағал бўлсак ҳам ўзимга яраша орзу-ҳавасимиз бор! Бировлар келиб-келиб бизнинг тўйимизга бурунларини тикиб юришдан аввал ўзларининг қизларини, невараларини ўйласин! Бизнинг оғирлигимиз бировларга тушмай қўя қолсин! Қийналиб қолсак, қариндош-уруғларимиз бор. Худога шукр, вақтида барига эл қатори тўёнасини бериб, ўтказиб қўйганмиз. Оладиган тўёнамизнинг ўзига ям иккита данғиллама тўй қилишга кўрбимиз етади!.. Қиламизам! Ка-атта тўй қиламиз! Артистнинг ҳам ка-аттасидан опкелтирамиз! Опкелмай ҳам кўришсин-чи! Кўролмаганларни куйдириб бўлсаям ка-атта тўй қиламиз!.. Ўзи камбағалга кун йўқ экан, Ҳожи бобо. Нима, Ҳақим фермер билан Сувон бензин олдиндан сиз чолларнинг оғизларингизни мойлаб қўйган-да, қиз вечерини қандай хоҳласа, шундай ўтказсаям миқ этмагандиларингиз...

– Бундан юз йил бурун Беҳбудий “бизни инқирозга ва таҳликага ва жаҳаннамга юмалататўрғон тўй, азо исмидаги икки қаттол душман” деб айтган, иним, – дея насиҳатомуз оҳангда узоқдан гап бошлади Ҳожи бобо. – Эллик йил бурун Абдулла Қаҳҳор...

Аммо Аширмат тоға уни гапиргани қўймади.

– Менга қаранг, Ҳожи бобо, менинг аниқ бир саволимга аниқ жавоб беринг: шу Беҳбудларингизу анави, нима эди, Абдулламиди, ўшаларингиз, нима, элдан ажралиб, бошқача тўй қилишганми? Билмайсиз-а? Сиз билмасангиз, мен аниқ биламан: қилишмаган! Эл қатори қилишган! Элдан ажралиб қолмаган! Бу шунчаки оғиздаги гап, сиёсат. Аниқ!

Ҳожи бобо Аширмат тоғанинг кўзларига тик боқди:

– Қилишган! Шунинг учун ҳам уларнинг номлари Беҳбудий, Абдулла Қаҳҳор бўлиб тарихда қолган.

Аширмат тоға бўш келмади:

– Мен учун, Ҳожи бобо, тарихда номим қолганидан кўра қишлоқда бошимни кўтариб юриш авлороқ.

– Ҳа, нодон-а, – Ҳожи бобо афсус билан бош чайқади.

– Майли, улуғларни қўйиб турайлик. Лекин мен қилдимку шундай тўйни. Ўғлимни уйлантирганимда столга ароқ қўймадим-ку!

Аширмат тоға ногаҳон қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди.

– Э, гапирманг, Ҳожи бобо, гапирманг! У тўй бўлмади. Одамлар аниқ ноиложликдан ўлик чиққан уйда музлаб ётган уйингизга ўлганларининг кунларидан бир кириб-чиқишди, холос. Шундаям ҳожилигингиз ҳурматига.

Маъно тортиб қолган Ҳожи бобо бош эгди. Сўнг яна барибир Амир акага тик қараб, аста шивирлади:

– Мен сизга яхши бўлсин дегандим, Амирбой...

Аширмат тоға қаҳр билан бўкириб юборди:

– Э, бировнинг ғамини егандан кўра, аммо-лекин Ҳожи бова...

Бу очикдан-очиқ ҳақорат эди. Ҳожи бобо ҳансираб нафас олганча, ғазаб билан Аширматга қаради:

– Э, тўйинг ҳам бошингдан қолсин!.. Кетдим-э! Эчки гўштинг совуқлигимни ошириб юборди!

Шундай дея Ҳожи бобо ўрнидан учиб турди ва шоша-пиша хонадан чиқиб кетди. Амир ака унинг ортидан интилди, аммо Аширмат тоға бир ғазабли боқишда уни жойига ўтказиб қўйди.

– Кетса кетаверсин! – Оғзидан тупук сачратиб гапирди Аширмат тоға. – Ўзи келган ёр-ёр, ўзи кетган ёр-ёр! Бу ерда аниқ унга ҳеч кимнинг кўзи учиб тургани йўқ эди. Бунинг устига чақирилмаган жойга фақат аҳмоқ одам келади. Яна бу кишим ҳожимишлар! Настроенияни тузишдан боқасига ярамайди! Ичи қора-да, ичи қора! Ўзи мактабда “тарих, тарих” деявериб ҳаммамизнинг миянғхато қилиб қилиб ташлаганди. Пенсияга чиққанидан кейин қутулаимизми десак, мана, энди Ҳожи бобо бўлиб олиб қариллагани-қариллаган. Бемаҳал қичқирган хўроз!.. Бўлди. Гап тамом! Аниқ ишга ўтамыз! Демак, гап бундай. Ўша гапим – гап! Айтганимизни қилсаларинг тўй бўлади, бўлмаса, ана, катта кўча!..

Эркаклар музокараси бир соатдан ортиқроқ давом этди. Аширмат тоға барибир айтганида туриб олди. Куёв тарафдан келганлар қийинчилик билан бўлса ҳам аста-секин ён бера бошлашди. Аширмат тоға олдиндан бериб қўйган рўйхатига яна нималарнидир қўшса қўшдики, асло камайтирмади. Ахийри бир битимга келинчақ, меҳмонларга жавоб берилди.

“Дамас” ёнига чиққанлари маҳал Файзулла букчайиб турган акасига ачиниб қаради. Бу пайтда Худойберди ака юк машинасининг ортага қайрилиб олишига йўл кўрсатаётганди.

– Даҳшат-ку бу, ака. – Бу гап беихтиёр Файзулланинг оғзидан чиқиб кетди. – Бунақада Эргаш Каримовга ўхшаб жинни бўлиб қолиш ҳеч гап эмас.

Сайдулла ака бу гапга жавобан қулимсираб қўйди:

– Битта “қиз вечер”га жинни бўлиб қолсанг... Айтдимку, шаҳарликсан, пўконингдан ел ўтмаган деб. Шу пайтгача ота ўрнига ота бўлиб бунақанги расм-русумларга сени аралаштирмай юргандим-да, Мана энди вақти келди. Тўй кўпчилик билан. Кўриб турибсан, икки юз минглар урвоқ ҳам бўлмайди.

Файзулла қизариб кетди:

– Тушундим, ака. Мен ҳаракат қиламан. Лекин, биласиз, биз ойликка яшаймиз...

– Бизда ўша ойлик ҳам йўқ, – истехзоли илжайди Сайдулла ака. – Ҳалиям мол бор, шу бизни боқади. Тракторимниям сотиб юбордим.

– Йўғ-э?

– Беш ярим миллионга кетди, – деди Сайдулла ака фаҳр билан. – Ўзиям битталаб териб чиққандим-да. Учиб кетарди ўзиям. Худойбердининг дулдудидан ўтса ўтардики, қолишмасди.

Шундай дея Сайдулла ака “Москвич”га ишора қилди.

– Ишқилиб, тўйга етадими?

Сайдулла ака бош чайқади:

– Камида яна шунча керак, ука... Сен ҳали нонни “нанна” деб юрибсан-да. Хуллас, бир-бир ярим миллион демайман, беш юз мингча бериб тур. Қарзга. Яхши кунларингда қайтараман.

– Хўп... хўп... – дея олди бунақа бўлишини кутмаган Сайдулла.

– Цехингда ортиқча станок-птанок йўқми, олиб чиқиб сотиб юбор. Ана пул!

Сайдулла чўчиб кетди:

– Йўғ-э, бунинг сира иложи йўқ!

– Қўрқма, – деди Сайдулла ака. – Айтдим-қўйдим-да... Хайрият, аёлларга ҳам жавоб теганга ўхшайди.

Дарҳақиқат, кенг очилган дарвоза ёнида аёллар қуршовида чиқиб келаётган Замира янга билан Раҳима хола кўринишди. Сайдулла ака кафтларини бир-бирига ишқади.

– Сен аёлларни олиб тўғри уйга ҳайдайвер. Орқангдан етиб борамиз.

Замира янга билан Раҳима хола мезбон аёллар билан куюқ, кудағайлари Вазира хола, Холида холалар билан кучоқлашиб, ўпишиб хайрлашишди. Аёллар оғзидан бири-иккинчидан ширин эшитилаётган “Боринглар-а... Яхши етиб боринглар... Соғинтириб қўймасдан тез-тез келиб турунлар... Куёвимизга салом айтиб қўйинг” қабилдаги хитоблар янгради. Шундан сўнг Замира янга билан Раҳима хола “Дамас”га чиқишди. Сайдулла кўлини кўксига қўйган қўйи аёллар билан хайрлашиб, эшикни ёпди.

Машина мотори ўт олган заҳоти Раҳима хола ғазаб билан вишиллади:

– Қизларингни олиб борай, ана ундан кейин мендан кўрадиганини кўради! Бир аламимдан чиқай, бир аламимдан чиқай! Эрмакка йиғлатаман!..

Замира янга синглисига қараб лаб тишлади, бош чайқаб қўйди. Машина куюқ чанг кўтариб олдинга юрди.

Сайдулла туман марказидан бўлғуси куёв йигит, йигирма ёшлардаги Мардон билан “Дамас”га бир амаллаб икки той пахта ортиб келди. Юкни тушириб, ховлига олиб киришди. Шундан кейин кийимларига ёпишган пахталарни териб олаётган Сайдулла чеккароққа ўтиб, офтобада кўлларини ювгач, акасининг ёнига борди.

– Ака, энди мен қайтсам. Эртага иш. Айтгандим-ку, ойнанинг охири. Менга нима хизмат бўлса бемалол айтаверасиз, тўйдан бир-икки кун олдин келиб, хизматда бўламан.

Сайдулла ака бир муддат мулоҳаза юритгандай лабларини сассиз қимирлатиб турди. Сўнг мақсадга кўчди:

– Хизмат дегин... Ука, менга қара. Тракторниям пуллаб юбордим. Тўй олтидан мингта ташвиш. Барибир бир транспорт керак бўлади. Шунга тўй ўтганча машинанинг ташлаб кетсанг. Нима дейсан? Ўзим авайлаб миниб турардим.

Узоқроқ ўйланиб қолса акаси хафа бўлишини англаган Сайдулла дарҳол рози бўлди:

– Хўп бўлади, ака.

Сайдулла ака мамнун кулимсиради:

– Ундай бўлса, тез кийиниб чиқ. Сени райсентрга обориб қўяман. Тўғри Тошкентга қатнайдиغان маршрутқа-

лар бор. Йўл-йўлакай Сафар аканикига ҳам кириб ўтамиз. Кеча оқшом бечоранинг хотини қазо қилиб қолибди. Бугун чиқаришган.

Сайдулла юзига фотиҳа тортаркан, исми айтилган одамни кўз олдида келтиришга уринди, аммо буни уйдаялай олмади.

– Қайси Сафар ака?

– Э, сенинг эсингдан ҳам чиқиб кетган бўлсанг керак. Она томондан узоқроқ қариндошимиз бўлади. Кўп йил катта-кичик амалларга илашиб юрди. Уч йилдан бери сельхозтехникада зам. Тракторни хусусийлаштириб олишимга ёрдами теганди. Фотиҳа қилиб чиқсак, кейин чойга чақиришимга ҳам осон бўлади.

– Чойга? – ҳайратланиб сўради Сайдулла. – Агар эсимдан чиқмаган бўлса, бир пайтлар армиядан келганлар чойга чақирилари.

Сайдулла ака укасига ачиниб қаради:

– Эл-юртга қўшилмаганидан кейин шу-да. Ахир Сафар аканинг хотини ўлди, шундайми?

– Хўш, хўш? – Сайдулла ўзига шу пайтгача номаълум зўр бир янгилик эшитадигандай акасига диққат ва камоли эҳтиром билан қаради.

– Мен бўлса тўй қилаяпман. Шундайми? – Сайдулла ака яна ҳам салмоқланиб гапира бошлади.

– Хўш, хўш?

– Хўш-хўшламай тур. Мен сенга сигирманми... Хуллас, мен Сафар акани ҳам тўйга чақиришим керак. Шундайми?

– Шундай.

– У киши азали-ку. Демак бизнинг тўйга келиши олтидан у кишини чойга чақириб, бир қўй сўйишим керак. Кейин шундай-шундай, тўй қилаяпман, дейман. Ана ундан кейин Сафар ака тўйга келаверади.

Барибир ҳеч нарсани тушунмаган Сайдулла ҳайрон бўлиб қолди:

– Нега?

– Ахир мен у кишини чойга чақириб, қўй сўйдим, овқат қилдим, – ҳижжалаб тушунтиришга ўтди Сайдулла ака.

Сайдулла елка қисди:

– Агар... қўй-пўй сўйиб, чақириб ўтирмасдан, тўғри бориб тўйга чақираверсангиз-чи?

– Бу ўтакетган одобсизлик бўлади, – дея кескин бош чайқади Сайдулла ака. – Аввал чойга чақираман, кейин тўйга.

Сайдулла нималарнидир мулоҳаза қилган қўйи бир муддат ўйланиб туриб қолди, кейин тилга кирди:

– Сафар ака деганларининг қариндош-уруғлари кўпдир?

– Ҳа, кўп. Ўзимизнинг уруғдан-да. Бунинг устига кичкина бўлсаям амали бор.

– Унда бирон йигирма-ўттиз киши чойга чақирар у кишини.

– Бемалол камида эллик деявер.

– Демак, – Сайдулла акасига ажабланиб қаради, – Сафар ака камида эллик кун меҳмондорчиликка бориб, қўй еб келаркан-да.

Сайдулла ёш болага ақл ўртагаётгандай оҳангда укасига гап ўқтиришга тушди:

– Меҳмондорчилик эмас бу, чойга чақириш, дедим-ку.

Сайдулла бўш келмади:

– Бунинг фарқи борми?

– Бор.

– Қанақа?

– Ҳм... меҳмондорчиликда анави бўйни йўғондан қўйилади, чойга чақиришда эса йўқ.

– Катта фарқи бор экан, – дея Файзулла кулиб юборди. – Майли, мен тез чиқаман.

Сайдулла шошиб уйга кириб кетаётган укасининг ортидан ачиниш билан қараб қоларкан, афсуслангандай бош чайқади:

– Шунақанги оддий нарсаларниям билмайсан-а, ука...

* * *

Сафар аканинг уйда туман марказида экан. Икки қаватли, дабдаба билан қурилган ҳовли бошқа уйлар орасида ажралиб турарди.

Кун жуда иссиқ бўлишига қарамасдан каттагина ҳовлига палаткалар ўрнатилибди. Ҳовлининг нақшинкор дарвозаси ёнида басавлат, галстук таққан Сафар ака бошчилигидаги бир гуруҳ чопон кийган эркаклар таъзияга келувчиларни қарши олишяпти.

“Дамас”ни чеккароққа, кун тигига қўйган Сайдулла ака таъзияни қабул қилаётганлар ёнига Файзуллани бошлаб келди ва Сафар ака билан кучоқлашиб кўришди. Файзулла ҳам шундай қиларкан, “Бандалик” деб қўйди. Ака-ука азадорлар қаршисидаги ўриндиқа ўтиришди. Мулла Қуръондан сура ўқиди.

Фотиҳадан кейин ака-укани жизғинаги чиқиб ётган палатка ичига таклиф қилишди. Палатка ичидаги катта жойга икки қатор қилиб кўрпачалар тўшалган. Ўртада тўкин дастурхон: мева-чева, қанд-курс, тарвуз-қовун.

Ака-ука иссиқда терлаб-пишиб овқатланаётган одамлар ёнига бориб ўтиришди. Сайдулла ака ёнига келтириб қўйилган чойнақдаги чойни қайтариб, укасига бир пиёла чой узатди. Дарҳол катта-катта косаларда сергўшт шўрва олиб келишди. Юзидан ёғилаётган терни артаётган Файзулла юзасида ёғи сузиб юрган овқатга қараб қолди.

– Овқатни қолдирмай еб қўйиш керак, ука, – деди Сайдулла ака насихат оҳангида. – Савоб бўлади.

– Шундай иссиқда... – чайналиб қолди Файзулла. – Қўй гўшти давленияни кўтариб юборади.

– Ўзи эрталаб келсак бўларкан, – деди аллақачон овқат тановул қилишга киришган Сайдулла ака. – Сафар

ака ҳар бир келган одамга уч мингдан тарқатибди. Чолларга пулдан ташқари белбоғ, калиш берибди.

Файзулла баттар ҳайрон бўлди:

– Пул тарқатиш ҳам расм-русумларимизга кирадими?

– Албатта, – оддий ҳақиқатни гапирётгандай пинак бузмай жавоб қайтарди Сайдулла ака. – Одамлар хурсанд бўлади, ўлганнинг ҳақиға дуо қилади. Ўтган ой отаси ўлиб қолганида Аббос заправкачи келганларнинг ҳар бирига беш мингдан тарқатган. Буям кам кўринганми, келганларга тобут кўтарилмасдан бурун овқат берган.

– Ўзи янга нимадан вафот этибди, – қизиқсинди Файзулла. – Касалмиди?

– Йўқ, соппа-соғ эди. Ухлагану уйғонмаган дейишяпти. Шундай иссиқда...

Файзулла бир қошиқ ёғли шўрвани оғзига олган маҳали бу гапни эшитиб қалқиб кетди.

– Юракмикан?

– Ким билади дейсан? Лекин Сафар аканинг чиройли хотинларга суяги йўқлиғиям бор гап. Биронтаси келиб тўполон қилган бўлишиям мумкин. Лекин ўлганга қийин, тирик қолган кунини кўраверади...

Шоша-пиша қошиқни дастурхонга ташлаган Файзулла сесканиб атрофга аланглади. Терлаб-пишиб овқат еяётган одамлар. Тўй дастурхони каби безатилган дастурхон. Файзулла сал энгашиб ташқарига қаради. Юзи ёғдан йилтираб кетган Сафар ака навбатдаги таъзияга келган одам билан кучоқлашар экан, билинар-билинемас эснаб қўйди... Буни кўрган Файзулла учиб ўрнидан туриб кетди.

– Нима бўлди, ука? – ҳайрон бўлиб сўради Сайдулла ака.

Файзулла аранг гапира олди:

– Мен ташқарида бўламан.

– Йўлга чиқасан-ку, ука, қорнингни тўқлаб ол.

Аммо Файзулла акасининг гапини эшитмагандай шоша-пиша ташқарига чиқиб кетди. Сайдулла ака укасининг ортидан бош чайқаб қолди:

– Одамгарчилик йўқ сен болада, одамгарчилик...

Ошиғич тарзда машинаси ёнига борган Файзулла эса бир амаллаб “Дамас” ортига ўтди-ю, шу заҳоти ўқчиб юборди...

Давоми келгуси сонда





Дилором ИСМОИЛОВА

Юракни қуш каби уйғиргим келар



* * *

*Кўлим тутгим келди юзинг ўтига,
Кўзларинг чўғига исингим келди.
Кўкда бўлсанг тушгин, ерда бўлсанг чиқ,
Согинчлар кўнглимни минг жойдан тилди.*

*Йиллар – кипригимга илинган шабнам,
Кунлар қабогимда ёнгоқ чақади.
Савол зардобига тўлади юрак,
Кўксим азоблардан гуллар тақади.*

*Бир етим боладай ўксидим бу кун,
Бугун жуда қаттиқ билинди ўрнинг.
Дилим, бу дунёга келиб не топдинг,
Айрилиқ, согинчдан ўзга не кўрдинг.*

*Ишқинг кўксимдаги хазинам яккаш,
Тил – сўзга келолмай титраган япроқ.
Юрак – муҳаббатни кўтара олмай
Йиртилиблар кетган қип-қизил қуроқ.*

БОҒДА

*Нечун тарозини бузар дарахтлар,
Бошига баҳорлар келиб турганда.
Бадроқдай очилмас боғнинг кўксиди,
Қуёшжон чарақлаб кулиб турганда.*

*Манов дарахт ҳануз қишки уйқуда,
Новдалари – қотиб ухлаган одам.*




*Нега уйғонмайсан, нега кулмайсан,
Қошингга келганда наврўзи олам.*

*Бу дарахт баридан эрта турган қиз,
Бармоғида оппоқ гуллардан узук.
Бирам ярашганки, кўзинг қувонар,
Кўкси бўртиб турар, кўзлари сузук.*

*Мен ҳайронман, кезиб боғнинг қўйнида
Кўзлар – тарозунинг икки палласи.
Ҳамма дарахт бирдек уйғонмас нечун?
Шундай гўзал чоғда, кўкдам палласи.*

*Ҳой дарахт, бир кулиб очилмайсанми?
Гулларингни олиб учсин шамоллар.
Ёқимли атирдек сочилмайсанми?
Қаламқош ёр томон кетсин хайллар.*

*Мен ҳам бир дарахтман тупроқ устида
Кўкрак қафасимда сайрайди булбул.
Юракни қуш каби учиргим келди,
Битта куртак бўлиб очилди кўнги.*



КЎНГЛИМ ОСМОН МЕНИНГ

*Кўнглим осмон менинг, бу осмон кўнги
На юлдуз, на ойга бўлади талош.
Келиб зулматларни парчалаб ташла,
Юрагимни ёрит, Озодлик – Қуёш.*

Ҳар дилда муқаддас туғга айлангин,
Юрак қадар баланд тутайлик сени.
Тошларга битилиб қолган ўтмишинг
Дунёга танитар ҳар бир тош, кентинг.

Сўзласанг тил озод, юрсанг қадаминг,
Хаёл озод бўлса қандай ярашар.
Дилларга хуррият кириб келган кун
Менинг бола кўнглим дарёдай тошар.

Қирғоғига сизмай кетади севинч,
Боладай югурғум шу қирғоқ бўйлаб.
Озодлик, мен сени соғинган эдим,
Озодлик, сен ҳақда боряпман ўйлаб.

АРМОН

Баҳор яшил кўнғирогин чалиб келди,
Чўққидаги муз кўксини қуёш тилди.
Бегим кунда чор атрофга қувонч илдим,
Лекин, она, боролмадим бошингизга.

Яшил майса қоплагандир қабрингизни,
Чучмомалар бегаганлар бағрингизни.
Қишда кўрпа бўлиб ётган хасингизни,
Кўтаргали боролмадим бошингизга.

Энди армон ўзни бошга болиши қилар,
Кўзга суртсам ҳатто гуллар нолиши қилар.
Фамдан куйган қалам қўлда хониши қилар,
Онажон, мен боролмадим бошингизга.

Хаёлан мен пойингизда тиз чўкаман,
Осмонман-у, армонлардан гоҳ чўкаман.
Ёдингизда маржон-маржон гул тўкаман,
Онажон, мен боролмадим бошингизга.

Онам ёди она қизни бўзлатади,
Хотиралар юрагимни музлатади.
Соғинчингиз Дилоромни куйлатади,
Онажон, мен боролмадим бошингизга.



МАЖНУНТОЛ

Яшил кўйлақларинг ҳилтираб кетди,
Йўлакда бўйларим кўрингач алҳол.
Кўзларинг пиртираб қарадинг менга,
Соғинганинг ростми мени, мажнунтол.

Битта инсончалик соғинчинг борми?
Япрогинг жимгина тушиди пойимга.
Бу менга айтолмай келган дардингми,
Ўқилмаган шеърим солди ёдимга.

Соғиниб кутгали арзирми жоним,
Йўлларга термулиб кутгали хушқол.
Мен-ку сени жуда соғинган эдим,
Сен ҳам соғиндингми мени, мажнунтол?

Яшил кўйлақларинг ҳилтираб кетди...

* * *

Оёгингга юзларимни босгим келди,
Килкилади кўксимдаги қотган жойим.
Меҳрмиди, бир товланди кўзларимда,
Офтобимсан, опажоним, менинг ойим.

Юрагимнинг бир четида шеър йиғлади,
Сўз йиғлади, кўз йиғлади сени кўриб.
Бошгинамда ҳис этдим мен қўлларингни,
Кўяр эдинг сочларимни ўриб-ўриб.

Қайда қолди қадрдоним болалигим,
Қайтгим келар қуриб битган ўша сойга.
Ёмғирларда ивиган гул-лодалигим,
Чиқсам дерди том устидан янги ойга.

Соғинчлардан тўлиб кетдим, тўйиб кетдим,
Келгин, ёнган бағримга бир тўйиб босай.
Сўнг майлига чиқмаганим ўша томга,
Чиқиб ойнинг ўроғига ўзим осай.

Юрагимнинг бир четида шеър йиғлади,
Юрагимнинг бир четида сен йиғладинг.



МИЛЛИЙ АНЪАНАЛАР ВА БАДИЙ ТАСВИР

Ҳар бир давр адабиёти ўз халқининг миллий қиёфасини, руҳиятини, тафаккур тарзини ўзида ифода этадиган бой маънавий бойликлардан ҳисобланган миллий анъаналар, урф-одатлар ва қадриятларни ўзида жамлаган халқ оғзаки бадиий ижоди сарчашмаларидан озикланиб, сайқалланиб тараққий этади. Негаки, халқ оғзаки ижоди бадиий тафаккур тараққиётининг барча босқичларида яратилган энг илғор ва ҳаётбахш анъаналарни ўзида мужассамлаштирган беқиёс хазинадир. Шу боисдан ҳам ёзма адабиёт билан халқ оғзаки ижоди ўртасидаги муносабатлар узоқ тарихга эга бўлган кўп қиррали ижодий жараёнлар ҳисобланади. Бугунги ўзбек насрининг бадиий ривожига ҳам ана шу адабий анъаналар муҳим ўрин тутаяди. Ёзувчининг халқ оғзаки ижодига хос маросим фольклори, миллий анъаналар ва қадриятлардан фойдаланиб ижод қилиши, унинг ўз асарларидаги миллий руҳни, миллат турмуш манзараларини ҳамда миллат кишиларига хос хусусиятларни жонли, ҳаётий ва таъсирчан ифодалашда муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, истеъдодли ёзувчи Тоғай Мурод ўз асарларида халқимизнинг бой маънавий мероси ҳисобланмиш маросим фольклори намуналари ва миллий анъаналаримизни ўз асарлари сюжет тўқимасига маҳорат билан сингдириб, уларнинг миллат кишиларининг ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини ўзига хос юксак бадиий талқин этганлиги билан ажралиб туради. Ўз халқининг миллий ва маънавий қадриятларини бадиий ифода этиш орқали маросимларимизнинг қадимийлиги, ҳар бир урф-одат ва анъаналаримизнинг замирида халқимизга хос эзгуликка интилиш ғояси мужассамлашганлигини кўрсатиб берди. Бу эса адиб ижодига ўзгача жозиба бахш этиб, унда жўшиб турган миллий руҳ, миллатимизга хос тафаккур ва юксак фазилатлар асарларнинг халқчиллигини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Тоғай Муроднинг миллий маросим фольклори намуналари, миллий анъана ва қадриятларни бадиий талқин этиш борасидаги ўзига хослигини биз талқин этмоқчи бўлган қиссаларнинг сарлавҳасидаёқ сезиш мумкин. Дарҳақиқат, сарлавҳанинг ўзиёқ кишини аллақандай сирли, кўнгилларга таскин берувчи ғаройиб оламга олиб киради. Қиссаларини мутоала қиларканмиз, ҳар бир асарда бирор ўзбекнинг маросими, анъана ва удумлари сюжетнинг бош йўналишини ташкил этганлигининг гувоҳи бўламиз. Масалан, «Юлдузлар мангу ёнади» қиссасида кураш, «Ойдинда юрган одамлар»да

никоҳ тўйи, «От кишнаган оқшом»да кўпқари тасвирланган. Албатта, шу билан бирга қиссада болалар фольклорига оид ўйинлар, алла, меҳнат қўшиқлари, Наврўз байрами, сумалак каби миллий анъаналарнинг ҳам ўзига хос йўсиндаги талқинини ҳам эътироф этиш лозим. Муҳими, адиб халқимизнинг маросим ва удумларини, анъаналарини тасвирлашда муайян бир изчилликка риоя қилган. Ана шу изчиллик эса анъаналар талқинининг ҳаётийлиги ва табиийлигини таъминлаган. Ҳар бир маросим, анъана ва урф-одатларнинг асарда ўз ўрнида муайян бадиий ният билан бевосита боғлиқ ҳолда берилиши ҳам адибнинг миллий маросим фольклори намуналарини, халқимизга хос миллий анъана ва қадриятлар табиатини чуқур билганини кўрсатади.

Адиб қиссаларида акс этган воқелиқда турли хил халқона урф-одат, маросимлар табиий оҳангда берилган бўлиб, бу халқ оғзаки бадиий ижодига хос тасвир йўсинларини ёдга солади. Ёзувчининг «Юлдузлар мангу ёнади» қиссасида Сурхон воҳасидаги миллий анъана ва маросимлар ғоят эҳтирос билан қаламга олинади. Қиссанинг ўғил тўй муносабати билан келтирилган жарчининг тўйга чорлов эпизоди билан бошланиши китобхонда ўзгача бир самимиятга йўғрилган кайфият уйғотади:

« – Одамлар-у одамлар, тоғда битган бодомлар, зшитмадим деманглар! Бугун ҳа-а-амма Зулфиқор полвонниқига суннат тўйига, ҳе-е-е-ей! Чў, жонивор!

Эгар қошига тўн солиб олмиш жарчи гузарма-гузар от ўйнатади. Хўжасоат қишлоғи аҳлини тўйга чорлади».

Жарчи тўй эгасининг номини овоза қилиб, эл-улусни тўйга чақиради. Бу эпизоднинг илдизлари халқимизнинг қадимий тафаккури орқали халқ оғзаки ижоди сарчашмаларига бориб тақалади. Жумладан, халқ эртак ва достонларимизда, бирон бир халқ иштирокидаги амалга ошадиган тадбир, маросим ёки анъанада мамлакат аҳолисига жарчи орқали хабар берилади. Масалан, маликанинг эрга тегиши, подшоҳни сайлаш ва ҳакозо. Асрлар оша яшаб келаётган бу анъана ҳозир ҳам юртимизда сақланиб келади. Қишлоқ аҳолисининг турли хил маросим ва тўйларида бу урф-одатга амал қилинади.

Адиб «Юлдузлар мангу ёнади» қиссасида кураш ҳақида ҳикоя қила туриб: ёнғоқ, ошиқ шумшак, қулоқчўзма, дўл, ғирбойди, чиллак, зувиллатар, яшинмачоқ, оқ суяк каби болалар фольклорига мансуб ўйинларнинг баъзи-

ларини санаб ўтади ва баъзиларининг ўйин тартибини бевосита тушунтиради.

Бундан ташқари болалар фольклорида муҳим ўрин тутган алла жанридан «Ойдинда юрган одамлар» қиссида жуда ўринли фойдаланади. Аслида ҳам аллалар икки вазифани бажариб келган: биринчиси – болаларни ухлатиш; иккинчиси – тарбиялаш. Аллалар оналарнинг минглаб авлодларидан бир-бирига ўтиб, сайқал топиб, оналик меҳрини, армонини ифодалаб келади. Шу жиҳатдан «Ойдинда юрган одамлар» қиссаси сўнгида Оймомонинг кўшинининг қизига айтган алласи қаҳрамоннинг ўзига хос руҳий кечинма, изтироб, кўнгил дарди, кўнгил нолалари бўлиб, ёзувчининг алла жанри орқали бадиий ниятини жонли, таъсирчан ифодалаши таҳсинга сазовор.

Ёзувчининг ўз асарларида алла жанридан фойдаланиши бир умр фарзанд доғида изтироб чеккан ўзбек аёлининг руҳий дунёсини очишда ҳамда асардаги миллий руҳни кучайтиришга хизмат қилиш орқали қиссанинг бадиий қийматини яна бир бор оширади ва халқчиллигини таъминлашда муҳим ўрин тутаети.

Урф-одат, маросим анъаналар халқнинг миллий қиёфасини кўрсатиб берувчи кўзгу ҳисобланади. Чунки улар маълум мақсадларга қаратилган бўлиб, эзгулик билан йўғрилган бўлади. Қадимда ҳам мазкур масалага жиддий қаралган. Жумладан, Конфуций таълимотида шундай дейилади: «Қадимдан жорий этилган маросимлар сақланмас ёки улар бекор қилинар экан, унда ҳамма нарса аралашиб кетаети, издан чиқаети. Никоҳ маросимини йўқ қилинг-чи, унда эр-хотинлик бўлмайди, бу билан боғлиқ катта-катта жиноятларга йўл очилади ёки дафн этиш ва қурбонлик қилиш маросимини йўқ қилинг-чи, унда болалар вафот этган ота-оналар хотирасини ўйламай тирикларга эса хизмат қилмай қўядилар».

Шу боисдан миллий маросим ва анъаналарнинг ўрнини чуқур англаган адиб ўз бадиий ниятини амалга оширишда ёзма адабиёт поэтикасини белгиловчи бадиий воситалар билан бирга халқ оғзаки ижоди жанрларида мужассамлашган бой маънавий қадриятларга, хусусан тўй маросимларига ҳам мурожаат этади.

Маросимларимизнинг тарихи эса жуда қадимга бориб тақалади. Айниқса, тўй маросимлари. Албатта, халқ орасида амал қилинадиган бундай маросим ва удумларнинг муайян тарихий асослари, ижтимоий вазифалари ва халқ ҳаётида тутган ўрни ўзига хос. Улар орасида никоҳ тўйи маросими алоҳида ажралиб туради. Тоғай Муроднинг «Ойдинда юрган одамлар» қиссаси сюжет тўқимасига Сурхон воҳасидаги никоҳ тўйи маросимини маҳорат билан сингдирганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Тоғай Мурод ҳам бу миллий бўёқларга бой асарини яратишда ўша қадриятлар мужассамлашган муҳит таъсирида бўлган:

«Юртимиз тоғ этагида Сўфи Оллоёр қабри бор.

Шу қабр қабаатида тоғчорбоғ бор.

Мен бир қишни ана шу юртим чорбоғида қишладим. Сўфи Оллоёр бобо билан қабатма-қабат ётиб, «Ойдинда юрган одамлар» номли қисса битиб келдим».

Умуман, унаштириш маросими ушбу қиссада ниҳоятда кенг ва атрофлича тасвирланади. Тоғай Мурод асар қаҳрамонлари Қоплон ва Оймомонинг никоҳ тўйи ҳақида гапираркан, совчи келиши, қариндошлар билан маслаҳатлашиш, қизнинг кўнглини билиш, қалинни келишиш, нон синдириш пайтидан бошлаб, тўй маросимининг бошидан охиригача баён этади. Айни пайтда шу маросим билан боғлиқ одатларга назар ташлаб ўтади. Шунингдек,

Наврўз байрами, сумалакнинг келиб чиқиши, уни пишириш усуллари, ёки Сўфи Оллоёр ҳазратларининг кимлиги тарихидан тортиб, ҳаммаси китобхонга маълумот етказиш характеридалиги билан ўша анъанага, урф-одат, маросимларни бадиий ифода қилиш баробарида халқнинг ўзига хос руҳиятини акс эттириб, ҳар бир миллат фарзандида миллий қадриятлардан фахрланиш туйғусини шакллантиради.

«Келинниқига кўрпа-тўшак матолари билан пахта келди...»

Бу, тўққиз деб аталди...

Келин пойандозни бир-бир босиб келди...

Қизлар келинга бўлишди, бўзболалар кувёзга бўлишди:

Кувёв чаққонлик қилиб, келин оёғини босди.

Бўзболалар ғолибона қаҳ-қаҳ урди:

– Кувёв босди, кувёв ўктам! – деди...

Ит ғириллатар,

Кампир ўлди,

Соч сийпатар,

Қўл ушлатар бўлди...

Ойна кўрсатар баридан-да завқли бўлди, баридан-да гаштли бўлди...»

Юқоридаги миллий қадриятларимиз тараннум этилган ўринлардан биргина ёзувчининг «оёқ босар»даги тасвирини изоҳлайдиган бўлсак, шу тасвирнинг ўзидаёқ адибнинг ҳар бир удумимизни акс эттиришда халқимизга хос эзгуликни асар руҳига сингдиришга ҳаракат қилганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Эътибор берилса, ёзувчи оёқ босганни оилада устун, сўзи ўтади деб эмас, рўзгорда ўктам бўлади, дейди. Шу билан бирга бундай ўзига хос тасвирлар китобхонда ўз миллатидан фахрланиш ҳиссини уйғотади.

Шундай қилиб, Тоғай Мурод қиссаларида халқимизнинг бой маънавий мероси ҳисобланмиш маросим фольклори ва миллий анъаналаримизни ўзига таниш, ўз руҳий оламига яқин бўлган удумларимизни асарлари руҳига маҳорат билан сингдириб, уларнинг миллат қишилари ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини ўзига хос бадиий ифода қилиш орқали халқона асарлар яратиб, маросимларимизнинг қадимийлиги, ҳар бир урф-одат ва анъаналаримиз замирида халқимизга хос юксак фазилатлар мужассамлигини кўрсатиб берди. Шу боисдан бу қиссалар ўзбек халқининг миллий руҳиятини илғаш ва акс эттириш жиҳатидан адабиётимизда ўзига хос ўрин тутиб, асарларнинг бадиий қатламларига чуқурроқ кириб бориш, миллат руҳий дунёсини теранроқ англаш, унинг бугунги ўзбек маънавиятини шакллантиришга хизмат қилиши мумкин бўлган жиҳатларини тайин этиш имконини беради. Негаки, ёзувчининг воҳадоши таниқли журналист Маҳмуд Абулфайз таъкидлаганидек: «Худди Доғистон шоири Расул Ҳамзатов Цада овулини адабиётда, демакки, дунёга машҳур қилгани каби, худди қирғиз адиби Чингиз Айтматов Шакар овулини оламга ёйгани каби Тоғай Мурод ҳам Хўжасоатни, унинг қирлари, адирларини, оппоқ-ойдин кечаларини, боринки, бутун Сурхонни ўзига хос маҳорат билан адабиётга олиб кирди».

Тоғай Мурод қисқа умри давомида ўз юртини, элини маҳорат билан куйлашга улгура олди. Бу борада адиб унча-мунча ёзувчи-шоирлар қилолмаган улкан ишларни уддалаганлигини эътироф этиш лозим.

Чори БАДАЛОВ,
ЎзДЖТУ аспиранти



АХТАМҚУЛИ

*Қароғинда қарор излаб қаламни
беқарор этдим*



*Назм гулзорида кўнгил ёзишни ихтиёр этдим,
Асов байтларни соғинчнинг булогидан шикор этдим.*

*У гул ҳуркак кийик янглиг келиб қошимга ўлтирса,
Куюк кўксимни тоғ айлаб дилимни лолазор этдим.*

*Ҳамал пинҳона кўз сузса, ясангай ухламасдан боғ,
Ғазалзорлар аро чопдим, юракларни баҳор этдим.*

*Қаранг афтода булбулни, наволаб излагай гулни,
Анинг озода ишқидан ўзим ҳам ифтихор этдим.*

*Далам домонидан ялтиз чиқиб йўлимга кўз тиккай,
Қиқирлаб оқса анҳорлар у гулишанни хумор этдим.*

*Менинг битганларим қақнус қанотидан сочилган нур,
Ватан, тинчингни опичлаб уларни кўзтумор этдим.*

*Бу ишқ уммонида йўл топмаган Ахтамқули менман,
Қароғинда қарор излаб қаламни беқарор этдим.*

* * *

*Сен дилим бозорида бепо бўлиб юрганмидинг?
Байтларимга ўт қўйиб завго бўлиб юрганмидинг?*

*Тун кўзимнинг косасига ойни чўктирган маҳал,
Кипригимдан оқмаган дарё бўлиб юрганмидинг?*

*Эй қуёш, пинҳона кел, ҳижронларимни куйдирай,
Кўкка кўнглимни ёзиб, танҳо бўлиб юрганмидинг?*

*Қоматим ҳам айлаган тоғларни елкамдан тушир,
Қиблагоҳим кўзлаган дунё бўлиб юрганмидинг?*

*Эски тўнимдан илиқ жой топмадим олам аро,
Кўкрагинг бошимга қўй, савдо бўлиб юрганмидинг?*

*Ер юзини титратиб афсона Искандар каби,
Оқибат кафтинг очиб, бежсо бўлиб юрганмидинг?*

*Кўй, етар, Ахтамқули, сендан жаҳонгир чиқмагай,
Андалиблар базмида шайдо бўлиб юрганмидинг?*

* * *

*Сўз қилич янглиг дилимни парчалаб кетгай бу кун,
Жон чиқар пайтида бир сўз менга раҳм этгай бу кун.*

*Тунда сўзлар ҳукмига қурбони бўлгайсан қалам,
Неки ёзсанг соҳибинг бошинга тиг тутгай бу кун.*

*Дардларимга дард қўшар ёлгончисан фолбин аёл,
Сўз агар панд бермаса қийноқларим ўтгай бу кун.*

*Байтларим арқонида жонимни юзминг парчаси,
Богланиб қолган десам афтодалар нетгай бу кун.*

*Қақраган саҳро каби дунёни чексиз соҳилин,
Тентираб девона юрганларга дил етгай бу кун.*

*Қирқилиб қирқминг ямоқ бўлган юракнинг бандига,
Гул сочиб кезган баҳор шодликларин битгай бу кун.*

*Сен дилинг пештоқида осгил чироқ Ахтамқули,
Саргайиб қоғозларинг гулханли сўз кутгай бу кун.*

*Юзургай нур сочиб офтоб, Ватан гулзор бўлиб кетгай,
Шамол гулларни ўйнатмоқ учун бедор бўлиб кетгай.*

*Баҳор кўнглимни олган қиз, унинг қошида чўкдим тиз,
Чиқиб сархуш этар ялпиз, гамимга ёр бўлиб кетгай.*

*Ғариб булбул хиёбонда, учар афтода ҳар ёнга,
Ғазаллар барқ уриб қонга, дилим бозор бўлиб кетгай.*

*Азалдан фол очар тарих, бу тунроқ дилочар тарих,
Тўлиб ҳикмат сочар тарих, ҳама хуштор бўлиб кетгай.*

*Қоғоз бирлан қалам келди, менинг дашту далам келди,
Ёниб куйлашга дам келди, аламлар хор бўлиб кетгай.*

*Дилимни сизга айтдимми, керакмас менга қайтимни,
Олинг ҳар битта байтимни, жаранглаб тор бўлиб кетгай.*

*Юрак қирғоқлари бўйлаб, келар Ахтамқули куйлаб,
Нуқул оташли сўз ўйлаб, куйиб абгор бўлиб кетгай.*

*Топмадим дил тинглаган фатвоси куйсин шеърни ҳам,
Ғамларимга гамғусор дунёси куйсин шеърни ҳам.*

*Тунда қалб гулзорининг юлғичларига тўқнашиб,
Қон бўлар ёзганларим саҳроси куйсин шеърни ҳам.*

*Учмаса олам аро оҳимни куйган зарраси,
Етмасам поёнига имлоси куйсин шеърни ҳам.*

*Дил сўраб пинҳона ҳеч девоналикдан толмадим,
Бой бериб қуйган умр савдоси куйсин шеърни ҳам.*

*Кел илондек тўлганиб турғувчи байтлар қошига,
Бир газал шайдосиман шайдоси куйсин шеърни ҳам.*

*Англамай ўлсин қалам сўзларга қул айлаб мени,
Элга қилгандек мазах сарпоси куйсин шеърни ҳам.*

*Ёнмасанг Ахтамқули дилларни ёндирмоқ учун,
Қасрига ўт қуй бориб гавгоси куйсин шеърни ҳам.*



ШОШИЛИНГ! ОБУНА - 2011

Журналимизнинг азиз мухлислари!


Ҳаш-паш дегунча йил оёқлаб, тагин келгуси йил обунасига тараддудланиб қолдик. Мана, кўлингизда «Ёшлик»нинг 10-сони. Насиб этса, янги йилгача 12-сони ҳам Сизга етиб боради. Бу – бултурғига нисбатан икки ҳисса кўп ишладик деганидир. Айни чоғда Сиз ҳам бултурғидан икки баробар кўп асар ўқингиз. Келгуси йилда бу самарадорликни яна оширмоқчимиз. Журналимиз худди шу бичимда 48 эмас, 64 саҳифада чоп этила бошлайди. Ғаладонларимизда Сизни қизиқтирувчи, бадиий пишиқ, маънавий оламингизни янада бойитувчи сара асарлар бисёр.

Ўйлаймизки, келгуси йилда ҳам биз билан, АДАБИЁТ билан, бадиий янгиликлар, мутлақо янги асарлар билан ошно бўлиб қоласиз.

Шундай экан, обуна эсдан чиқмасин. Негаки, журналимиз матбуот дўконларида сотилмайди, фақат обуначилар манзилига боради.

Нашр индексимиз: Яққа обуначиларга - 822.

Ташкилотларга - 968.






Севинг ва

*Сирдарё вилояти Гулистон шаҳридаги «Ниҳол» адабий тўғараги
иштирокчилари – журналимиз меҳмони*



Дилмурод ДЎСТ,
*вилоят Халқ ижодиёти
маркази илмий ходими.*



ЖУДО АЙЛАДИНГ

*Сен мени боримдан жудо айладинг,
Ўзи ҳеч нима ҳам йўқ эди, шундоқ.
Бор бойлигим эди покиза севги,
Кўп кўрдинг, мен энди яшарман қандоқ.*

*Сен мени боримдан жудо айладинг...
Овунчоғим эди хаёлим тунлар.
Ўғирладинг ҳатто хаёлимни ҳам,
Энди ўйларимда аччиқ тутунлар.*

*Сен мени боримдан жудо айладинг...
Уйқуни соғиниб ўтмоқда кўзим.
Сен ҳақингда қанча ўйласам шунча
Унутиб борарман, ўзимни-ўзим.*

*Сен мени боримдан жудо айладинг...
Қалбимни эгаллаб олибсан, билдим.
Бугун ўшал сени сўроқсиз севган
Юракдан воз кечиб, уни оқ қилдим.*

Сен мени боримдан жудо айладинг...

РАШК

*Сени ўзимдан ҳам қизганиб, аммо
Гулларга берибман қучоқларингни.*



*Ўзим тишламайин бир бора ҳатто,
Зиракка берибман қулоқларингни.*

*Қизганиб-қизганиб нурли юзингни,
Куёш нурларига силатиб қўйдим.
Сочингни ўйнаган шамолни бугун
Қалбимга қамаб, сўнг ухлатиб қўйдим.*

*Қўлингдан тутмадим ҳеч қачон, бироқ
Қаро мунчоқларга ушлатиб қўйдим.
Изҳорга атаган журъатимни мен
Сенга бир қарашга ишлатиб қўйдим.*


*Кўзларингга боқиб, бахтни ҳис қилдим,
Аммо рашик келди икки кўзимга.
Аллоҳ насиб этса бир кун висолинг...
Қандай раво кўрай сени ўзимга.*

* * *

*Ишдан ҳориб, чарчаб келаман секин,
Суюнганча икки оёғимга жим.
Кўзларим хотирасин йўқотганми ё
Қоронгиданми?..
Кўзларимга таниши кўринмас ҳеч ким,
Ижара уй мени қаршилар мудраб,
Тили калимага келмай,
Эшик ҳам,
Остонада қолди...
Оёзин очиб ланг.
Кун билан ким ўзарга
Пойга ўйнашиб,
Туфлиларим йиқилди,
Ҳориб, ҳоли танг.
Чиройни ёқаман,
Шифтдаги лампа
Хонани тун қўйнидан сузуриб олди.
Шимим гиламда,*

севилик яшанг дунёда

Кўйлагим эса стулга суянганча
Ухлади, қолди.
Менинг эски дўстим қари кароват,
Таширфимдан шод,
Ғичирлаб айлади, хониш.
Кўрпам мени кутиб ухлаб қолганин,
Юзларимдан ўпиб шивирлар болиш.
Мен секин кўрпамни қуча бошлайман,
Елкасига қўйиб икки қўлимни.
Чироқни ўчириб,
Кўзимни юмиб,
Сўнг қариши оламан иссиқ ўлимни.



Вақт келиб кўзимга тор бўлди жаҳон,
Дўстларим устимдан кулди ногаҳон,
Ёдида сақласа керак ҳар инсон,
Онам дуолари ёдимда доим,
Отамнинг сўзлари ёдимда доим.

АТЛАС КҲЙЛАК КИЙГАНИНГДА...

Сеҳр билан боқар эдинг
Қовогингни уйганингда.
Менга жуда ёқар эдинг
Атлас кўйлак кийганингда.

Атиргуллар очиларди,
Бўйи кўкка сочиларди,
Аламларим янчиларди
Атлас кўйлак кийганингда.

Қабутарлар учар эди,
Бир-бирини қучар эди,
Шум хаёллар қочар эди
Атлас кўйлак кийганингда.

Сайр қилайлик гул-боғларни,
Қизғалдоқли қир, тоғларни,
Ўтказайлик хуш чоғларни
Атлас кўйлак кийганингда.

Самоларда кулсин қуёш,
Бинафшалар кўтарсин бош,
Юраккинам берсин бардош
Атлас кўйлак кийганингда.

Кўзларимни куйдирасан,
Суйган сари суйдирасан,
Ширин жондан тўйдирасан
Атлас кўйлак кийганингда.

Бахт қўшилсин гул бахтингга,
Умр берсин дил тахтингга
Омад кулсин чин аҳдингга
Атлас кўйлак кийганингда...



Раҳматжон ҚўРҒОНОВ,
Гулистон санъат коллежи
ўқувчиси

ЁДИМДА ДОИМ

Бошимга қиличин қўйса ҳам ганим,
Мени ташлаб кетса азиз дўстларим,
Балолар ёғдирса айтган сўзларим,
Онам дуолари ёдимда доим,
Отамнинг сўзлари ёдимда доим.

Гўзал ёр рухсори олса хаёлим,
Минг бир азобларга солса ҳам золим,
Ҳатто жигарларим билмаса ҳолим,
Онам дуолари ёдимда доим,
Отамнинг сўзлари ёдимда доим.

Бўғзим ичра бир кун нафас қисганда,
Кетарда гуноҳлар йўлим тўсганда,
Армоннинг бўйлари кўкка ўсганда,
Онам дуолари ёдимда доим,
Отамнинг сўзлари ёдимда доим.





Гавҳар ХОЛБЕКОВА
Педагогика коллежи ўқувчиси.



ЮЛДУЗ

Само чексиз, осмон тим қора,
Порлаб турар порлоқ бир юлдуз.
Ўйга чўмиб қоламан ногоҳ,
Қайга кетиб қолар у кундуз...



Зайнура УМАРОВА,
ГулДУ талабаси



ИҚРОП

Муҳаббатга эгмам энди бошимни,
Мажолим қолмади, тўкмам ёшимни.
Камон деб атаманг менинг қошимни,
Севмайман, деб бугун севиб бўлибман.

Ҳижронга тутмасман энди бу жонни,
Ўт ёқиб, қайнатманг вужудда қонни.
Излаб ҳам топмадим сўлим маконни,
Севмайман, деб бугун севиб бўлибман.

Йўқотиб лаззатни, топдим азобни,
Унутдим бутунлай гуноҳ-савобни,
Излайман жонимдан битта жавобни,
Севмайман, деб бугун севиб бўлибман.

Согинчга гул тутган қўлим толдимми?
Наҳот шу туйғулар ақлим олдимми?
Айтинглар, танамда жоним қолдимми?
Севмайман, деб бугун севиб бўлибман.

Сойдай согинчларим оқаверсинлар,
Сабрга гул-чечак тақаверсинлар,

Дардимни данакдек чақаверсинлар,
Севмайман, деб бугун севиб бўлибман.

Ҳусниддин ҲАЙИТОВ

СИРДАРЁЛИК ҚИЗ

Илк бора нигоҳинг кўрган онимда,
Севгининг нелигин англагандим мен.
Қолмади шу лаҳза ором жонимда,
Ногоҳ ҳаммасини тортиб олдинг сен.

Илк бора нигоҳинг кўрган онимда,
Қалбимда жўш урди ажиб, тотли ҳис.
Гулдайн очилдинг ишқ бўстонимда,
Кўзлари сеҳрли сирдарёлик қиз.

Илк бора нигоҳинг кўрган онимда,
Хаёлим қочганди ўзимдан йироқ.
Ҳали кўрмагандим Гулистонимда,
Хушрўй соҳибжамол сендан гўзалроқ.

Илк бора нигоҳинг кўрган онимда,
Ҳайкалдек қаршингда қолгандим қотиб.
Ғафлат уйқусида юрган онимда,
Севишини ўргатдинг ҳислар уйғотиб.

Илк бора нигоҳинг кўрган онимда
Нур сочди чарақлаб кўнглим гавҳари.
Ҳуснингга термулиб турган онимда,
Ошиқлигим сездим Мажнун сингарии...



ДУНЁДА

Бу гўзал ҳаётда яшаманг ҳиссиз,
Дунёдан шунчаки ўтмангиз иссиз,
Севги учун нафас олинглар сўзсиз,
Севинг ва севилиб яшанг дунёда.

Ҳаттоки булбул ҳам яшолмас гулсиз,
Бир лаҳза яшолмас гул ҳам булбулсиз.
Яшолмас инсонлар асло кўнгилисиз,
Севинг ва севилиб яшанг дунёда.

Муҳаббат тотлидир, ширин туйғудир,
Севмасдан яшамоқ улкан қайғудир.
Дўстларим, бу туйғу мудом мангудир,
Севинг ва севилиб яшанг дунёда.





ИСТЎДОД


...2010 йил, 15-17 апрель. АҚШнинг Колумбия шаҳрида Колумбия университети ва Ҳарриман институту ҳамкорлигида профессор Эдуард Олвортнинг 90 йиллик юбилеи муносабати билан халқаро анжуман ўтказилди. Ҳарриман институту директори Тимоти Фрай томонидан Марказий Осиёдан таклиф этилган ягона меҳмон ўзбекистонлик ёш олима, филология фанлари номзоди Зулхумор Мирзаева бўлди.

Беҳбудийнинг “Падаркуш” драмаси ҳақидаги маърузасида Зулхумор Эдуард Олвортнинг ўзбек адабиёти ҳақидаги фикрларига ўз муносабатини билдирар экан, адабиётимизга ғарбона эмас, миллий ўзига хослик, шарқона анъаналарни ҳисобга олиб баҳо бериш лозимлигини таъкидлади. Эдуард Олворт XX аср ўзбек адабиётини ярим асрдан ошиқроқ ўрганган, бу борда қатор салмоқли тадқиқот ва монографиялар эълон қилган, бутун ҳаётини ўзбек адабиётини ўрганишга бағишлаган забардаст олим. У “Замонавий ўзбеклар: XIV асрдан бугунга қадар: маданий тарих” (1990 йил, Станфорд университети), “Ўзбек адабий сиёсати” (1964, Колумбия университети), “Ҳақиқат излаб: Фитратона услуб” (2002) номли китоблари ва мақолалари, илмий тадқиқотлари билан нафақат Америка, балки бутун дунёга машҳур. Э. Олворт Зулхуморнинг мулоҳазаларини диққат билан эшитгач, ҳазил аралаш “Мени роса бошлабсан-ку”, дея унинг дадил фикрларига беъътибор эмаслигини билдиради. Шунингдек, “Сен мен ҳурмат қиладиган олимлардан бирисан”, дея олқишлайди.

Хўш, Америкалик таниқли олим билан баҳсга киришаётган бу ёш олима ким экан, деган савол туғилиши табиий. Қорамағиздан келган, озғингина бу тиришқоқ қиз Фарғонанинг Бешариқ туманида туғилиб ўсди. Ёшлигидан билимга чанқоқ, адабиёт ихлосманди Зулхумор мактабда фан олимпиадаларида вилоят босқичида, вилоятда ўтказилган “Менинг биринчи китобим” танловида ғолиб бўлиб, талабалikka имтиёз-

ли қабул қилиниш ҳуқуқини қўлга киритди. 1996 йили илк китоби нашр этилди.

Зулхумор тинмай изланар, изланишлари эса самарали эди. Республика ижодкор талабалар ўртасида ўтказилган танловда ҳам ғолиб бўлиб, “Улуғбек” жамғармасининг кўкрак нишони билан тақдирланди, шунингдек, Мирзо Улуғбек номидаги давлат стипендианти бўлди. Зулхумор ўзбек филологияси факультети талабаси диплом ишини ўзбек ва инглиз тилларида ҳимоя қилди. З. Мирзаеванинг диплом иши оппоненти инглиз филологи Хелен Велеш хоним ҳайратини яширмай, Зулхуморнинг билими ва меҳнатини юқори баҳолади: *“Мен инглиз филологлари орасида фаолият олиб бораман, уларнинг инглиз тилида эркин гапира олишлари табиий ва шарт ҳам деб ўйлайман, аммо ўзбек филологияси талабасининг инглиз тилида равон гапира олиши ва ҳатто илмий тилда ҳам саволларга аниқ жавоб бериши бу жудаям кам учрайдиган ҳолат”*.



3. Мирзаева университетни имтиёзли диплом билан якунлагач, ўқишни давом эттириб, 2007 йил “Ўзбек жаҳид адабиётининг Америкада ўрганилиши” номли номзодлик ишини ҳимоя қилди. Янаям ажабланирлиси, ҳимоядан бир кун олдин Зулхумор операция столида кичик фарзандини дунёга келтирган эди. Жон билан талашиб, наркоз таъсирида кўзлари юмилаётган Зулхумор “Эртага ҳимоям. Мен албатта кўзимни очишим шарт!” дея қарор қилди...

Ҳимоя вақтида иштирокчиларнинг кўпчилиги бу воқеадан беҳабар эдилар. Фикрларини илмий асослаб, саволларга тўлақонли жавоблар бераётган диссертант ўз ишини дадил ҳимоя қилди. Ушанда эслайман, устоз Умарали Норматов “Зулхумор кечагина фарзандли бўлиб, бугун бу ерда, диссертацияни ҳимоя қилиши... бу жасорат-ку, азизлар, жасорат. Мана ўзбек аёлининг иродаси, қолаверса илмининг қудрати, илмга бўлган муҳаббат!” дегандилар. Бу хабардан кейин зал сув кўйгандек жим бўлиб қолди. Кенгаш аъзолари, устозлар, ҳимояга йиғилган барча меҳмонлар ҳайратдан лол бўлиб қолган эди. Зулхуморнинг кўнглиги яқин ҳамкасабалари, дўстлари ўзларини йиғидан тўхтата олмасди.

Зулхумор эслайди: *“Ҳозир ўша кунларни ўйласам ўзим ҳам кўрқиб кетаман, мени операция қилган Гулмира опа туриш умуман мумкин эмаслигини, ҳомладорлик давридаги ортиқча ишлашининг салбий оқибатлари ҳаётимга хавф солиб турганлигини таъкидлаб, менга ҳимоя учун руҳсат бермаган эди. Мен қайсарлик қилиб, ҳатто унинг бир парча қоғозга ёзилган тилхатига кўл ҳам кўйиб бердим. “Ҳар қандай нохуш воқеа учун ўзим айбдорман, шундай бўлган ҳолатда, ҳеч кимни айбдор қилмайман”. Мен ўшанда ўлимни ҳам бўйнимга олиб, фақат ҳимоя ҳақида ўйлардим, ўша дамлар ҳаётимнинг охири нуқтаси бўлса ҳам бундан афсус чекмасдим, балки. Ушанда яна бир воқеа мени ҳайратга солганди. Ҳимоя қилиниши керак бўлган манзил – Тил ва адабиёт институтигача оғриқ, наркоз таъсиридаги алғов-далғовлардан биров қийналдим. Институт эшигига қадам кўйишим билан бутунлай бошқа бир тана, бошқа бир Зулхуморни ҳис қилдим – менга гўё ҳеч нарса қилмагандек. Бу Оллоҳнинг қудратидан бошқа нарса эмас”.*

Ҳа, буни ўзбек аёлининг жасорати, фидоийлиги дейишга тўлақонли ҳақлимиз.

3. Мирзаева ўзбек адабиётининг чет мамлакатларда ўрганилиши борасида салмоқли тадқиқотларни амалга оширди. Унинг “Хориж олимлари тадқиқотларида ижтимоий-бадий синкретик тадқиқот принциплари”, “Чўлпон шеърлари таржимасининг қиёсий таҳлили”, “Мувозанат” нинг Америкадаги талқини”, “Ўткан кунлар” романининг сруктурал таҳлили ва тадқиқотлардаги етакчи тамойиллар”, “Абдурауф Фитрат фаолиятининг ўрганилиши: ўзига хос ёндашув ва қарашлар” каби мақолалари мазкур мавзунинг у ёки бу жиҳатларини ўрганишга бағишланган. Олиманинг энг сеvimли мавзуларидан бири ўзбек жаҳид адабиётини ўрганишда миллий ўзига хос жиҳатларни биринчи планга қўйган ҳолда холисона баҳолаш. Шунинг учун ҳам у аслият ва таржималарни қиёслар экан, шундай хулосага келади: “Таржима иши кўпчилик ўйлаганидек асл нусхани иккинчи бир тилда шунчаки талқин этишдек осон иш эмас. Айниқса, Шарқ ва Ғарб ўртасидаги тафовутлардан келиб чиққан ҳолда

мавжуд бўлган барча соҳалардаги жиҳатлар, яъни миллий колоритни ташкил этувчи миллий дунёқараш, миллий муҳит ва яшаш шароити ҳам ҳамюртларимиз онгида юз берган ўзгаришлар, давр руҳи кабиларни таржимада сақлаб қолишдек масъулият бу мураккабликни янада оширади... Таржима маълум бир миллат вакилларига нотаниш бўлган иккинчи бир халқнинг маданияти ва менталитетини таништиришда кенг имкониятлар яратиш билан бир қаторда, бадий асар, маълум маънода “ривожланиш” жараёнини ҳам бошидан кечиради”.

Дарҳақиқат, “Чўлпон шеърлари таржимасининг қиёсий таҳлили” мақоласида у Чўлпоннинг “Бас энди” шеърини америкалик олим Э. Олворт, туркиялик таржимон Мел Кенни ва ёш ўзбек таржимони А. Обидов таржима вариантларини қиёслади. Э. Олворт шеърнинг маълум қисмларининг таржима қилган. Э. Олворт таржимаси таржимоннинг фақат индивидуал фикр исботи учун хизмат қилади, у шеърни тўлиқ эмас, муаллифнинг дард-аламлари кулминацион қисмларининг инглизчага ўгиргани, шунингдек, олим шеърнинг иккинчи ва тўртинчи мисраларини таржимада чалкаштиргани, ёки энг муҳим мисраларни танлаб олгани, яъни америкалик олим-таржимон аслиятдаги тартибга риоя қилмаганлиги сабаб, унинг айнан қайси мисрани таржима қилганини фарқлашда чалкашликлар келтириб чиқаришини таржима назариётчилари фикри ва шахсий илмий хулосалар билан дадил исботлаб берган.

Зулхумор қиёс давомида шеър руҳидан келиб чиқиб ҳар уччала вариантни синчиклаб ўрганар экан, таржималар орасида энг мукаммали турк таржимони қаламига мансуб, деган хулосага келади. Таржимада сўзнинг моҳиятини англаш, фикрни нозик жиҳатлари билан янги тингловчига етказишга хизмат қилади. Шу сабаб ҳам Зулхумор Мел Кенни таржималарини диққат билан таҳлил қилади ва у танлаган инглиз сўзлари Чўлпон фикрларини ифодаси учун анчайин яқин эканлигига амин бўлади. Шу билан бирга ўзбек таржимони Аъзам Обидов шакл ва мазмун бирлигини сақлаб қолишда бошқа таржимонларга нисбатан аслиятга яқинроқ эканлигини таъкидлайди.

Бугунги ўзбек адабиётида ўз ўрнига эга бўлган адиб Улуғбек Ҳамдамнинг “Мувозанат” романи борасида асар нашр этилгандан буён ранг-баранг фикрлар изҳори ҳали давом этмоқда. Бу асар нафақат ўзбек адабиётшунослигида, балки чет эл адабий оламида ҳам қизиқишларга сабаб бўлиб улгурди. Муаллиф инсон психологиясини ўзига хос тарзда тасвирлайди ва бу тасвир фақат бир миллат тушунча доирасида бўлмай, умумбашарий қиёфа касб этади. Шу сабабдир, америкалик ўзбек адабиёти буйича бир неча йиллардан буён тадқиқот ишлари олиб бораётган олима Рейчел Харрел назаридан қочмади. Асар Харрел хоним фаолият кўрсатаётган Мичиган университети профессор ўқитувчилари томонидан ҳам катта қизиқиш билан ўқилган ва кафедрада унга бағишлаб семинарлар ташкил этган. 2007 йил Марказий Евросиё масалаларига бағишланган 8-Халқаро анжуманнинг маданият шўъбасида Рейчел Харрел “Ўтиш даврида ўзбек адабий овозлари. Улуғбек Ҳамдамнинг “Мувозанат” романи воқеаси” мақоласи билан иштирок этади. 3. Мирзаеванинг ушбу маъруза муносабати билан “Талабалар дунёси” журналида (2009 йил 10-сон) чоп этилган “Мувозанат”нинг Аме-

рикадаги талқини” мақоласи каттагина шов-шувга сабаб бўлди. Мақолада У. Ҳамдам романи борасида куйидагича фикр юритади: “Мувозанатда қотган ақл ва кўнгил ўртасидаги адоқсиз курашлар, қалб кечинмалари, руҳий азобларнинг ёрқин ранглардаги бадиий ифодаси, ҳақнинг ҳақиқатлари моҳиятини тўғри идрок этишнинг бирламчи қонуниятлари ва мураккабликлари каби фикрлар, маиший муаммолар билан боғлиқ ҳолда талқин қилинган. Муаллиф сўзга янгича муносабатда бўлиш орқали мураккаб манзаралар ва рамзий тимсолларнинг ўзига хос шакллари яратган”.

Олима мақолани таҳлил этар экан, Рейчел Харрел мутахассис сифатида асосий эътиборни романинг тили билан боғлиқ жиҳатларига кўпроқ эътибор қаратгани, шунингдек асарда ўзликни англаш миллий характер муштараклигида ифодаланиши ва мавзу жасорат билан акс эттирилганлиги асарнинг асл қимматини белгилашини уқтиради. Аммо олим асарни таҳлил этиш жараёнида бир қанча чалкашликларга ҳам йўл қўйган (Абдулланнинг ўлими тасвири, Юсуфнинг институтга қайтиши таҳлиллари).

3. Мирзаева эса Х. Рейчелнинг “Мувозанат” ҳақидаги фикрларини холисона эътироф этиб, америкалик ўзбекшунос ўзбек адабий танқиди эътиборидан четда қолган жиҳатларини очиб берганлиги ижобий ҳодиса эканлигини айтади. Шу билан бирга аниқ далиллар асосида Рейчел хонимнинг мунозарали фикрларига ҳам муносабат билдиради. Мақолада Р. Харрел ва бошқа чет эл ўзбекшунос олимларнинг ўзбек адабиётига субъектив муносабатини таҳлил этар экан, хориж тадқиқотчиларининг чалкаш хулосаларга келиши сабаблари ғарб олимлари рамзий ифодаларни илғаб ололмаганлиги, ғарбча тафаккур, мушоҳада юритиш роман моҳиятига етиб боришга имкон бермаганлигига, асарни ўқиётганда ундаги бадиий ҳақиқат мантиғи ҳақида эмас, ўз тасаввуридаги “ҳақиқатлар” тўғрисида фикрлаганликлари, ўтган асрнинг 50-90-йилларида америкалик олимлар тадқиқотларидаги анъанавий таҳлилнинг айрим жиҳатлари кейинги авлод вакиллари ҳам таҳлилий мерос сифатида ўтиб келаётганлигини аниқ далиллар билан исботлайди. Хулосалар олиманинг дунёни фалсафий мушоҳада этувчи фикрлари билан тўлдирилган.

Дарҳақиқат, бир миллатга хос жиҳатларни хориж кишиси тўлиқ англаб етиши душвор. Шундай экан, 3. Мирзаева каби миллатимиз маънавиятини дунёга танитаётган ва уни айрим мақсадли таҳлиллардан ҳимоя қилаётган олимларимиз кўпаяётгани қувонарли ҳолдир.

Зулхуморнинг инглиз ва турк тилларида эркин илмий ишлар олиб бориши, ўша миллат вакиллари-

ни ҳам ҳайратлантиради. Унинг илмий мақолаларини хориж матбуотида ҳам кўриш ажабланарли бўлмай қолди. Бир неча халқаро грантлар соҳиби сифатида Гарвард, Колумбия, Индияна, Сиэтл университетларида, шунингдек Қозоғистон, Ҳиндистон, Туркия, Германия сафарларида бўлиб, ўзбек адабиёти ва тилини ўрганаётган таянч университетларнинг ўқитувчи ва ўқувчилари билан учрашувлар, суҳбатлар олиб борди, адабиётимизни тарғиб қилишда савобли ишларни амалга ошириб келди.

3. Мирзаева нафақат яхши адабиётшунос, балки таржималари билан ҳам каттагина ютуқларни қўлга киритди. У хориж таржимонлари билан ҳам ҳамкорлик қилмоқда. Канадалик таржимон Гарри Дик билан Алишер Навоийнинг “Лисонут-тайр” асарини аслиятдан инглиз тилига таржима қилди, Навоий асарларининг изоҳли луғати ҳам бу икки олим ҳамкорлигида инглиз тилига таржима қилинапти. Нобел мукофоти соҳиби корейлик ёзувчи Ли Хо Чулнинг “Ўйдан йироқда”, “Ҳорғинлик”, “Шимолликлар ва жанубликлар” ҳикоя ва романларини инглиз тилидан ўзбек тилига таржима қилди. “Ҳорғинлик” “Ёшлар китоби” нинг 2008 йилги сонидан нашр этилди. Америка олимларининг мақолаларини ҳам ўзбек тилига таржима қилиб, ўзбек адабиётшуносларига тақдим этмоқда.

Зулхумор ўзбек тили ва адабиёти бўйича мутахассис, аммо у инглиз тилидан дарс берган талабаларнинг йигирмадан ортиғи чет элда, яна юзлаб шогирдлари мамлакатимиздаги нуфузли хориж институтларида таҳсил олишмоқда.

Эндигина 34 ёшни қоралаган 3. Мирзаеванинг ютуқларини биргина мақолага жо қилишнинг асло иллати бўлмади. Қолаверса бу олима ҳақидаги илк мақола ҳам эмас. Зулхумор ҳақида Ҳиндистоннинг “Гужарат” газетаси бош муҳаррири, ёзувчи ва журналист жаноб Нираж Патилнинг ажойиб мақоласи нашр этилган. Унда Зулхуморнинг илмий, ижодий ва таржимонлик фаолияти ёритилган, шунингдек, шеърлари таҳлил қилинган.


Бугун мустақил Ўзбекистонимизни дунёга танитаётган Зулхумор каби ёшларимиз беҳисоб. Зеро мамлакатимизда мустақиллик йилларида ёшларга эътибор тобора кучайиб бормоқда.

Қаҳрамонимиз шижоатли, меҳнатқаш, чидамли, жасур олима. Унга анъанавий “ижодий парвозлар” тилаги мос келмайди. Ахир унинг ўзи парвозда-да. Тилагимиз шу: парвозингга кўз тегмасин, Зулхумор!

Дилнавоз ХОЛИҚОВА,

Алишер Навоий номидаги

Тил ва адабиёт институти тадқиқотчиси





Хуршида НИШОНОВА,
ЎзМУ талабаси

ШОИР КЎНГЛИ МАНЗАРАЛАРИ

Поэтик образлар бирор адабий муҳит доирасида шаклланиб, мукамаллик касб этади ва маълум вақт оралиғида анъанага айланади. Жамиятдаги инсонлар тафаккурининг ўзгариши билан поэтик образларда ҳам янгиланиш содир бўлади. Буни истиқлол даври шеърини мисолида кузатиш мумкин.

Ўтган асрнинг сўнги йиллари шоирлар ижодида поэтик образлар соф дунёвий, миллий, ижтимоий асосга курила бошлади. Шу билан бирга классик адабиёт таъсирида ҳали поэтик образларда эврилиш юз берди. Бу жараён шоир Аъзам Ўктам ижодида, хусусан, унинг “Зиёрат” тўпламида кўринади. Анъанавий поэтик образлар “ошиқ” ва “маъшуқа”, “рақиб” ва “дўст” шоир поэзиясида янгича талқин қилинди. Бу ўзгариш мумтоз шеърини таъсирида, қолаверса, шоир эътиқоди билан боғлиқ ҳолда рўй берди.

XX асрга келиб, аксарият ижодкорларда, жумладан, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Фозил Зоҳид ижодида бу тимсол янгича талқин қилинди. Уларда шайтоннинг шарридан ҳимояланиш мотиви устувор бўлса, А.Ўктам бадиий тафаккурига келиб шайтон тимсоли мазмунан ўзгарди. Бундай талқин шоирнинг “Остонада” шеърини кўринади.

*Шайтон қанча бермасин пишанг,
Бўсагадан ҳатламас ахир –
Пойимдаги у кумуш кишан,
Бўйнимдаги бу тилла занжир.*

Яъни “кумуш кишан” ва “тилла занжир” иборалари орқали шоир “рақиб” образини ифодаловчи “шайтон” тимсолини “нафс” билан алмаштирди.

Шоир мурожаат этган поэтик тимсоллардан яна бири ит, унга лирик қахрамон қалб кечинмалари сингдирилган. Шоир тасаввуридаги қисматни фалсафий акс этишида ит тимсоли ҳам муҳим. А. Ўктамгача ит Алишер Навоийда ёрга етишиш учун восита, Огаҳийда бахиллик, тегмаганга тегиш, кўра олмаслик сифатида ифодаланган.

*Тарақларди дарвоза тинмай,
Бақирарди бир тўда одам.*

*Чиқсам ётар бир ит ўлолмай,
Қоп-қора қон эшик ҳам, ер ҳам.*

Шоир А. Ўктам ушбу “Ижара уйдаги ҳодиса” шеърини итга хос яхши ва ёмон жиҳатларни кишиларга, айниқса, йўлини йўқотган дарбадар ҳолатига кўчириб, фалсафий хулосалар чиқаради:

*Бир эзилдим тиёлмай ёшни,
Бир соғиндим туғилган юртни.*

Шоир итнинг ҳолига ачиниш билан қалби шу итдек сарсон эканини англайди. Айтиш мумкинки, шоир бу тимсол орқали анъанавий образ “ошиқ”ни тасвирлайди, “ошиқ” эса шоирнинг ўзи.

Шоир ижодида “маъшуқа” образи ҳам ўзига хос тасвирланган.

*Кел, десанг – чопиб сўнгаларни
Шақиллатгим келур.*

Шеър мазмунидан билиш мумкинки, лирик қахрамон руҳиятида фанога интилиш етакчилик қилади.

*Бормайди тил сўз деярга,
Урмаккада бормас қўлим.
Эшигингни кипригим бирла,
Тақиллатгим келур.*

Бу ўринда ўлим азоблардан фориг бўлиш воситаси эмас, маъшуқага етишиш учун “ошиқ”нинг ягона йўли. Ёки:

*Берганинг басдир қулингга,
Доғу сўрайманму, Эгам?*

Мисраларида “қул”га айланган ошиқ “Эгам”дан яна сўрашга истиҳола қилади. Яъни қаноат ва сабрни қисмати этиб белгилайди.

Бадий адабиёт тараққийетида бизга яна бир поэтик образ маълум. У рақибга қарам-қарши аспектда ошиқни қўллаб, маъшуқага элтишда кўмаклашувчи “дўст” дир. Унинг энг кўп қўлланилган варианты “кўнгли” бўлиб, уни ҳар бир ижодкор ўзича талқин қилган. Шунинг учун ҳам бу образни таҳлил қилган олимлар “кўнгли” сўзи шаклан ўзгармаса-да, матнда ўз моҳиятини ўзгартира борганини таъкидлашади. Масалан, Лутфийда кўнгли ҳукм этувчи, ошиқ ҳаётини бошқарувчиси, ҳаёт сирларини очувчи деб қаралган. Албатта кўнгли деган сўзни тилга олиш ёки кўнгли ҳаётига тегишли фикрлардан шеър яратишнинг ижтимоий аҳъаналар – эрк, ҳурлик билан боғлиқ кўриниши Чўлпон шеърлятига хос. А. Ўктам поэзиясида “кўнгли” мутлақо бошқача мазмунда келади.

*Кўнгли, сендан ризодирман,
Бирубор ул десанг басдур.
Сенга измимни берганман,
Жўшиб майли, жиноят қил.*

Шоир ёрга етишишда бутун ихтиёрини кўнглига топширади.

Англаёлмассан – кўнглини, дейди шоир. Чиндан ҳам кўнгли ёрга етишиш воситаси, ошиқнинг йўлбошчиси экан, ҳамиша очилмас ҳақиқат бўлиб қолаверади.

*Тонгдан шом – иш вақти
Эллик сўм – маош.
Ҳар қалб тирикчилик дея ўртанар.*

Бу ўринда шоир кўнглининг “қалб” синонимига муурожаат этган. Тирикчилик домида қолган қалб тимсоли орқали моҳиятдан узилиб, майдалашаётган инсонлардан заада ҳолда, “Қалбимга уқтирар ақл ўз сўзин”, дея “дўст” образининг яна бир шакли сифатида “ақл”га ҳам муурожаат қилган. Дўстнинг “эътиқод”, “тавба”, “тоат” шакллари-дан ҳам фойдаланган.

Кўринадик, “ошиқ” образи орқали “банда”, “маъшуқа” орқали “Оллоҳ”, “рақиб”да “нафс”, “дўст” дея “эътиқод” бирламчи кўйилиб, бу образларнинг янги шаклда замонавий шеърлят нуқтаи назаридан талқин қилиниши, биринчи навбатда жамият, миллат тафаккури, қолаверса, А. Ўктам дунёқараши ва эстетик идеали янгиланганини кўрсатади.



БИРИНЧИ УЧРАШУВ



Ўралой МАРДИЕВА

Менинг эртагим

*“Бир бор экан, бир йўқ экан...”
Узун эртақ бошланар.
Нечун эртақ эшитганда,
Юраккинам гашланар.*

*Бир бор экан, бир йўқ экан,
Маликаман, бахтга зор.
Олисдаги шаҳзодани,
Кутмоқдаман интизор.*

*Бир бор экан, бир йўқ экан,
Тақдир, йўлинг қаёндур?
Шаҳзодамнинг шу йўлларда
Адашгани аёндир.*

*Бир бор экан, бир йўқ экан,
Умр елдек ўтмоқда,
Юраккинам ҳамон ўшал
Шаҳзодасин кутмоқда.*

*Бир бор экан, бир йўқ экан,
Юрак-бағрим бўлди қон.
Етар, ортиқ кутмагил деб,
Кўтардилар зўр исён.*

*Бир бор экан, бир йўқ экан,
Туғаб қолди эртагим.
Ёлгон-яшиқ севгиларга
Тўлиб кетди этагим.*

*Бир бор экан, бир йўқ экан
Саробларга алдандим.*

*Кечир, сени қутолмадим,
Бевафога айландим.*

*Бир бор экан, бир йўқ экан
Бахт мен учун эртақдур.
Бир армоним, эй шаҳзода,
Дийдорингни кўрмақдир.*

*Бир бор экан, бир йўқ экан,
Сени қўйлаб ўтаман.
Ушалмаган орзуларни
Эртақ қилиб айтаман.*

Бир бор экан, бир йўқ экан...





Шухрат Жўраев

МАОШИНГ ҚАНЧА?

Яхшилик – лойга ботган инсонга қўл узатиш, уни қуруқ жойга чиқариб қўйиш ва эвазига ундан ҳеч нарса таъма қилмасликдир.

Қиёмат – ҳаёт аталмиш трагикомедиянинг финал саҳнаси. Декорацияларни алмаштириш, асарга янги қаҳрамонларни танлаш жараёнининг бошланиши.

Бош – қабул комиссияси.

Латифа – ўзининг бошидан ўтган айрим саргузаштларни афандига тўнкаб ҳикоя қилиш натижасида вужудга келган гап-сўзлар.

Оёқ – борди-келди билан шуғулланувчи иккита дастёр.

Ҳаёт – одамлар топган нарсаларига миниб, ҳеч нарса тополмаганлари пойи-пиёда марра томон шошиб бораётган саҳн, мусобақа майдони – ер шарининг барча аҳолиси иштирок этадиган, тақдирлашга миллионга Оскар мукофоти камлик қиладиган энг узун ва энг сермазмун телесериал.

Вақт – ўзи йўқ бўлса ҳам одамларни доим шоширадиган, уларни қовун туширишга мажбур этадиган, ўтда ёнмас, сувда чўкмас, кўзга кўринмас, қулоқ эшитмас, ғайриоддий унсур.

Кўз – оламда кечаётган жараёнлар ва дунёдаги ранглар ҳақида киши миясига ахборот узатиб турувчи видеокамера.

Қулоқ – ҳамсухбат лағмониغا илгак ҳамда киши миясига оламдаги товушлар ҳақида ахборот узатишга ихтисослашган деворий аъзо.

Ер шари – Одам ато ва Момо Ҳаво авлодлари қўниб ўтишига мослаштирилган миллион юлдузли меҳмонхона.

Маошинг қанчалигини айт, сенинг кимлигингни айтаман.

Қаноат. Балки, қанот пайдо бўлиши учун ҳам керак бўлган туйғудир қаноат.

Билганларим: бугун ҳафтанинг қайси куни эканлиги, йилнинг қайси фасли ҳукмронлиги, кундузи ёруғ бўлиши, кечаси қоронғулиги. Билмаганларим... ва бунга қўшимча равишда билмаслигимни билмаган нарсалардан иборат.

Ўлимдан кўрқмаслигимни биламан, аммо бу билан мақтаниб бўлмаслигини ундан-да яхши тушунаман.

Иккита сўзни бир-бирига қўшиш ҳам иш бўптими? Худдики қулаётган осмонни тутиб қолган қаҳрамондек ғурурланишинга тушунмадим тушунмадим-да.

Олдин филникдан-да бақувват белга эга бўл, мақтов эшитиш кейин ҳам бўлаверади.

Катта ёки кўп нарсага эга бўлмоқчимисан, унда тезлигини... пастлат. Табиатдан ўрнатилган ол. У доимий ҳаракатда. Лекин бу ҳаракатни киши кўзи илғай олмайди. Қуёш, ер ва бошқа сайёралар ҳам шу тарзда ҳаракатланади.

Нисбийлик назарияси: “Сенинг бир ойдаги тўртта пайшанбангни кутиб умримни хазон қилиш ниятим йўқ!”.

Шухрат Жўраев Самарқанд вилоятининг Пайариқ туманида туғилган. Тошкент Давлат университетининг (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) филология факултетини битирган. Газета-журналларда мақола ва таржималари билан қатнашиб туради. “Ёшлик”да илк бор чиқиши.